ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО  ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

**Ахмедов Бурхон Абдурахмонович**

# ҲАДИСЛАР ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ ҲУКМЛАРИ МАНБАСИ СИФАТИДА

**Тошкент-2021**

Монография ҳанафий мазҳаби уламолари тарафидан тасниф этилган ҳадис манбаларини ўрганишга бағишланган. Рисолани ёзишдан асосий мақсад бошқаларнинг «Ҳанафийлар ҳадисни билмайди», деган даъволарига раддия беришдир. Имом Таҳовийнинг “Шарҳ маониял осор”, Мулла Али Қорининг “Мирқотул мафотиҳ”, Зафар Аҳмад Усмонийнинг “Эълоус сунан” китоблари ҳанафийларнинг ҳар бир ҳукмни фақат Қуръон ва ҳадисдан олганларини исбот қилган асарлардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари буйича қўмитанинг ….- рақамли тавсияси билан чоп этилди.

*Маъсул муҳаррир:*

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ**

филология фанлари доктори, профессор

*Такризчилар:*

**Ҳайдархон ЮЛДАШХОДЖАЕВ,** тарих фанлари номзоди, доцент

**Донёр Муратов,** тарих фанлари номзоди

# МУҚАДДИМА

Жаҳонда XXI асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мусулмон мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт, исломнинг ўрни, ислом ва сиёсат, ислом ва демократия каби масалаларнинг чуқур ўрганилиши долзарб муаммолар қаторига чиқди. Ислом дини дунёдаги миллионлаб кишилар ҳаётининг турли соҳаларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун ислом динининг мусулмон мамлакатлари тарихидаги ўрни ва роли, эътиқод ва ҳуқуқнинг сиёсий тизимларининг шаклланишига таъсирини илмий ва амалий нуқтаи назардан ўрганиш катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда яшовчи маҳаллий аҳоли асрлар давомида эътиқод қилиб келган ислом динининг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш, уни жамоатчиликка эзгулик, меҳр-муҳаббатга чорловчи восита сифатида етказиш ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан ҳисобланади, чунки “Элимизга тўғри исломни тараннум этиш - жуда катта тарбия. Масжидларда ҳам буни қўйса бўлади. Биринчидан онгимиз ўзгаради, иккинчидан ўзимизнинг устимизда ишлаш билан атрофимизга муҳит яратиб, бошқа иллатдан олиб, ижодга бағишлаймиз. Энг асосий масала – ўзлигимизни англашни жой-жойига қўймас эканмиз, кечаги биз айтган гапларни меъёрига етказа олмаймиз”.[1]

Дунёда бўлаётган ўзгаришлар, турли ирқий, миллий ва диний асосдаги ихтилофлар ҳамда келишмовчиликлар содир бўлаётган бир пайтда дин асослари, хусусан, исломшунослик соҳасини ҳам чуқур ўрганиш, бу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларга янгича назар билан қарашни талаб этади.

Аҳли суннат ва жамоат таълимотига эргашувчи тўрт мазҳаб – ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик ва ҳанбалийликнинг ҳар бирининг асосини Қуръони карим ва ҳадиси шариф ташкил қилиши ҳеч кимга сир эмас. Расулуллоҳ (с.а.в)нинг ҳадиси шарифлари ҳар бир мазҳаб фиқҳида

[1] Шавкат Мирзиёев: «Элимизга ислом динини тўғри тараннум этиш - жуда катта тарбия». Президент нутқидан. 30.12.2017

асосий манбалардан бири ҳисобланади. Мазҳаб имомлари ҳамда уларга эргашган издошларидан  ҳеч бири ҳадиси шарифдан ташқарига чиқмаган. Ҳадиси шариф турганда, ўз раъйлари ва фикрларини илгари сурмаган. Бу ҳанафий мазҳабида яққол ўз ифодасини топган, десак хато бўлмайди. Бироқ, афсуски, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ўз шогирдлари билан бирга ҳанафийлик мазҳабини таъсис қила бошлаган даврдан буён то ҳозирги кунимизгача ушбу мазҳаб аҳлига "аҳли раъй" деган тамға босилиб келади. Бу,  асосан, салбий маънода ишлатилади. Яъни, дин ва мазҳаб душманлари: "Ушбу мазҳаб вакиллари ўз фикрларини оят ва ҳадисдан устун қўядилар; улар ҳадис турганда, уни олмасдан, ўз раъй-фикрларига эргашадилар; ҳадисни олмасдан Имоми Аъзамнинг гапини оладилар", деганга ўхшаш бўҳтонни айтиб келадилар.

Ибн Ҳажар ал-Ҳайтамий ўзининг Имом Абу Ҳанифанинг маноқиблари тўғрисида ёзилган "Ал-Хайрот ал-ҳисон" рисоласида бундай деган: **"Билгинки, уламоларнинг Абу Ҳанифа ва унинг шогирдларини "асҳоби раъй" дейишларидан мақсад, уларни камситиш, уларни ўз раъйларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан ва у зотнинг саҳобаларининг гапларидан устун қўяди, деб нисбатлаш эмаслигини тушунмоғинг лозим! Чунки, улар бундан холидирлар!"**

Ҳақиқат шуки, ҳанафий мазҳабида бошқа мазҳабларга нисбатан ҳадисга эргашиш ортиқроқдир, ҳаммадан кўра бу мазҳаб соҳиблари ҳадислар маъносини чуқурроқ ва мукаммалроқ тушуниб етадилар. Ҳанафийликнинг асосий манбаси Қуръони каримдир. Ундан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в)нинг ҳадислари энг асосий манба ҳисобланади. Ҳатто, ҳанафий мазҳабида заиф ҳадис сохталик эҳтимоли бўлган қуруқ қиёсдан устун қўйилган.

Ҳанафий мазҳабида заиф ҳадис турганда қиёсга, раъйга ўрин йўқ, заиф ҳадисга амал қилинади. Бу ҳанафий мазҳабининг бошқа мазҳаблардан кўра устунлигини кўрсатади. Улар қанчалик ҳадисга амал қилишни даъво қилсалар ҳам, бирор бир масалага заиф ҳадисдан бошқа далил бўлмаса, унга амал қилмасдан ўз раъй-фикрларига кўра қиёс қилиб ҳукм чиқарадилар.

Ҳанафийликда эса ундоқ эмас. Бирор бир масалага заиф ҳадисдан бошқа далил бўлмаган тақдирда, заиф ҳадисга амал қилинади, раъй-фикрга суяниб қиёс қилинмайди. Хуллас, ҳанафийликда заиф ҳадис барча турлари билан мужтаҳиднинг ёки бирор бир фақиҳнинг гапидан устун ҳисобланади.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ: **“Аллоҳдан ва унинг Расулидан келган нарсаларни бош-у кўз устига қабул қиламиз! Саҳобадан келган нарсаларнинг эса энг яхшисини танлаб эргашамиз! Уларнинг гапларидан ташқари чиқмаймиз!”** деган сўзларини барча маноқиб китобларда кўришимиз мумкин.

Имом Таҳовийнинг (239/853-321/933) “Шарҳ маони-л-осор”, Абул Ҳасанот Ҳайдарободийнинг (1292/-1384) “Зужажату-л-масобиҳ”, Зафар Аҳмад Усмонийнинг (1310/1892-1394/1974) “Эълоу-с-сунан” асарлари ҳам ҳанафий мазҳабига оид ҳадисларга бағишланган. Бу асарлар мазҳабни инкор қилувчилар ҳамда ҳанафий мазҳаби уламоларини ҳадиснинг ўрнига ўзларининг фикрлари билан ҳукм чиқаришда айбловчиларга қарши маънавий қурол бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

# I БОБ. ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ ДАЛИЛЛАРИНИНГ УСТУНЛИГИ

Бугунги дунё мусулмонларининг қарийб эллик фоизини ҳанафийлар ташкил қилади. Ҳанафий мазҳаби тўрт аҳли сунна мазҳабларининг энг аввалгиси ҳисобланади. Бу мазҳабнинг аҳамиятли томонларидан бири шундаки, бу мазҳаб фақатгина Абу Ҳанифа (р.а)нинг фикрлари билан эмас, балки шогирдларининг қавллари билан ҳам мустаҳкамланган. Имом Абу Ҳанифанинг ўзига хос дарс ўтиш усули муаллим ва мутааллимни бирдек илмий савиясини оширишга қаратилган эди. У зот ўртага бир фикрни ташлаб, уни шогирдлари билан бирга муҳокама қилар, ҳар ким бу масала устида ўз фикрини эркин баён қилгач, барчанинг фикридан ҳосил бўлган хулосани ясаб, барча атрофида жамланган олимлар у кишини тасдиқлагач ёздирар эдилар. Мана шунинг ўзи ҳам Абу Ҳанифа (р.а)нинг илми муттасил ўсиб, фикри тўлишиб боришида муҳим аҳамият касб қилди. Шу билан бирга Абу Ҳанифа (р.а) фиқҳ фанини алоҳида фан сифатида тартиблаган зотдир. Имом Шофиъийнинг машҳур сўзида у киши: “Фиқҳда барча олимлар Абу Ҳанифанинг оила аҳлидир. У зотга тенг келиб масала айта оладиган киши йўқ”, дейдилар.

Ҳанафий мазҳаби уламолари фиқҳнинг 4 асосий манбаини эътироф этиш билан бирга бошқа мазҳаблар вакилларига нисбатан фиқҳ талабларига риоя этишнинг қиёс ва ижтиҳод усулларидан кенгроқ фойдаланади. Бу мазҳабнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: Қуръони каримдан ҳукм олишда оятларнинг носих ва мансухларини обдон аниқлаб олиш; ҳадиси шарифлардан ҳуқуққа доирларини шаръий ҳукмларга асос қилиб олишда ҳар бир ҳадиснинг саҳиҳлигига катта эътибор бериш ва уларнинг носих, мансухлигини чуқур аниқлаш; саҳобаларнинг иттифоқ ила чиқарган қарорлари (ижмо) ҳамда қиёс ва ижтиҳод усулларига биноан ҳуқуқий хулоса чиқаришдан ташқари истиҳсон деб аталувчи қўшимча манбадан ҳам фойдаланиш.

Ҳанафий мазҳаби урф-одатдан ҳам ҳуқуқнинг кенг мустақил ёрдамчи манбаи сифатида фойдаланади, бу ҳол ҳаётий эҳтиёжларни ва маҳаллий

одатларни ҳисобга олиб ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу мазҳаб қоидалари мўтадиллиги, бирмунча юмшоқлиги, қулайлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли XI асрдан бошлаб шимол ва шарққа кенг ёйилган. Кичик Осиё, Болқон, Шимолий Кавказ, Қора Денгиз, Волга бўйлари, Ўрта Осиё мамлакатлари, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитойнинг олис ҳудудларига тарқалган. Ҳозирги даврда дунё мусулмонларининг қарийб ярми, шу жумладан, юртимиз мусулмонлари ҳанафий мазҳабига амал қилган ҳолда мусулмончилик қонун-қоидаларини бажариб келмоқда.

Ҳанафий мазҳабининг далиллари баён қилинганда ҳар бир ҳукм қуйидаги далилларнинг бири билан ҳужжатланган бўлмоғи лозимлиги таъкидланади:

- Қурони карим
- Суннати набавий
- Ижмо
- Қиёс
- Истеҳсон
- Ал-масолиҳ ал-мурсал
- Урф ва таомул
- Шаръу ман қаблана
- Саҳобалар ва тобеинлар мазҳаби
- Саддуз зоройеъ
- Истишоб

Ушбу қисмлардан аввалги бештаси ҳанафий мазҳабида доимий қўлланиб келади.

Ижмо (араб. — якдиллик, якдиллик билан қабул қилинган қарор; ижмо ал-умма — диний жамоанинг ягона фикри) — Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалани ҳал қилишда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши (фатво бериши). Шариат дастурларига кейинчалик киритилган 3-манба.

Шариатда шундай йўл билан чиқарилган ҳукм шаръий (қонуний) деб қабул қилинган.

Қиёс (араб. — таққослаш) — шариат манбаларидан бири (Қуръон, сунна, ижмо билан бирга). Қиёсда дастлабки 2 манба — Қуръон ва суннатда берилмаган бирор ҳуқуқий масала улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли билан шарҳ этилган. Мас: ароқнинг шайтон иши эканлиги, уруш-жанжал, адоват чиқариши сабабидан у Қуръони каримда ман этилган. Ароқдан бошқа маст қилувчи ичимликлар ҳақида бирор нарса айтилмаган. Лекин мужтаҳид уламолар маст қилувчи ичимликларнинг ҳаммасида ҳам ароқ каби салбий натижалар бўлишини ҳисобга олиб, унга қиёс қилганлар ва ҳаром деб ҳукм чиқарганлар. Қиёс фақиҳлар ҳуқуқини кенгайтириб, шариатни турмушнинг турли томонларига татбиқ этишга имконият берган. Шу билан бирга қиёс ислом динини замон ва тараққиёт ила ёнма ён юришида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Истеҳсон луғатда “бир нарсани яхши деб ҳисоблаш” маъносида бўлиб, истилоҳда эса мужтаҳиднинг очиқ равшан қиёсдан махфий қиёсга, куллий ҳукмдан жузъий ҳукга ўтишлигидир. Демак, истеҳсон аслида қиёс услуби бўлиб қиёсни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган.

Маслаҳатул мурсал луғатда “бош қўйилган эркин манфаатлар” маъносида бўлиб, бирор ишни қилиш ёки қилмаслик борасида тайин далил бўлмаган лекин шариатнинг умумий қонун қоидаларига зид келмайдиган шариат мақсадига мувофиқ келувчи умумманфаатга хизмат қиладиган нарсадир.

Урфи таомил — Урф луғатда “танилган нарса” маъносини англатиб, истилоҳда эса одамлар, умуман жамият ўрганиб ҳаммага таниш бўлиб қолган соғлом табиат қабул қиладиган иш ёки создир.

Шаръу ман қоблана луғатда “биздан олдингиларнинг шариати” деган маънони англатади. Аввалги Пайғамбарлар ва уларнинг умматларига жорий қилинган шариатлар тушунилади.

Саҳобанинг гапи ҳужжат экани — саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в) билан кўришиб, у зотга иймон келтирган кишилардир. Илмда камолга етганлиги, араб тилини мукаммал билишлари, тақводорлиги ва адолатли эканлиги, ҳадисларни ворид бўлиш сабабини ҳаммадан яхши билишлари, шариатнинг мақсадларини чуқур англашлари туфайли уларнинг гаплари диний ижтиҳодлари ҳанафий, моликий ҳамда ҳанбалий мазҳабларида ҳужжат бўла олади.

Саддуз зарайеъ луғатда "воситаларни тўсиш" маъносида. Истилоҳда эса шариатда ман қилинган нарсани қилишга олиб борадиган воситаларни тўсиш, ман этишдир.

Истишоб луғатда "суҳбатни талаб қилиш, дўст қилиб олмоқ" маъноларида. Фиқҳий истилоҳда эса аввал мавжуд бўлган боис бир нарсани ўзгартирувчи бўлмаса, уни кейин ҳам бор деб ҳукм чиқаришдир.

Мазҳаббоши ҳақида етук олимлардан бири Ҳафс ибн Файёз диққатга сазовор бундай фикрни айтади: "Абу Ҳанифанинг фиқҳ ҳақидаги гапи шеърдан нозикроқ". Бир қарашда оддий туюлган бу сўзларни биз бежизга диққатга сазовор демадик. Назм жуда нозик сўзлар билан ифода этилиши ва шу тарздаги гўзал иборалар тўпламидан шеър туғилиши маълум.

Абу Ҳанифа (р.а) фиқҳ – масала ҳақида гапирар экан, худди илҳом билан шеър ўқиб келганидек, балки ундан ҳам нозикроқ, ундан ҳам чиройлироқ қилиб етказарди. Шунинг учун Абу Ҳанифани фақат жоҳил одамгина айблайди, ақли бор одам у кишини танийди ва албатта эътироф этади. Замондошлари ва улардан кейин келган уламолар, дунё тан олган шахслар Имоми Аъзам (р.а)ни мана шу даражада таърифлайдилар.

# ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДА ҲАДИСНИНГ ЕТИБ КЕЛИШИГА КЎРА ТАҚСИМОТИ

Фақиҳларнинг ихтилофларининг сабаблари мавзуси ҳар бир мусулмон кишининг илмий ва амалий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади:

Илмий ҳаётидаги аҳамияти Исломнинг буюк имомлари ушбу ҳаниф диннинг ҳукмларини унинг асосий манбалари бўлмиш Аллоҳ таолонинг Китоби ва Расулуллоҳ (с.а.в)нинг суннатларидан истинбот қилишдаги моҳирликлари ва бу борада қанчалар жидду жаҳд сарфлаганларига гувоҳ бўлишида ўз аксини топади.

Амалий ҳаётидаги аҳамияти эса ибодат, муомалот ва ахлоқ одоб масалаларида киши ўз ишининг тизгинини топширган, ўзи билан Аллоҳ ўртасида воситачи қилган имомлари қай даражада омонатдор кишилар эканига ишонч ҳосил қилишида бўлади.

Булар орасида ҳанафий мазҳабига тўхталишнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

• Ҳанафий мазҳаби пайдо бўлиши ва шаклланиш даврига кўра барча мазҳаблардан пешқадамлиги;

• Унинг асосини фақатгина қиёс ва раъй эмас, балки суннати мутоҳҳаро ташкил этгани;

• Мусталаҳул ҳадис уламолари билан нозик нуқталарда фарқлар айнан шу мазҳабда кўрингани;

• Ҳозирги кунда ҳам бу мазҳабга эргашувчилар сонининг кўплиги ва мавзуга бўлган эҳтиёжнинг катталиги. Ҳанафий мазҳаби усул ва қоидалар асосида шаклланган мазҳабдир. Бу қоидалар Қуръони карим ва ҳадиси шариф асоида эканига шак шубҳа йўқдир.

Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳи айтадилар: “Модомики одамлар орасида ҳадис талабида юрганлар бор экан, улар яхшиликда бардавом бўладилар. Агар улар илмни ҳадиссиз талаб қилгудек бўлсалар, барбод бўладилар”.

Яна бошқа ўринда: “Аллоҳнинг динида ўз раъйингиз билан асло бир сўз айта кўрманг. Суннатга эргашинг, чунки ким суннатдан четга чиқса, адашади”, деган.

Ҳанафий мазҳабининг ўзига хос ёндашувлари. Ҳанафий уламолар жумҳур муҳаддислардан фарқли равишда хабарни етиб келиш йўлига кўра уч қисмга тақсимлайдилар.

- Мутавотир
- Машҳур
- Оҳод

Машҳур ҳадисни оҳоднинг таркибига киритмасдан алоҳида ўрганганлар. Шунга кўра унга қуйидагича таъриф берганлар.

У асли оҳод бўлган ҳадис бўлиб, ҳижрий иккинчи ва учинчи асрда яшаган кўп сонли ровийлар уни ривоят қилган. Шу ўринда бир эслатма борки, мазҳабимиз уламолари иккинчи ва учинчи аср билан қайдладилар. Чунки барча оҳод ҳадислар шу даврда машҳурга айланди.

Кейингиси ҳадиснинг саҳиҳ бўлиши учун қўйилган баъзи шартлардаги ихтилоф.

Муҳаддислар ҳадис саҳиҳ бўлиши учун бешта нарсани шарт қилиб қўядилар:

**Биринчиси:** санади бардавом уланган бўлиши.

**Иккинчиси:** ровийларнинг адолатли бўлиши.

Уламолар истеълоҳида: “Адолат кишидаги уни гуноҳлардан ва мубоҳ пасткашликлардан қайтарадиган малакадир”. Ровийда адолат бўлиши учун унда қуйидаги тўртта шартнинг бўлиши талаб этилади:

1. Ислом
2. Балоғат. Балоғатга етмаганларнинг ривояти қабул қилинмайди.
3. Ақл, яъни соғлом ақлли бўлиши керак.
4. Тақводорлик.

**Учинчиси:** ровийларнинг зобтли бўлиши.

**Тўртинчиси:** хадис шоз бўлмаслиги.

**Бешинчи:** ҳадис иллатли бўлмаслиги.

Ҳанафий уламолар ҳадис қабул қилиниши учун ровийда тўрт нарсани шарт қилиб қўйганлар:

1. Ақл
2. Зобт
2. Ислом
3. Адолат

Бу сифатлар жумҳур зикр қилган икки сифатни, яъни зобт ва адолатни остига киради.

Тўртинчиси: ҳадис шоз бўлмаслиги.

Шоз ҳанафий уламолар наздида иккига бўлинади:

1. Оммавий эҳтиёжга айланган нарсаларда сиқо ровийнинг ёлғиз бўлиб қолиши.

Бир ишончли киши ҳаммага умумий бўлган масалада ёлғиз ривоят қилди. Унинг фикри олинмайди. Чунки агар у ҳадис бўлганида эди, инсонларнинг эҳтиёжига тегишли бўлгани учун машҳурга айланарди. Ровийнинг ўзи ривоят қилган нарсасида бир неча сиқоларга хилоф қилгани унинг ривояти олинмаслигига яна бир сабабдир.

2. Қуръон, мутавотир ҳадис, ижмоъ ёки ақлга хилоф бўладиган нарсаларда сиқо ровийнинг ёлғиз бўлиб қолиши.

Абу Юсуф роҳматуллоҳи алайҳи: “шоз ҳадислар қабул қилинмайди. Фақиҳлар орасида машҳур бўлган ва Қуръон ва ҳадисга мувофиқ келадиган ҳадисларни лозим тутинг”,деганлар.

Бешинчи: ҳадис иллатли бўлмаслиги.

Муттасиллик масаласига алоқадор нарсалардан яна бири мурсал ҳадисдир.

Жумҳур муҳаддислар мурсал ҳадисни заиф, ҳужжат эмас, дейишган.

Абу Ҳанифа ва имом Молик: “Мурсал ҳадис ҳужжат, унга амал қилинади”, деганлар.

Уч мазҳаб имомлари ёки улардан бири мурсал ҳадисга суяниб чиқарган шаръий ҳукм муҳаддислар наздида ҳужжат эмас.

Лекин мурсал ҳадислар сони оз эмас. Шунинг учун Баздавийнинг "Усул" китобининг шарҳида Ало Бухорий раҳимаҳуллоҳ: "Мурсал ҳадисни инкор қилиш билан кўп суннатлар йўққа чиқади. Чунки мурсал ҳадислар жамланганда еллик жузга етган", дейдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, уламоларнинг ихтилофлари уммат учун раҳмат ва кенчиликдир. Ўзи эргашган мазҳабини мукаммал ўрганиш ва унга тўлақонли амал қилиш учун киши бу борада ҳам зарур илмларга эга бўлиши керак.

Ҳанафий уламолари мутсалаҳул ҳадис илмидаги ўзига хос ёндашувлари уларнинг суннати мутоҳҳародан қандай шаръий ҳукмларни келтириб чиқарганларини кўрсатиб берувчи воситалардан бири ҳисобланади.

## II БОБ. ИМОМ АБУ ҲАНИФАНИНГ ҲАДИС ИЛМИДАГИ МАВҚЕИ ВА УНИНГ "МУСНАД"И

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби имомларидан энг улуғи, Ислом миллатининг фақиҳи Имом Абу Ҳанифа ҳижратнинг саксонинчи йили Ироқнинг Куфа шаҳрида туғилганлар. Бир неча саҳоба билан суҳбатдош бўлганлари, хусусан, Анас ибн Моликни (розийаллоҳу анҳу) ва яна етти-саккиз нафар саҳобани кўрганлари ривоят қилинади. Имоми Аъзам улуғ чашмалардан – Пайғамбаримизни (алайҳиссалом) кўрган кишилардан баҳра олган зотдирлар. Ривоятларда яна Абу Ҳанифа тобеинлардан тўрт минг кишидан дарс олганлари ва шунча саноқдаги одам у кишидан дарс олиб, олим бўлиб етишгани айтилади. Шунинг учун у зотни барча тан олади, уламою фузало "Имоми Аъзам", яъни, "Улуғ имом" дея, ўзларидан устун ва илгари қўяди.

Олти саҳиҳ китобда (Сиҳоҳи ситта) Имом Аъзамнинг исмлари келмагани учун, яъни у кишидан бирор ҳадис ривоят қилинмагани учун, баъзи тор қарашли кишилар Имом Аъзамни ҳадис илмида заиф (кучсиз, билимсиз) деб биладилар. Лекин бу ҳаддан зиёд жоҳилликдир, асоссиз, далилсиз туҳматдир. Олти сиҳоҳда фақат Имом Аъзам эмас, балки Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳдан ҳам бирорта ҳадис ривоят қилинмаган. Қолаверса, Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ ўзларининг «Саҳиҳ»ларида, ўз устозлари Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳдан ҳам фақатгина уч-тўрт ҳадисгина ривоят қилганлар. Шунга кўра уларни ҳам (бундай фикрдан Аллоҳ сақласин), ҳадис илмида заиф бўлишган деймизми!?

Нега олти сиҳоҳда Имом Аъзам ва бошқа мужтаҳид имомлардан ҳадис ривоят қилинмаган, деган саволга қуйидаги жавобларни келтирамиз:

1. Бу имомлар, жумладан Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи фақиҳ эдилар. Шунинг учун уларнинг асосий машғулотлари ҳукмларни баён қилиш бўлган.

2. Бу имомларимиз мужтаҳид бўлишган. Уларнинг юзлаб, ҳатто минглаб шогирдлари ва эргашувчилари мавжуд бўлган. Сиҳоҳ соҳибларининг ўйлашича, мужтаҳид имомларимизнинг илмлари (шу жумладан, уларнинг ривоят қилган ҳадислари) уларнинг шогирдлари орқали сақланиб қолади. Шунинг учун илмлари сақланмасдан йўқолиб кетиш эҳтимоли бўлган уламоларнинг илмларини, ривоятларини ўзларининг китобларида сақлаб қолишди.

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳадис илмидаги буюк мақомлари инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Қолаверса, Имом Аъзам барча уламолар иттифоқи билан мужтаҳиддирлар. Ҳадис илмида мукаммал илм-басиратнинг бўлиши мужтаҳидлик шартларидандир. Шунга кўра, агар Имом Аъзам ҳадис илмида заиф бўлсалар, уламолар қандоқ қилиб у зотни мужтаҳид деб иттифоқ қиладилар?!

Шундай қилиб, буюк муҳаддис уламолар ҳам у кишининг илмий мақомини тўла эътироф қилганлар. Ўша эътирофларнинг барчасини бу ерда нақл қилинса, катта бир китоб бўлади. Бу тўғрисида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг маноқиблари борасидаги китоблардан кўришингиз мумкин.

Бу ерда эса, биз улардан бир нечтасинигина зикр қилиб ўтамиз:

1. Маккий ибн Иброҳим раҳимаҳуллоҳи алайҳи Имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи ҳақларида шундай дейдилар:

كان اعلم اهل زمانه

«У ўз замонасининг энг олими эди!». («Таҳзиб ут-таҳзиб»).

Маккий ибн Иброҳим раҳимаҳуллоҳ ҳақида тўхталиб ўтилса, у киши Имом Буҳорий раҳимаҳуллоҳнинг энг қадрли буюк устозидир. Имом Бухорий ўзларининг аксар сулосиётларини айнан у кишидан ривоят қилганлар. Маккий ибн Иброҳим эса Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг шогирдидирлар. У замонларда илмдан мурод ҳадис илми эди. Шунга кўра, Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи ҳадис илмида ўз замонасининг энг катта олими эдилар.

2. Машҳур муҳаддис Язид ибн Ҳорун раҳматуллоҳи алайҳи айтадилар:

ادركت الفا من الشيوخ كتبت منهم فما وجدت افقه و اورع و لا اعلم من خمسة اولهم ابو حنيفة ذكرهما الذهبي تذكرة الحفاظ

«Мен минг нафар шайхни топдим ва улардан (ҳадис) ёзиб олдим. Бу беш шайхдан фақиҳроғини, тақволироғини, олимроғини топмадим. Уларнинг энг биринчиси Абу Ҳанифадир». (Бу иккисини Имом Заҳабий раҳимаҳуллоҳ «Тазкиротул Ҳуффоз» китобида зикр қилган).

3. Имом Суфён ибн Уяйна раҳматуллоҳи алайҳи айтадилар:

لم يكن في زمان ابي حنيفة بالكوفة رجل افضل منه و اورع و لا افقه

«Кўфада Абу Ҳанифа замонида ундан афзал, ундан тақволи ва ундан фақиҳроқ киши йўқ эди». (Имом Заҳабий «Тазкиротул Ҳуффоз» 1-жилд, 195-саҳифа)

4. Имом Абу Довуд раҳматуллоҳи алайҳи марҳамат қиладилар:

ان ابا حنيفة كان اماما

«Шак-шубҳасиз Абу Ҳанифа имом эди». (Имом Заҳабий «Тазкиротул Ҳуффоз» 1-жилд 160-саҳифа)

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳадис илмидаги мартабалари қанчалик юқори эканлигини билиш учун у кишининг устозлари ва шогирдларига бир назар ташлаш кифоя қилади.

Ҳофиз Абулҳажжож Маззий раҳимаҳуллоҳ «Таҳзибул Камол» китобида Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг 74 шайхини санаб ўтганлар.

Ҳофиз Суютий раҳимаҳуллоҳ эса ўзларининг «Табйийзус-саҳийфа ли-маноқиби Аби Ҳанифа» китобларида Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг шайхларининг исмларини зикр қилганлар.

Уламоларга маълумки, Ҳофиз Абулҳажжож Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг барча шайхларини эмас, балки намуна тарзида бир қанчасини келтирган.

Мулла Али Қори раҳимаҳуллоҳ «Муснаду Абу Ҳанифа»га ёзган шарҳларида Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг шайхларининг сонини 4000 (тўрт минг) дейдилар. Бу 4000 устозлар – ёки саҳоба, ёки тобеин, ёки табаъа тобеинлардирлар. Устозлари ичида бундан кейинги табақа шайхлар йўқдир. Бундай устозлар машҳур муҳаддислардан ҳеч бирларига насиб қилмаган.

Замондошларидан Яҳё ибн Маъин бундай гувоҳлик беради: “Абу Ҳанифа ниҳоятда ишончли эдилар, қайси ҳадисни тўла ёд билсалар, ўша ҳадисни айтар, тўла ёд билмаган ҳадисни ривоят қилмас эдилар”.

Бундай сифат кам учрайди. Яъни, Абу Ҳанифа фақат ҳадисдан бир ҳарф бўлса-да ё нари, ё бери бўлишини кўтаролмас, ҳадис мазмунини тўлиқ билсалар-да, етказишда бирор сўз алмашиб қолишидан ҳавотирда уни ривоят

қилишга ботинмас эдилар. Бу баҳо у зотнинг замондошлари томонидан берилган. Мана, орадан минг йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бугун у кишини яхши танимаганлардан: “Имом Абу Ҳанифа кам ҳадис ривоят қилган”, деган гаплар ҳам чиқиб қолади. Бу каби баёнотлар, албатта, билимсизлигимиз оқибати. Аслида Имоми Аъзам Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтган ҳадисларини худди Қуръон оятлари каби аниқ ёд билган кишигина тилга чиқариши мумкин, деган талабчанлик билан ёндашганларидан, кўп ҳадис билсалар-да, уларни ривоят қилмаганлар.

Демак, тарихда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларини етказишда ишончли саналган бир неча киши бўлиб, шулардан бири Имом Абу Ҳанифа эканлар. Бу жуда катта мартабадир.

Шофиъий мазҳаби асосчиси Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (раҳматуллоҳи алайҳ) бундай деган эдилар: «Моликдан “Абу Ҳанифани кўрганмисиз?” деб сўралди. У киши: “Ҳа, кўрганман. Мен шундай одамни кўрдим, агар у мана шу рўпарадаги устунни тилла экан деб айтса, албатта шунинг тилла эканига ҳужжат келтирар эди”, деб жавоб берди».

Эътибор қилинг: бошқа мазҳаб етакчиси Абу Ҳанифа қандай одам бўлганига учинчи мазҳаб эгасининг сўзларини далил келтирмоқда. Бу ҳол уларнинг эътирофлари қанчалик кўламли ва самимий эканини кўрсатади.

Фақиҳ Абу Абдуллоҳ Ғомярий бундай дейди: “Абу Ҳанифа қозиликка буюрилди. Хато ҳукм чиқариб қўйиб, Аллоҳ олдида гуноҳкор бўлиб қоламан, деган хавфда бу ишдан бош тортдилар. Қайта-қайта таклиф бўлди, қабул қилмадилар. Оқибат, қозилик мансабини олмаганлари учун ўн дарра урилдилар, сўнг зиндонга ташланиб, ҳибсда дунёдан ўтдилар”.

Қаранг, Имоми Аъзам жиноят учун эмас, адолатсизликка сабабчи бўлиб қолмаслик ташвишида обрўли мансабни эгаллашдан бош тортганлари туфайли зиндонда вафот қилдилар. Тақво шу қадар эди! Демак, у киши гаплари роса далилланмаса, аниқ ояти каримадан, саҳиҳ ҳадислардан, суннатдан, саҳобалардан ҳужжатлари бўлмаса, гапирмаганлар. У кишининг мазҳабидаги ҳар бир масала шу даражада ишончлидир.

Абу Ҳанифанинг шогирдлари, Ислом оламида тан олинган улуғ зот Абдуллоҳ ибн Муборакдан: “Молик фақиҳроқми ёки Абу Ҳанифами?” деб сўралди. Шунда у киши: “Абу Ҳанифа”, деб жавоб бердилар.

Истилоҳда “фиқҳ” сўзининг маъноси – динни англаш, оят, ҳадиснинг тагига етиш, умуман, Ислом динининг мағзини тушунишдир. Билиш – “илм”, тагига етиб, бутун чуқурлиги билан моҳиятни англаш “фиқҳ” дейилади. Дунёда фиқҳ дарсини бошлаб берган зот Имоми Аъзамдирлар. Яъни, оят ва ҳадисларнинг лафзигагина асосланиб ҳукм чиқармасдан, айтилаётган гапнинг қачон ва қай ҳолатда, нима учун айтилаётганини ўрганиб, шу гап бошқа ўринда ҳам айтилганми ёки йўқми – ҳаммасини солиштириб, барча вазиятларни ҳисобга олган ҳолда “Бундан шу маъно чиқади”, деб англаб-англатиш Абу Ҳанифа тамал қўйган ишдир. Буни бутун дунё тан олади. Шу маънода, ким фақиҳроқ экани тўғрисидаги саволга Ибн Муборакнинг олимлар шаҳри бўлмиш Мадинаи мунавваранинг энг пешқадам олими Имом Моликдан ҳам Абу Ҳанифани фақиҳроқ деб жавоб беришлари бежиз эмас.

Ҳарибий айтади: “Абу Ҳанифага икки хил одам тош отади: ё ҳасадгўй, ё жоҳил...”

Замондошлари орасида Имоми Аъзамга кимдир тош отган бўлса, бу фақат ҳасаддан бўлган. Кейинги даврларда, жумладан, бизнинг замонимизда у зотни камситадиган одамлар фақат нодонлиги, жоҳиллиги учун, Абу Ҳанифа кимлигини, умуман, динни билмагани учун бу ишни қилади. Шу икки тоифадан бошқаси у кишига тил теккизмайди. Аксинча, унга ҳамма раҳмат айтади, эргашади, барча у зотни тан олади.

Улуғ олимлардан Яҳё ибн Саид Қаттан дейди: “Аллоҳни, Унинг динини ҳақ деб биламиз, Аллоҳ номи билан айтаман: биз Абу Ҳанифанинг фикридан чиройлироқ фикрни эшитган эмасмиз. Абу Ҳанифа бир масала ҳақида фикр айтса, энг тўғри, энг гўзал фикр шу кишиники бўларди. Бошқа олимлар у кишининг даражасига етолмасди. Шунинг учун биз у кишининг фикрларини олганмиз”.

“Агар Имом Абу Ҳанифанинг илмини унга замондош ҳамма олимлар илми билан тарозига солинса, Абу Ҳанифанинг илми оғир келар эди”, дейди Али ибн Осим.

У кишига замондош олимлар бизнинг замонамиздаги ёки бундан беш юз йил олдинги олимлар эмас, балки саҳобаларни кўрган олимлар эдилар. Қаранг, шуларнинг ҳаммасининг билими қўшилиб, тарозининг бир палласига, Абу Ҳанифанинг илмлари иккинчи паллага қўйилса, Имоми Аъзам ҳазратларининг илмлари оғирлик қиларкан.

Ислом оламида тан олинган олимларнинг буюк имомимиз ҳақидаги бу эътирофларини беҳуда келтирмаяпмиз. Қандай улуғ устозга эргашаётганимизни, имомимиз, мазҳабимиз раҳбари Қуръону ҳадисни, Ислом динини бизга бу даражада мукаммал етказган инсон эканини шояд яхшироқ танисак, жоҳил бўлиб қолишдан сақлансак, озгина бўлса ҳам кўзимиз очилса ва алал-оқибат, яхшиликлар қадрига ҳам етсак.

Етук олимлардан бири Ҳафс ибн Файёз диққатга сазовор бундай фикрни айтади: “Абу Ҳанифанинг фиқҳ ҳақидаги гапи шеърдан нозикроқ”.

Бир қарашда оддий туюлган бу сўзларни биз бежизга диққатга сазовор демадик. Назм жуда нозик сўзлар билан ифода этилиши ва шу тарздаги гўзал иборалар тўпламидан шеър туғилиши маълум. Абу Ҳанифа фиқҳ – масала ҳақида гапирар эканлар, худди илҳом билан шеър оқиб келганидек, балки ундан ҳам нозикроқ, ундан ҳам чиройлироқ қилиб етказардилар. Шунинг учун Абу Ҳанифани фақат жоҳил одамгина айблайди, ақли бор одам у кишини танийди ва албатта эътироф этади.

Тобеинлар улуғи, муҳаддис олим Аъмашдан бир масала ҳақида сўралди. Шунда у зот: “Бу масалага энг яхши жавобни ипакфуруш (у кишининг шундай касблари бўлиб, ипак дўконлари ҳам бор эди) Нўъмон ибн Собит беради. Менинг ўйимча, Аллоҳ Нўъмон ибн Собитга илмда барака берган”, деган эдилар. Ислом оламида энг тан олинган инсонлардан бири “Бу масалани мендан сўрама, мен билмайман, жавоб қилишга ҳаққим йўқ. Бу масалага энг чиройли жавоб айтадиган Абу Ҳанифадир”, деяптилар!

Имом Шофиъийнинг машҳур сўзлари бор: “Фиқҳда барча олимлар Абу Ҳанифанинг оила аҳлидир. У зотга тенг келиб масала айта оладиган киши йўқ”.

Яна бир олим, Абу Ҳанифанинг афзаллигини исботлашга ҳожат йўқ, дея: “Ким кундузнинг кундуз эканига бир далил топиб бер, дейдиган бўлса, у ҳолда одамларнинг зеҳнида тўғри нарсанинг ўзи йўқ экан-да?!” деган мазмундаги шеърни келтирган экан.

Кундуз пайти, ёруғда туриб, кундузнинг кундуз эканига ҳужжат талаб қилиш тўғри бўлмаганидай, Абу Ҳанифанинг қандай олим эканига ҳужжат айт, дейиш ҳам худди шундай иш. У кишининг олимлиги кундузнинг ёруғлиги каби очиқ-ойдин. Агар одамлар у зотнинг олимлигини тан олмасалар, унда улар ҳеч нарсани тўғри деб билмас эканлар-да, демоқчи олим.

Замондошлари ва улардан кейин келган уламолар – дунё тан олган шахслар Имоми Аъзамни мана шу даражада таърифлайдилар.

Имом Абу Ҳанифа ҳижратнинг юз эллигинчи йили, етмиш ёшларида дунёдан ўтган. Қабри Бағдод шаҳрида.

**Имом Абу Ҳанифага нисбат берилган “Муснад” асарлар**.

«Муснад» номли китобларда китоб эгаси ўз ровийларидан битталари нечта ҳадис ривоят қилган бўлса, шуларни бирин-кетин келтиради. Кейин иккинчи ровийга ўтилиб, у киши ривоят қилган ҳадислар келтирилади. «Муснад» тариқасида биринчи бўлиб китоб тасниф қилганлар ичида Абдуллоҳ ибн Мусо Абасий, Мусаддад Басрий, Асад ибн Мусо ва Наъийм ибн Ҳаммод Хузоъий зикр қилинади. Кейин эса Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Усмон ибн Абу Шайба каби муҳаддислар ўз «Муснад» китобларини туздилар.

«Муснад» китоблари ичида энг машҳури ва кенг тарқалгани имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳининг муснадларидир. Шунингдек, имом Абу Ҳанифа ва имом Шофеъийнинг ҳам муснадлари бор. Имом Молик

ўзларининг фиқҳ боблари асосида тўплаган ҳадислар мажмуасини «Муваттоъ» деб номлаганлар.

***«Муснади Абу Ҳанифа».***

Имом Абу Ҳанифага нисбат берилган фиқҳ китоби бўлмагани маълум. Аммо у кишига нисбат берилган ва «Муснади Абу Ҳанифа» деб аталган ҳадис ва осорлар мажмуасидан иборат китоб мавжуд.

Имом Абу Ҳанифа ҳадис бобида ҳам имом Моликка ўхшаб алоҳида китоб таълиф қилмаганлар. У киши ўз шогирдларига фиқҳдан дарс бериш жараёнида далил сифатида ўзларига етиб келган ҳадисларни имло қилиб, санадлари билан келтирар эдилар. Алоҳида ҳадис дарслари ўтмаганлар. Шунинг учун ҳам ривоятлари кўпаймаган. Аммо, шу билан бирга, имом Абу Ҳанифа ҳадис бобида кўп ҳадис билувчи ҳофизлардандир. Ҳадис илми устозларидан бўлган тўрт минг шайхдан ҳадис ёзиб олганлар.

Яҳё ибн Насрдан қуйидагича ривоят қилинган:

«У кишининг олдига кирсам, китобга тўлган уйда ўтирган экан. «Бу нима?» дедим. «Булар ҳадислар», деди».

Имом Абу Ҳанифанинг шогирдлари ҳаракат қилиб, у кишининг ривоят қилган ҳадисларини ҳам китоб шаклига келтирганлар.

Мана шундай ҳадис китобларидан бири Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Субазмуний ал-Бухорийнинг «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа» асари саналади[2]. Бу асарнинг ҳадислари кейинчалик ўн беш муснаддан ҳадисларни жамлаган Абу-л-Муайяд Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Хоразмийнинг (593-665) китоби «Жомеъ ал-масонид»га танлаб олинган. Ушбу асарда Абу-л-Муайяд: «Шомда «Муснад»нинг[3] миқдорини камайтириб кўрсатиб, бошқа асарларнинг эса қадрини юқори кўрсатаётган баъзибир кишиларни кўрдим. Абу Ҳанифа кам ҳадис ривоят қилган, Имом аш-Шофиийнинг «Муснад»и ва Имом ал-Моликнинг «Муватто»си («Осон қилинган») каби ҳадислар келтирилган «Муснад»и йўқ, деб даъво қилганлар ҳам бўлди. Шунда менинг

---

[2] Абдуллоҳ ас-Субазмуний. Кашф ал-осор. – В. 54б.

[3] Бу ерда ал-Луълуъийнинг “Муснад”и назарда тутилмоқда.

ғайратим келиб, ҳадис уламолари тўплаган 15 та муснадни бирлаштиришга бел боғладим. Булар:

- Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн ал-Ҳорис ал-Ҳорисий ал-Бухорийнинг (ваф. 952 й.) «Кашф ал-осор» («Ёдгорликларни кашф қилиш»);

- Абу-л-Қосим Талҳа ибн Муҳаммад ибн Жаъфар аш-Шоҳиднинг (ваф. 990 - 91 й.);

- Абу-л-Хайр Муҳаммад ибн ал-Музаффар ибн Мусо ибн Исо ибн Муҳаммаднинг (ваф. 989 й.);

- Абу Наим Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Исфаҳонийнинг (ваф. 1012 й.; Шахт, 1931, Б.7);

- Абу Бакр Муҳаммад ибн Абд ал-Боқий ибн Муҳаммад ал-Ансорийнинг (ваф. 1141 й.);

- Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий ал-Журжонийнинг;

- ал-Ҳасан ибн Зиёд ал-Луълуъийнинг (ваф. 819 - 20 й.);

- Умар ибн ал-Ҳасан ал-Ашнонийнинг;

- Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Холид ибн Халий ал-Килоийнинг;

- Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Хисрав ал-Балхийнинг (ваф. 1181 й.; Шахт, 1931, Б.7);

- Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳимнинг (ваф. 798 й.) «Муснад Аби Ҳанифа фи нусхат Аби Юсуф» («Абу Юсуф нусхасидаги Абу Ҳанифа маноқиби» таржимаси);

- Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг (ваф. 804 - 5 й.) «Муснад Аби Ҳанифа фи нусхат Муҳаммад» («Муҳаммад нусхасидаги Абу Ҳанифа маноқиби»);

- яна Муҳаммад ибн ал-Ҳасаннинг аш-Шайбонийнинг «ал-Осор» («Ёдгорликлар»);

- Абу Ҳанифанинг ўғли Ҳаммоднинг (ваф. 786 – 87 й.);

- Абу ал-Қосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абу ал-Аввом ас-Суғдийларнинг «Муснад»лари ҳисобланади.

Абу-л-Муайяд ал-Хоразмий: «бу муснад китобини фиқҳ боблари бўйича чиқардим. Такрорларини ва иснодини тушириб, фақат ҳадиснинг ўзини қолдирдим», - дейди[4].

Мазкур ўн беш муснадни имом Абул Муайяд Муҳаммад ибн Маҳмуд Хоразмий (ҳижрий 596–665 йиллар) жамлаб ва фиқҳ боблари асосида тартибга солиб, китоб ҳолига келтирган ва «Жомеъул Масонид» деб номлаган. Мазкур китобни Байрутдаги «Дорул кутубил арабийя» нашриёти икки жилдда чоп қилган.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Бухорий Ҳорисий (ҳижрий 340 санада вафот қилган) ҳам мазкур муснадлардан катта муснад китоби тузди. Сўнгра ўша китобни имом Садруддин Мусо ибн Закариё Ҳосфакий (ҳижрий 650 санада вафот этган) мухтасар қилди. Сўнгра Муҳаммад Обид Синдий Мадaний уни тартибга сол-ди. Мазкур китоб ҳам фиқҳий асосда тартибга солинган. Бугунги кунда «Муснади Абу Ҳанифа» номи ила танилган китоб худди шу китобдир. Уни Муҳаммад Ҳасан Исроилий Сунбулий Ҳиндий (ҳижрий 1305 санада вафот этган) шарҳ қилган.

Бу китобни машҳур ҳанафий олим Нуруддин Али ибн Султон ибн Муҳаммад Ҳиравий Маккий Ҳанафий – Мулло Али Қори ҳам шарҳ қилган.

Бу китоб имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг қирқ беш кишидан қилган ривоятлари асосида тузилган. Биринчи ва энг кўп ривоятлар Ҳаммод ибн Сулаймон Абу Сулаймон Муслим Ашъарийдан бўлган.

«Муснади Абу Ҳанифа»нинг охирги нашри Байрутдаги «Дорул кутубил илмийя» нашриёти томонидан милодий 1985 йилда чоп этилган. Унга «Ал-Азҳар» университетининг Ливандаги бўлими мудири Халил Муҳйиддин Мийс муқаддима ёзган.

---

[4] Абу-л-Муайяд ал-Хоразмий. Ал-Жомиъ ал-масонид. – Б. 4.

# III БОБ. ИМОМ МУҲАММАДНИНГ “ОСОР” ВА “МУВАТТО” АСАРЛАРИ

Имом Муҳаммад (132/750-189/805)нинг тўлиқ исми – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фарқад Шайбоний[5]. Муҳаммад ибн Ҳасан “Муватто”ни имом Моликдан ривоят қилувчиларнинг бири Абдуллоҳ ибн Маслама Қаънабийнинг опасининг ўғлидир[6].

Олимлар гавжум бўлган, кучли илмий муҳит ҳукм сурган Кўфада[7] яшаш Муҳаммад ибн Ҳасан учун жуда қўл келди. Бу ерда у илм аҳлининг даврасида тарбия топди, катта олимлардан илм олди. Эсини таниб, Қуръон ўрганди, араб тили дарсларига қатнашди. Ўша кезларда Кўфа араб тили илмларининг бешиги, ҳадис ва фиқҳ марказларидан бири эди. Катта саҳобаларнинг бу шаҳарда яшаб қолиши, халифа Али ибн Абу Толибнинг уни пойтахт қилиши бунинг муҳим омилларидан бўлган эди. Муҳаммад 14 ёшга тўлганида Абу Ҳанифанинг мажлисида ҳозир бўлади ва тўрт йил давомида ундан таълим олади[8]. Абу Ҳанифа вафот этгач, Абу Юсуф ҳузурида таълимни давом эттиради. Бир вақтнинг ўзида бошқа кўплаб олимлардан фиқҳ ва ҳадисдан дарслар олади. Кейин Макка ва Мадинага сафар қилади. Имом Моликдан уч йил дарс олади. Изланишдан тўхтамай яна бир қанча олимларнинг илмидан баҳраманд бўлади. Ниҳоят, илмда пешво, луғат бобида ҳужжат бўлиб етишади. Ҳорун Рашид даврида қозилик вазифасида ишлайди. Абу Юсуф дунёдан ўтгач, Ироқда фиқҳ илмининг етакчиси бўлиб қолади[9].

---

[5] Муҳйиддин Абдулқодир ибн Муҳаммад Қураший. Ал-Жавоҳирул музийя фий табақотил ҳанафия. Доктор Абдулфаттоҳ Муҳаммад Ҳулв таҳқиқи. – Гиза: Ҳажр, 1993. - Ж. 3, Б. 122.

[6] Муҳйиддин А. Қураший. Ал-Жавоҳирул музийя. А. М. Ҳулв таҳқиқи. – Гиза: Ҳажр, 1993. - Ж. 3, Б. 123.

[7] Қаранг: Аҳмад ибн Муҳаммад Насируддин Нақиб. Ал-мазҳабул ҳанафий (мароҳилуҳу ватабақотуҳу, завобитуҳу вамусталаҳотуҳу, хасоисуҳу вамуаллафотуҳ). – Риёз: Мактабатур рушд. Ж. 1, Б. 48.

[8] Кавсарий. Булуғул амоний. Ал-Мактабатул азҳарийя, - 1998 й. Б. 5

[9] Қаранг: Хатиб Бағдодий, Тариху Бағдод. 2/172; Абдулқодир Қараший, Ал-жавоҳирул Музийя. 1/526; Кавсарий. Булуғул амоний. Б. 6; Надвий. Ал-Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний. - 1994. Б. 24-25.

Имом Муҳаммаддан баракаси мўл ёзма илмий мерос қолган. Унинг асарлари қуйидаги уч туркумдан иборат:

Биринчи: Зоҳирур ривоя китоблари. Бундай номланишига сабаб, ушбу китоблар бошқа асарлардан фарқли равишда имом Муҳаммаддан машҳур ёки мутавотир йўл билан ривоят қилинган. Улар олтита:

1. “Асл” ёки “Мабсут” (Кенгайтирилган). Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг илк ёзган китобларидан бўлгани учун ҳам “ал-Асл” маъносини олган бўлиб, унда Абу Ҳанифанинг фатво берган масалалари тўпланган. Агар ўша масалага Абу Юсуф билан Муҳаммад хилоф қилишган бўлса, у ҳам зикр қилиб кетилган.

2. “Ал-Жомеус сағир” (Кичик тўплам). Бу китобда муаллиф Абу Юсуф воситаси билан Абу Ҳанифадан ривоят қилган масалаларни зикр этган.

3. “Ал-Жомеул кабир”. (Катта тўплам). Бу муаллифнинг энг аҳамиятли асарларидан бири бўлиб, унда Муҳаммаднинг ўзи Абу Ҳанифадан ривоят қилган масалалар жамланган, унда Абу Юсуфдан қилинган ривоятлар учрамайди. Мазкур асар билан “Ал-Жомиус сағир” фиқҳий далиллардан холи, уларда оят ёки ҳадислар далил қилиб келтирилмайди.Баъзи олимлар “Исломда Муҳаммад ибн Ҳасаннинг “Жоме”идек асар ёзилмаган, деб ҳам айтишган.

4. “Аз-Зиёдот”. Бу асар “Жомеул кабир”дан сўнг унга кирмай қолган масалаларни тўлдириш мақсадида ёзилган.

5. “Ас-Сиярус сағир”. Абу Ҳанифадан ривоят қилинган асар. Мазкур асарда жиҳод ҳукмларини баён қилинган, унда нима мумкин, нима жоиз эмас, сулҳ, дипломатик муомала, ўлжа ва жанг вақтида бўладиган бошқа масалаларнинг ҳукмлари зикр этилган.

6. “Ас-Сиярул кабир”. Бу китоб Муҳаммаднинг энг сўнгги асарларидандир. Мазкур икки китоб халқаро муносабатлар ва жиҳод ҳукмларига оид масалаларни ўз ичига олган[10].

[10] Қаранг: Ҳамидулла Аминов, Соатмурод Примов. Ҳанафий фиқҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. - Тошкент: “Movarounnahr”, 2017. – Б. 154-156.

Иккинчи: Зоҳирур ривоя мартабасига тенглаштирилган китоблар

1. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ривоятидаги Молик “Муватто”си.

2. “Ал-ҳужжату ало аҳлил Мадина”. Бу асар фиқҳ масалаларида Мадина аҳли фақиҳларига қарши ҳужжатлар ва баҳс-мунозараларга бағишланган.

3. “Китобул осор”. Бу унинг Абу Ҳанифадан ривоят қилган ҳадислари жамланган муснад асардир.

Учинчи: Зоҳирур ривоядан бошқа китоблар. Уларга “Raққийёт”, “Кайсонийёт”, “Журжонийёт”, “Ҳорунийёт” ва “Наводир” китоблари киради[11].

Имом Муҳаммаднинг китоблари ҳанафий мазҳабини ўзида сақлаган ёзма манба ўлароқ олимлар мурожаат этадиган қимматли қўлланма бўлди.[12] Келгуси авлодлар ўз асарларини бу зотнинг асарлари устига қурдилар, янги китоблар ёзиб, у ердаги мавзуларини ёритиш ва кенгайтириш билан шуғулландилар[13].

Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний Ироқда таълим олиб, олимлик даражасига етганидан сўнг Мадинага сафар қилган. Имом Молик ҳузурида уч йил туриб, асарни ундан бевосита эшитиб, тўкис ўзлаштирган, муаллифнинг фиқҳи, илми ва ривоятидан қониб баҳраманд бўлган. Имом Шофеий нақл қилишича, Муҳаммад ибн Ҳасан унга: “Моликнинг эшигида уч йил туриб, унинг оғзидан етти юзта ҳадис эшитдим”, деган. Ибн Ҳажар шу сўзни келтиргач: “Молик кам ҳоллардагина ўз оғзи билан ҳадис сўзларди. Агар Муҳаммад унинг ҳузурида узоқ туриб, бемалол ўрнашмаса, бу натижага эриша олмасди”, деб изоҳ бериб ўтган.[14]

---

[11] Қаранг: Кавсарий. Булуғул амоний. 61-68; Надвий. Ал-Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний. 92-93.

[12] Ибн Қутлубуғо. Тожут тарожум. – Б. 238; Тошкўпризода, Табақотул фуқаҳо. – Б. 19.

[13] Ҳамидулла Аминов, Соатмурод Примов. Ҳанафий фиқҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, - 2017. Б. 48.

[14] Ибн Ҳажар. Таъжилул манфаа. –Байрут: Дорул башоирил исломия. Биринчи нашр, 1996. - Ж. 2, Б. 175.

“Муватто”нинг дунёда энг машҳур нусхаси Яҳё ибн Яҳё Лайсий ривоятидаги нусхаси экани юқорида айтилди. Имом Муҳаммад ривоятидаги “Муватто”ни Яҳё Лайсий ривоятидаги “Муватто” билан солиштирганда унинг қуйидаги афзал жиҳатлари намоён бўлади:

1) Яҳё Лайсий “Муватто”нинг ҳамма қисмларини бевосита имом Моликдан эшитмаган. Имом Муҳаммад эса китобни тўлалигича муаллифдан эшитган[15];

2) Яҳё Лайсий имом Молик ҳузурига у вафот топган йилда бориб, илмидан баҳра олган. Имом Муҳаммад эса уч йил давомида имом Молик қошида туриб, таълим олган. Маълумки, узоқ вақт бир шайхнинг этагини тутган кишининг ривояти ўша шайх билан қисқа муддат суҳбатда бўлган кишининг ривоятидан эътиборлироқ ҳисобланади;

3) Яҳё Лайсий “Муватто”сида жуда кўп фиқҳий масалалар ва имом Моликнинг ижтиҳодлари келтирилган. Бир қанча сарлавҳалар остида бирон-бир ҳадис келтирилмай ижтиҳод ва фатволар билан кифояланиб, кейинги бобга ўтилган. Имом Муҳаммад “Муватто”сида эса марфуъ ёки мавқуф хабардан холи бўлган бирон-бир боб учрамайди;

4) Яҳё “Муватто”сида фақат имом Моликдан ривоят қилинган ҳадислар мавжуд. Имом Муҳаммад “Муватто”си бошқа шайхлардан ривоят қилинган ҳадисларни ҳам ўз ичига олади;

5) Имом Муҳаммад “Муватто”сининг ҳанафийлар учун яна бир аҳамиятли жиҳати бор. Яҳё “Муватто”сида ҳанафийларнинг фатволаридан ўзгача кўплаб фатволар ҳамда мансух бўлган ё санадида камчилик бор деб ёки шу сингари бир важ билан тарк этилган ҳадислар келтирилган. Уларни ўқиган киши ҳайрон бўлиши ёки тайёр ишончли далилни четга суриб қўйган деб мазҳаб пешволарига таъна қилиши мумкин. Имом Муҳаммад бундай эътирозларга ўрнида жавоб бериб, керакли далилларни келтириб ўтган.

[15] Д. Али Надвий. Ал-Имом Муҳаммад ибнул Ҳасаниш Шайбоний. - Дамашқ: Дорул қалам. 1994. – Б. 142.

Намозда икки қўлни кўтариш, имомнинг ортида туриб қироат қилиш мавзулари бунга мисолдир[16].

Имом Муҳаммад асарни бевосита муаллифдан ўрганиб-ўзлаштиргач, уни ривоят қилаётиб китобда келтирилган масала юзасидан ўз қарашларини, шунингдек, устози Абу Ҳанифанинг раъйини кўрсатиб, ўзининг бунга қўшилиш ё қўшилмаслигини айтиб ўтган. Гоҳида шайхи имом Моликнинг ва ҳанафий фақиҳларнинг ҳам раъйларини зикр қилган.

Кўпгина боблар сўнгида ҳадиснинг маъноси, унга қандай амал қилиниши ҳамда суннат, мустаҳаб, макруҳ каби жиҳатларига тўхталади. Гоҳида ўзининг ва устозлари Абу Ҳанифа ва Моликнинг қарашлари ўртасидаги фарқларни кўрсатишга батафсил киришади, масаланинг турли ҳолатлари ва ҳукмларини баён қилади. Бунинг мисоли 18-боб (Бурундан қон оқиши сабабли таҳорат олиш боби)да кўринади. Гоҳо ўзининг муаллифга мухолиф бўлган қарашини қувватлаш учун қўшимча равишда Моликнинг йўлидан бошқа йўлдан бир қанча ҳадисларни ривоят қилади.

Имом Муҳаммаднинг имом Молик йўлидан бошқа йўл орқали ривоят қилган ҳадислари сони баъзи бобларда 16 тага етган. Бунинг мисоли 5-бобда (Закарни ушлаш сабабли таҳорат олиш боби)да кўринади. Муҳаммад ибн Ҳасан у ерда закарни ушлаш таҳоратни синдирмаслигини 16 та ҳадис билан исботлашга уринган. Бу эса битта боб доираси жуда катта қўшимчадир.

Айрим бобларда имом Молик иштирокидан ташқари санад билан 6-7 та ҳадисни келтиради. Масалан, 17-боб (Жума куни ғусл қилиш боби)да 6 та қўшимча ҳадис келтирилган бўлиб, улардан 2 таси мавқуф, 2 таси мақтуъдир. Бу ҳам каттагина қўшимча ҳисобланади.

Бошқа нусхалардаги аксар бобларда келувчи “Молик деди:...” деб бошланадиган фатволар имом Муҳаммад “Муватто”сида мавжуд эмас. Моликнинг йўлидан бошқа йўл орқали келтирган ҳадисларнинг сони кўплиги, шунингдек, деярли ҳар бир бобда ровий ўз ижтиҳоди, ҳадисдан олган хулосаси ҳамда Абу Ҳанифа фиқҳининг баёнига кўп ўрин бергани,

[16] Лакнавий. Ат-Таълиқул мумажжад. Ж. 1, Б. 130; Али Надвий. Ал-Имом Муҳаммад. Б. 142.

айрим бобларда саҳобаларнинг қарашларини баён қилиб кетгани боис бу китоб “Имом Муҳаммад Муваттоси” деб довруқ таратган. Бунинг ҳайрон қоладиган ери йўқ. Чунки Муҳаммад “Муватто”си ровий муаллифдан эшитиб сўзма-сўз ривоят қилган китоблар сирасига кирмайди. Балки у Ҳижоз ва Ироқдаги аҳли ҳадис ва аҳли раъйнинг фиқҳидан келиб чиқиб тузилган ва уларнинг турли масалалардаги раъйларини қиёслаб бойитилган фиқҳий-қиёсий тўпламдир. Билган кишилар учун бу қимматли хусусиятдир.

Имом Муҳаммад ибн Ҳасан “Муватто”сида хоҳ иснод билан, хоҳ иснодсиз келган марфуъ ҳадислар ҳамда мавқуф осорларнинг сони 1180 та бўлиб, улардан 1005 таси имом Моликдан, 175 таси бошқалардан ривоят қилинган. Мазкур 175 танинг 13 таси Абу Ҳанифадан, 4 таси Абу Юсуфдан, қолганлари эса бошқалардан келтирилган[17].

Имом Муҳаммад “Муватто”сининг ўзига хослиги қуйидагиларда кўринади:

1. Имом Муҳаммад бошқа “Муватто”ларда кўп учрайдиган имом Моликка тегишли сўзлар ва фатволарни тушириб юборган ва китобдаги марфуъ, мавқуф ва мақтуъ хабарларни қолдирган бўлиб, бу нусхада имом Моликдан накл қилинган фатволар кам учрайди. Имом Муҳаммад нусхасининг бошқа нусхалардан энг фарқли жиҳати мана шудир.

2. Муҳаммад Шайбоний “Муватто”сида “фасл” деб аталувчи бўлим йўқ. Бўлса ҳам, бундай сарлавҳа баъзи нусхалардагина учрайди. Афтидан, бу лафз китобдан нусха кўчирувчилар томонидан қўшилган бўлса керак. Бу нусхадаги сарлавҳалар “китоб” ёки “боб” сўзи билан номланган. Кўпинча “китоб” сўзи билан номланиши кутиладиган бўлимлар “боблар” (абвоб) лафзи билан номланган. Бунинг мисоли, “Намоз боблари”, “Жаноза боблари”, “Закот боблари” ва ҳоказо[18].

---

[17] Лакнавий. Ат-Таълиқул мумажжад. - Ж. 1, Б. 141; Муҳаммад Абу Шаҳба. Аъломул муҳаддисин. - Миср: Маркузу кутубиш шарқил авсат. 1962. - Б. 58.

[18] Қаранг: “Муватто” (Имом Муҳаммад ривояти). Абдулваҳҳоб Абдуллатиф таҳқиқи билан. – Б. 31, 109 ва 114.

3. Имом Муҳаммад “Муватто”да имом Молик ёки Ҳижоз ва Ироқ олимларидан бошқа бировга хоҳ мувофиқ, хоҳ мухолиф бўлган ўз ижтиҳодини тилга олар экан, “Биз буни оламиз”, “фатво шунгадир”, “шунга кўра фатво берилади”, “эътимод шунгадир”, “умматнинг амали шунинг устидадир”, “бу тўғридир”, “бу зоҳирдир”, “бу машҳуррокдир” лафзларини ишлатади.

4. Устозларидан ривоят қилган ҳадисларни “бизга хабар берди” (“ахбарана”) деган лафз билан келтиради, “эшитдим” (“самиъту”) ёки “бизга гапирди” (“ҳаддасана”) лафзларини ишлатмайди.

5. Ўзи ихтиёр қилган фатвони зикр қилгач, устози Абу Ҳанифа билан фикри бир жойдан чиққанини билдириш учун “...ва бу Абу Ҳанифанинг сўзидир”, деб айтади. Абу Ҳанифага хилоф қилган ўринлари жуда оз учрайди.

6. Абу Ҳанифанинг сўзини келтиргач, гоҳида: “...ва омма фақиҳларимиз” деб қўшиб қўяди. Бу билан Ироқ ва Кўфа фақиҳларини назарда тутган бўлади. “Омма” лафзи “кўпчилик” маъносида қўлланади.

7. Имом Муҳаммад “Муватто”да, шунингдек, “Китобул осор”да бирор масала юзасидан Абу Юсуфнинг ҳукмини келтирмаган. Бу билан ўша масалада унинг Абу Юсуфга мувофиқ ёки мухолиф эканлиги келиб чиқмайди. Бироқ у “Жомеус сағир”да ўзгача йўл тутган, яъни қаерда Абу Юсуфнинг сўзини айтмаса, одатда у билан ҳамфикр эканини кўзда тутган бўлади.

8. “Ҳечқиси йўқ” (“ла баъса”) деса, “жоиз” деган маъно англашилади.

9. “Шундай қилиш керак” (“янбағий казо”) деса, вожиб ва суннати муаккадани ўз ичига олувчи кенгроқ маънони кўзда тутган бўлади.

10. “Асар” лафзи ҳам имом Муҳаммад истеъмолида кенг қамровли атама бўлиб, унинг ичига марфуъ, мавқуф ва мақтуъ хабарлар киради.

11. Имом Муҳаммад “Муватто”сида айрим заиф ҳадислар бор. Уларнинг баъзилари ривоят йўлларининг кўплиги билан заифлиги бартараф

бўладиган ҳадислардир. У ердаги ***“Мусулмонлар нимани яхши деб билсалар, у Аллоҳнинг наздида яхшидир...”*** деган ҳадис эса мавзу ҳадисдир. Имом Муҳаммад “Муватто”сини шарҳлаган Абдулҳай Лакнавий (1847-1886) бу ҳолатни оқлашга уриниб имом Аҳмад “Муснад”ининг бир нусхаси унинг қўлига тушгани ва унда шундай ривоят борлигини айтган. Ҳақиқат шуки, “Муснад”нинг Лакнавий қўлига тушган нусхаси номаълум бир нусхадир. Ҳофизлар ёзувидаги нусхаларда бу ривоят йўқ, бинобарин, унга таяниб бўлмайди. Имом Аҳмад “Муснад”ининг нусхалари орасидаги бу нусха худди ривоят ва фиқҳ бобидаги амал қилиш дуруст бўлмаган шоз қавлга ўхшаб кетади.

Имом Муҳаммад “Муватто”да қўллаган атама ибораларнинг тўлиқ рўйхати жадвал шаклида берилган. *(2-иловага қаралсин.)*

Имом Муҳаммад “Муватто”сига қуйидаги олимлар шарҳ ёзганлар:

1. Мулла Алий Қорий (ваф. 1014/1605) имом Муҳаммад “Муватто”сига икки жилдлик шарҳ ёзган. Бу шарҳ латиф маънолар ва ажойиб фойдаларни ўз ичига олган нафис китобдир. Шарҳловчи муаллиф асарнинг фарқли ўринларини кўрсатиб ўтиш, уларни бир-бирига муқояса қилиб, хатони тўғрилаш ва маъноси ноаниқ иборани шарҳлаш учун бошқа нусхаларга, хусусан, Яҳё Лайсий нусхасига кўп бора мурожаат этган. Шарҳ асносида тўрт фиқҳий мазҳаб фатволари, шунингдек, Авзоий, Лайс, Суфён Саврий каби мужтаҳидларнинг ижтиҳодлари келтирилган. Ҳадислар шарҳи ва фиқҳий масалалар ечими узил-кесил ҳанафий мазҳаби асосидаги хулосалар билан якун топган. Ҳадисларнинг эъроби, ғариб луғатлар шарҳи ҳамда балоғат ва наҳвга оид таҳлилга кенг ўрин берилган. У ерда иснодлаги ровийлар тўғрисида бироз аяб сўз юритилган[19]. Абдулваҳҳоб Абдуллатиф бу шарҳнинг номини ”Шарҳу мушкилотил Муватто” (“Муватто”даги мушкул сўз ва ибораларнинг шарҳи) деб атаган. Унинг бир нусхаси “Дорул кутубил Мисрия”да сақланади.

[19] Лакнавий. Ат-Таълиқул мумажжад. Ж. 1, Б. 106-107.

2. Мадиналик Аллома, Макка муфтийси Иброҳим ибн Ҳусайн Беризода Ҳанафий (1020-1099/1611-1590) имом Муҳаммад ривоятидаги “Муватто”га икки жилдлик шарҳ ёзган[20]. Ушбу шарҳ “Ал-Фатҳур раҳмоний” (Илоҳий илҳом) деб аталган бу шарҳда Бадриддин Айнийдан кўп нақллар келтирилган. Унинг бир нусхаси Мадинадаги “Маҳмудия” кутубхонасида сақланади.

3. Усмон ибн Яъқуб ибн Ҳусайн ибн Мустафо Куммохий Исломбулий Румий Ҳанафий (ваф. 1171/1757) 1166/1752 йилда “Ал-Муҳайяу фий кашфи асрорил Муватто” (“Муватто” сирларини кашф қилиш учун шайланган китоб) номли шарҳни ёзиб тугатган.

4. Муҳаммад Абдулҳай ибн Абдулҳалим Абу Ҳасанот Лакнавий (1264-1304/1847-1886). Унинг “Ат-таълиқул мумажжад ала Муваттои Муҳаммад” (Муҳаммад “Муватто”сига ёзилган улуғвор таълиқ) номли асари бор. Ҳиндистонда 3 марта чоп этилган.

**“Муватто”да келган тафсир боби таҳлили**

Тафсир боби имом Муҳаммад “Муватто”сининг охирги бобидир. У ерда жами 11 та ҳадис келган бўлиб, улардан 2 таси марфуъ, 5 таси мавқуф ва 4 таси мақтуъдир. Уч ўринда Имом Муҳаммад келтирилган хабарларга ўз муносабатини билдирган. Қуйида ушбу бобдаги маълумотларнинг жойлашуви жадвал шаклида берилиб, қиёслаш учун ҳадисларнинг Яҳё Лайсий ривоятидаги “Муватто”да жойлашган ўрни ҳам келтирилган:

| | **Имом Муҳаммад ”Муватто”си Тафсир китобининг таркиби** | **Ҳадисларнинг Яҳё ибн Яҳё Лайсий ривоятидаги “Муватто”да жойлашган ўрни** |
|---|---|---|
| 1 | 1) Зайд ибн Собит (р.а.)дан мавқуф ҳадис | “Ўрта намоз” ҳақидаги боб, 313-ҳадис |
| 2 | 2) Амр ибн Рофеъ (р.а.)дан мавқуф ҳадис | “Ўрта намоз” ҳақидаги боб, 312-ҳадис |

[20] Лакнавий. Ат-Таълиқул мумажжад. Ж. 1, Б. 106.

| | | |
|---|---|---|
| 3 | 3) Абу Юнусдан марфуъ ҳадис | “Ўрта намоз” ҳақидаги боб, 311-ҳадис |
| 4 | 4) Умора ибн Сайёддан мақтуъ ҳадис | Аллоҳ таолони зикр қилиш ҳақидаги боб, 492-ҳадис |
| 5 | 5) Ибн Шиҳобдан мақтуъ ҳадис | “Муҳсан бўлиш” ҳақидаги боб, 1176-ҳадис |
| 6 | 6) Амра бинт Абдураҳмондан мавқуф ҳадис | Йўқ |
| 7 | 7) Яҳё ибн Саиддан мақтуъ ҳадис | Йўқ |
| 8 | Имом Муҳаммаднинг сўзи: *“Биз буни оламиз...”* | |
| 9 | 8) Абдураҳмон ибн Қосимдан мақтуъ ҳадис | Совчилик ҳақида келган ҳадислар боби, 1136-ҳадис |
| 10 | 9) Нофеъдан мавқуф ҳадис | Қуёш оғиши ва тун қоронғуси ҳақида келган ҳадислар боби, 18-ҳадис |
| 11 | 10) Довуд ибн Ҳусойндан мавқуф ҳадис | Қуёш оғиши ва тун қоронғуси ҳақида келган ҳадислар боби, 19-ҳадис |
| 12 | Имом Муҳаммаднинг сўзи: *“Бу Ибн Умар ва Ибн Аббоснинг сўзидир...”* | |
| 13 | 11) Абдуллоҳ ибн Умардан марфуъ ҳадис | Йўқ |
| 14 | Имом Муҳаммаднинг сўзи: *“Бу ҳадис асрни кечиктириш уни тезлатишдан афзал эканига далилдир...”* | |

“Тафсир” номидаги боб имом Муҳаммад “Муватто”сидан бошқа “Муватто”ларда келмаган. Табиийки, у ердаги ҳадисларнинг жойлашуви бошқа нусхаларникидан фарқ қилади.

1-ҳадис. Уни Яҳё Лайсий (313), Абу Мусъаб Зуҳрий (1/139/351), Қаънабий (Б. 183) ва Сувайд ибн Саид (136/216, Баҳрайн босмаси) ривоят қилганлар. Ҳадис мазмуни саҳобийга етиб бориб тўхтагани боис мавқуфдир. Санади муттасил ва айбдан холи бўлгани учун саҳиҳдир[21].

2-ҳадис. Уни Яҳё Лайсий (312), Абу Мусъаб Зуҳрий (1/138-139) ва Қаънабий (182/192) ҳам ривоят қилганлар. Ҳадис мавқуф туркумига киради. Санаддаги Амр ибн Рофеъдан бошқа ровийлар сиқа ҳисобланадилар. Амр ибн Рофеънинг даражаси бироз қуйироқ бўлиб, у ростгўй (садуқ)дир. Шунга кўра ушбу ҳадиснинг ҳукми ҳасандир[22].

3-ҳадис. Яҳё Лайсий (311), Абу Мусъаб Зуҳрий (1/138/348), Қаънабий (182-183/193), Ибн Қосим (230/177) нусхаларида келган бу ҳадис саҳиҳдир. Оиша (р.а.) "Буни Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитдим" дегани сўзи туфайли у марфуъдир.

4-ҳадис. Уни Яҳё Лайсий  (492), Абу Мусъаб Зуҳрий (1/204/523), Қаънабий (240/294) ва Сувайд ибн Саид (184/348, Баҳрайн босмаси) ҳам ривоят қилганлар. Ҳадис мақтуъдир. Санад жиҳатидан эса, саҳиҳ. Санаддаги Умора ибн Абдуллоҳ ибн Сайёд сиқа ва фазилатли киши деб танилган. Унинг отаси Ибн Сайёд деб ном чиқарган машҳур одамдир[23].

5-ҳадис. Уни Яҳё Лайсий (1176), Абу Мусъаб Зуҳрий (1/590/1529) ва Сувайд ибн Саид (314/685) ҳам ривоят қилганлар. Ҳадис мақтуъ ва саҳиҳдир[24].

6-ҳадис. Ушбу ҳадис мазмуни Оиша (р.а.)га етиб бориб тўхтагани учун мавқуф ҳисобланади. Имом Муҳаммад "Муватто"сидан бошқа нусхаларда учрамайдиган бу ҳадиснинг даражаси ҳасандир[25].

7-ҳадис. Имом Муҳаммад "Муватто"сидан бошқа нусхаларда учрамайди. У мақтуъ, саҳиҳ ҳадисдир[26].

---

[21] Муватто. (Саккиз хил ривояти билан). – Ж. 1, Б. 538, 539.
[22] Муватто. (Саккиз хил ривояти билан). – Ж. 1, Б. 538.
[23] Муватто. (Саккиз хил ривояти билан). – Ж. 2, Б. 159, 160.
[24] Ўша жойда. Ж. 3, Б. 216.
[25] Муватто. (Саккиз хил ривояти билан). – Ж. 4, Б. 587.
[26] Ўша жойда. Ж. 3, Б. 231.

8-ҳадис. Яҳё Лайсий (1136), Абу Мусъаб (1/568/1468) ва Сувайд ибн Саид (303/657, Баҳрайн босмаси) ҳам ривоят қилганлар. Тобеинга бориб тўхтаган хабар мақтуъ бўлиб, ҳукми саҳиҳдир[27].

9-ҳадис. Яҳё Лайсий (18), Абу Мусъаб (1/10/20), Қаънабий (87/15), Сувайд ибн Саид (62/19, Баҳрайн босмаси) ҳам ривоят қилганлар. Унинг ҳукми саҳиҳдир.

10-ҳадис. Яҳё Лайсий (19), Абу Мусъаб (1/11/21), Қаънабий (Б. 88), Сувайд ибн Саид (62/ 20, Баҳрайн босмаси) ҳам ривоят қилганлар. Ҳадиснинг санадида узилиш бор. Имом Муҳаммад ривоятида “Довуд ибн Ҳусойн Ибн Аббосдан”, дейилган. Бошқа “Муватто”ларда эса: “Довуд ибн Ҳусойн деди: бир хабар берувчи менга хабар бердики, Абдуллоҳ ибн Аббос айтар эди:...” дейилган. Ушбу хабар берувчининг шахси аниқланмагани боис ҳадис заифдир. Ибн Абдулбар “Истизкор”да айтишича, бу ердаги хабар берувчи Ибн Аббоснинг мавлоси Икримадир. Агар кўзда тутилган хабар берувчи ҳақиқатан Икрима бўлса, ҳадис ўта бўш (воҳий)дир, чунки Довуд ибн Ҳусойннинг Икримадан ривоят қилиши мункар ҳисобланади[28].

11-ҳадис. Фақат имом Муҳаммад “Муватто”сида мавжуд бўлган бу ҳадис саҳиҳдир. Имом Бухорий ва имом Термизий уни Исмоил ибн Абу Увайс ва Маън ибн Ийсодан, бу иккиси эса Моликдан ривоят қилганлар. Имом Термизий: “Бу ҳасан саҳиҳ ҳадисдир”, деб айтган[29].

Тафсир боби таржима қилиниб, шарҳ ва қўшимчалари ҳавола (сноска) қилинган ҳолда тайёрланди. *(3-иловага қаралсин.)*

## “Муватто”нинг ҳанафий мазҳабида тутган ўрни

Фиқҳ илми мутахассисларининг тақсимлашича, ҳанафий мазҳабида таълиф этилган энг аҳамиятли китоблар икки қисмга – 1) “Зоҳирур ривоя” ва 2) “Зоҳирур ривоя” бўлмаган китобларга бўлинади. Доктор Али Надвий

[27] Ўша жойда. Ж. 3, Б. 185.
[28] Ўша жойда. Ж. 1, Б. 205.
[29] Ўша жойда. Ж. 4, Б. 582.

ҳанафий мазҳаби манбалари 3 туркумга тақсимланади, деб, 6 та “Зоҳирур ривоя” китобларидан бошқа манбаларни “Зоҳирур ривоя” даражасига тенглаштирилган китоблар” ҳамда “Зоҳирур ривоя бўлмаган китоблар” деб яна икки қисмга ажратадилар. Бу ерда мақсад қайси тақсим тўғрироқ эканини аниқлаштириш эмас, балки “Муватто”нинг ҳанафий мазҳабидаги ўрнини кўрсатишдир.

“Зоҳирур ривоя” китоблари муаллифдан мутавотир ёки машҳур йўл билан ривоят қилинган энг ишончли манбалар бўлиб, ҳанафий мазҳабида бу китобларда келган масалаларга қарши фатво бериш мумкин эмас деган усул қабул қилинган. Муҳаммад ибн Ҳасан таълиф этган бу энциклопедик характердаги асарларда мазҳаббошиларнинг турли масалалардаги фатволари тўпланган. “Зоҳирур ривоя” даражасига тенглаштирилган” китоблар сирасига биринчи ўринда имом Муҳаммад “Муватто”си киритилган[30].

Мазкур асар қадимдан ҳанафийлар орасида дарслик сифатида ўқитилган. Жумладан, мовароуннаҳрлик машҳур ҳанафий олими Абу Ҳафс Насафий (1068-1142) ўз устози Абу Мансур Ҳорисий (1046-1119) орқали “Муватто”ни эшитиб, ўқигани маълум. Бугунги кунда ҳам Туркия, Покистон ва Ҳиндистонда ҳанафийлар ўқув даргоҳларида мазкур “Муватто” расмий равишда ўқитиб келинмоқда[31].

Имом Муҳаммад “Муватто”си бошқа “Муватто”лар сингари “Намоз боблари” бўлими билан бошланган. Одатда ҳанафий мазҳабидаги машҳур фиқҳий асарларда дастлаб таҳорат (поклик) ва унга биринчи ўринда алоқадор бўлган сувлар мавзулари батафсил ёритилгач, намозга тааллуқли мавзулар баёнига киришилади. Бунга “Ал-Ҳидоя”, “Мухтасарул виқоя”, “Туҳфатул фуқаҳо” ва “Нурул ийзоҳ” каби асарларни мисол қилиш мумкин. “Муватто” асарида эса, бу тартибдан бир озгина фарқ кўзга ташланади. Асар “Намоз боблари” деган бўлим билан бошланади. Унинг биринчи боби - “Намоз

[30] Д. Али Аҳмад Надвий. Ал-Имом Муҳаммад ибнул Ҳасаниш Шайбонийю нобиғотул фиқҳил исломий. - Дамашқ: Дорул қалам. 1994. – Б. 92-93.
[31] Ҳамидуллоҳ Аминов. Муҳаммад Шайбонийнинг “Муватто” ривояти хусусида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. - № 3. - Т.: 2016.

вақтлари боби”дан сўнг бирданига таҳоратга тегишли 13 та боб, унинг кетидан ғуслга тегишли 4 та боб, сўнгра таяммум, ҳайз, истиҳоза ва бошқа поклик масалаларига тааллуқли 9 та бобни ўтказиб, “Азон ва иқомат ҳақидаги боб” ва “Масжидга юриб бориш ва масжидларнинг фазилати ҳақидаги боб” кетма-кет келтирилади. Ана шундан сўнг намоз масалалари тегишли яна 70 та боб билан “Намоз боблари” бўлими якунланади. Мазкур бўлим жами 100 бобни ўз ичига олади. Эътибор берилса, поклик масалалари келгуси даврларда ёзилган фиқҳий асарлардаги сингари алоҳида бўлим сифатида эмас, балки намоз дуруст бўлишининг шартлари бўлимининг бир қисми сифатида тақдим қилингани кўринади. Қозихон “фиқҳдаги улуғ асл” деб атаган эътиборли “Ал-Жомиус сағир” (Кичик тўплам)да Имом Муҳаммад худди шу услубни тутган. Яъни у ердаги 40 та фиқҳий мавзулар “китоб” номи билан қуйидаги тартибда келади: Намоз китоби (таҳорат масалалари унинг ичида баён қилинади), Закот китоби, Рўза китоби, Ҳаж, Никоҳ, Талоқ, Ийло, Зиҳор, Қул озод қилиш, Қасамлар, Ҳадлар, Ўғрилик, (Ҳарбий) юришлар, Савдолар, Кафолат, Ҳавола, Зомин бўлиш, Қозилик, Ваколат, Даъво қилиш, Иқрорлик, Сулҳ, Музораба, Вадиа, Ория, Ҳиба (ҳадя), Ижаралар, Мукотаб, Маъзун (изн берилган), Ғасб (молни тортиб олиш), Шуфъа, Музораа (экинда шерикчилик), Хирож, (Ҳайвонларни) сўйиш, Кароҳият, Ичимликлар, Ов қилиш, Гаров, Жиноятлар, Васиятлар ва ниҳоят, Тарқоқ масалалар китоби[32].

Кўриниб турганидек, асар икки катта қисмга: 1) Ибодатлар қисми ва 2) Муомалот қисмига бўлинган. Таҳорат масалалари Намоз китоби ичига киритиб юборилиши ва ундан кейинги мавзуларнинг тартибланишига қараб имом Муҳаммад бу тартибни имом Моликдан истифода этганини пайқаш мумкин. Бунинг учун унинг иккинчи устози Абу Юсуфнинг фиқҳ мавзусида энг биринчи таълиф этган “Абу Ҳанифа ва Ибн Абу Лайлонинг ихтилофи”

[32] Аҳмад ибн Муҳаммад Насируддин Нақиб. Ал-мазҳабул ҳанафий (мароҳилуҳу ватабақотуҳу, завобитуҳу вамусталаҳотуҳу, хасоисуҳу вамуаллафотуҳ). – Риёз: Мактабатур рушд, 2001. - Ж. 2, Б. 452-453.

номли асарига назар ташлаш керак бўлади. Ушбу асардаги мавзулар кетма-кетлиги фиқҳий асарларнинг анъанавий тартибидан кескин фарқ қилади. Ҳозирги ўлчов билан қаралса, уни бетартиб тузилган асар дейиш ҳам мумкин. У ўртада муштарак бўлган ёлланма ишчига зомин бўлиш масалалари билан бошланиб, ғасб боби, айбда ихтилоф қилиш боби ва ҳоказо боблар билан давом этади. Қасамлар, Васиятлар, Мерослар, Васийлар, Шериклик, Қул озод қилиш, Мукотаб, Қасамлар (яна бир бор), Ория, Ўлжадан ўмарилган молни ейиш, Ижарачи ва ижара, Тақсимлаш мавзуларидан кейин ибодат бобларига навбат келади. Намоз, Хавф намози, Закот, Рўза, Ҳаж мавзуларидан кейин тарқоқ масалаларга тегишли боблар билан асар ниҳоясига етади[33]. Фиқҳий асарлар ёзишга илк қадамлар қўйилган паллада мавзуларни тартиблашнинг энг соз, қулай варианти кашф этилмаган эди. Вақтлар ўтиши билан барча соҳалар каби фиқҳ соҳаси ҳам аста-секин сайқалланиб, мукаммаллашиб борган. “Муватто” ва “Ал-Жомеус сағир” ана шу жараённинг бир бўғини бўлиб хизмат қилган. Фиқҳ мавзуларини тартиблашдаги янгилик имом Муҳаммаднинг имом Моликдан ўзлаштириб, илм соҳасига татбиқ этган ютуқларидан биридир. Келгуси даврдаги фақиҳлар бу ютуқдан самарали фойдаланиб, китоб таълиф этишда “Муватто”ни ўзларига қўлланма қилиб олганлар ва унинг услубини ривожлантирганлар.

“Муватто”нинг энг катта ютуқларидан бири унинг фиқҳ бобларига кўра тартибланганидир. Тузилиши мураккабликдан холи, ҳажми ҳам катта бўлмагани боис ҳар қандай толиби илм уни осон ўзлаштира олади. Бошловчи талаба фиқҳий хулосаларни ёдлаш билан чекланмай илк босқичдаёқ ортиқча машаққатсиз ҳар бир мавзуни унинг далили билан биргаликда ўрганади. Имом Муҳаммаднинг тез-тез учраб турадиган изоҳлари, имом Молик билан баҳсга киришиб, ўз қарашини далил ёрдамида исбот қилишини кузатиш орқали далилдан хулоса чиқариш усуллари билан танишади. Яна бир муҳим жиҳати, талаба бу асарда илмий мунозара одобидан амалий таълим олиш

[33] Аҳмад ибн Муҳаммад Насируддин Нақиб. Ал-мазҳабул ҳанафий (мароҳилуҳу ватабақотуҳу, завобитуҳу вамусталаҳотуҳу, хасоисуҳу вамуаллафотуҳ). – Риёз: Мактабатур рушд, 2001. - Ж. 2, Б. 450.

имконига эга бўлади. Имом Муҳаммад кўплаб масалаларда имом Моликка хилоф қилган бўлса-да, унга ҳурмат сақлаб бирон бир ўринда ножўя сўз айтмайди, мавзудан четга чиқмайди, балки “Биз буни олмаймиз, лекин Абдуллоҳ ибн Масъуднинг сўзини оламиз...”[34] деганга ўхшаш сўзни айтиб, шу заҳоти ўзининг далилини келтиради. Муайян бир китоб, қайсидир устоз ёки бирон бир мазҳабга мутаассиб бўлиш ҳамда ўзгача фикрларни кескин рад этиш иллатидан саломат бўлишда китобнинг бу жиҳати ғоятда аҳамиятлидир. Бу гап ҳанафий мазҳаби доирасидаги фатволарга ҳам тегишли. Зеро имом Муҳаммад “Муватто”нинг бир қанча ўринларида устози – имом  Абу Ҳанифага хилоф ўлароқ фатволар берган. Бу билан мазҳаб доирасидаги фатволар кўпайиб ва кенгайиб, фақиҳлар учун турли шароитларда замон ва маконга энг муносиб фатвони танлаш имконияти юзага келган.

Асарда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун бугунги кунда долзарб бўлган кўплаб ҳадислар келган. Мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Молик бизга хабар бериб деди: Абу Зинод бизга ҳадис айтди: Абдураҳмон Аърождан, у (Абдураҳмон) Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ***“Сизлардан бировингиз биродарининг совчилиги устига совчи қўймасин”***, дедилар. (Никоҳ китоби, Киши биродарининг совчилиги устига совчи қўйиши боби. Имом Муҳаммад бу ҳадисга: *“Биз буни оламиз ва у Абу Ҳанифанинг ҳамда омма фақиҳларимизнинг сўзидир”*, деб изоҳ берган)[35];

Молик бизга хабар бериб деди: Нофеъ бизга Абдуллоҳ ибн Умардан ҳадис айтди: Пайғамбар (с.а.в.): ***“Бировингиз бировингизнинг савдоси устига савдо қилмасин”,*** дедилар. (Киши биров билан савдолашганида бошқанинг унга қўшимча нарх таклиф қилиши ҳақидаги боб. Имом Муҳаммад бунга: *“Биз буни оламиз. Киши биров билан бир нарсага*

[34] Муваттоул имом Молик – ривояту Муҳаммад ибнил Ҳасаниш Шайбоний. Абдулваҳҳоб Абдуллатиф таҳқиқи. – Ал-Мактабатул илмийя. – Б. 229.
[35] “Муватто” (Имом Муҳаммад ривояти). Абдулваҳҳоб Абдуллатиф таҳқиқи билан.- Б. 177.

*савдолашганида, токи сотиб олгунича ёки тарк этгунича бошқа биров унинг устига нарх айтиши нолойиқдир"*, деб изоҳ берган)[36];

Молик бизга хабар бериб деди: Нофеъ бизга Ибн Умардан хабар берди: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: ***"Ким бизга қарши қурол кўтарса, у биздан эмас"***;

Молик бизга хабар бериб деди: Яҳё ибн Саид бизга хабар берди: Саид ибн Мусайяб: ***"Кўп намоз ва кўп садақадан яхшироқ бўлган нарсани сизларга айтиб берайми?"*** деганида "Ҳа!" дейишибди. Саид уларга: ***"У ўртани ислоҳ қилишдир. Нафратдан сақланинглар, чунки у қирувчидир"***, дебди. (Сияр боби, Хаворижларнинг гуноҳи ва жамоатни лозим тутишнинг фазилати ҳақидаги боб)[37];

Молик бизга хабар берди, Сафвон ибн Сулайм бизга хабар берди, у Ато ибн Ясордан ривоят қилишича, бир киши Пайғамбар (с.а.в.)дан: "Эй Аллоҳнинг элчиси, онам олдига (кириш учун) изн сўрайми?" деб сўради. У зот: "Ҳа!" дедилар. У: "У билан уйда бирга тураман", деди. У зот: ***"Олдига изн сўраб кир!"*** дедилар. У: "Мен онамнинг хизматини қиламан", деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): ***"Уни ялангоч ҳолда кўришни истайсанми?"*** деб сўрадилар. У: "Йўқ!" деди. У зот: ***"Олдига изн сўраб кир!"*** дедилар. (Изн сўраш китоби. Имом Муҳаммад бунга: "*Биз буни оламиз, изн сўраш яхшидир. Кимнинг авратига назар солиш ҳаром бўлса, киши уларнинг олдига изн сўраб кириши керак"*, деб изоҳ берган.)[38];

Молик бизга хабар бериб деди: Ибн Шиҳоб бизга хабар берди: Али ибн Ҳусайндан, у Пайғамбар (с.а.в.)га нисбат бериб: ***"Кишининг ўзига тегишли бўлмаган нарсани тарк этиши унинг яхши мусулмон эканлигидандир"***, деди. (Ҳаёнинг фазилати боби. Имом Муҳаммад бунга: *"Ана шундай. Мусулмон киши ўзига тааллуқли бўлмаган нарсаларни тарк этиши даркор"*, деб изоҳ берган.)[39];

---

[36] "Муватто" (Имом Муҳаммад ривояти). Абдулваҳҳоб Абдуллатиф таҳқиқи билан.- Б. 277.
[37] "Муватто" (Имом Муҳаммад ривояти). Абдулваҳҳоб Абдуллатиф таҳқиқи билан.- Б. 309.
[38] "Муватто" (Имом Муҳаммад ривояти). Абдулваҳҳоб Абдуллатиф таҳқиқи билан.- Б. 320
[39] "Муватто" (Имом Муҳаммад ривояти). Абдулваҳҳоб Абдуллатиф таҳқиқи билан.- Б. 334.

Молик бизга хабар бериб деди: Муҳаммад ибн Мункадир бизга хабар берди: Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққос хабар берди: Усома ибн Зайд хабар беришича, Пайғамбар (с.а.в.) бундай деганлар: ***“Албатта, тоун (ўлат) сизлардан олдингиларга*** (ёки: ***“Бани Исроилга”*** – Ибн Мункадир ривоятда шак қилган,) ***азоб қилиб юборилган эди. Агар бирон ерда тоун борлигини эшитсангиз, унга кирманглар, агар бир жойда у пайдо бўлса, ундан қочиб чиқманглар”***. (Тоундан қочиш боби. Имом Муҳаммад бунга: *“Бу ҳадис таниқли бўлиб, бир неча кишилардан ривоят қилингандир. Демак, бир ерда тоун пайдо бўлса, ундан сақланиш учун у жойга кирмасликнинг зиёни йўқ”*[40], деб изоҳ берган.)[41];

Молик бизга хабар бериб деди: Менга етиб келишича, Ийсо ибн Марям бундай дер эди: ***“Аллоҳнинг зикридан бошқа гапни кўпайтирманглар – қалбингиз қотади. Зеро қаттиқ қалбли киши Аллоҳдан узоқ бўладию сизлар билмайсизлар. Одамларнинг гуноҳларига сизлар гўё хўжайинлардек қараманг, уларга қуллар каби қаранг. Одамлар: ё бало теккан, ё саломат қолганлардир. Бало текканларга раҳм қилинглар, офият учун Аллоҳга ҳамд айтинглар”*** (Наводир боби)[42].

Ҳанафий мазҳаби уламолари ҳадис илми ривожига салмоқли улуш қўшганлар. “Энг саҳиҳ”, “энг манфаатли” каби сифатлар билан улуғланган “Муватто” асарининг таниқли нусхаларидан бири ҳанафий мазҳабининг мусаннифи – имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийга тегишли экани буни тасдиқловчи бир фактдир. Балки “Муватто”нинг энг машҳур нусхаси бўлмиш Яҳё ибн Яҳё Лайсий нусхаси билан солиштирганда имом Муҳаммад нусхаси бешта критерий бўйича афзал экани Абдулҳай Лакнавий томонидан исботланган.

Имом Муҳаммад асарни ривоят қилишда ўзига хос йўл тутиб, имом Моликнинг фатвосини қабул қилмаса, ўз сўзини ва Абу Ҳанифанинг

---

[40] Яъни ким шу ҳадисга амал қилиб у ерга кирмаса, бу унинг таваккули сустлиги, дунёга ортиқча муҳаббат қўйиши деб баҳоланмайди.
[41] “Муватто” (Имом Муҳаммад ривояти). Абдулваҳҳоб Абдуллатиф таҳқиқи билан.- Б. 336.
[42] “Муватто” (Имом Муҳаммад ривояти). Абдулваҳҳоб Абдуллатиф таҳқиқи билан.- Б. 340.

фатволарини қисқа ибораларда айтиб ўтган. Ўзининг қарашини исботлаш учун далиллар келтириб, китобни қўшимча илмий маълумотлар билан бойитган. “Муватто”да ўзига хос истилоҳлардан фойдаланилган. Асарни шарҳлаган олимлар истилоҳларнинг маъносига алоҳида тўхталиб, уларни изоҳлаб берганлар.

Имом Муҳаммад асарга фақиҳ сифатида ёндошгани унинг бошидан охиригача тўлиқ сезилиб туради. Фиқҳ масалаларидан бироз узоқроқ кўриладиган тафсир бобида ҳам уч ўринда ҳадисларга изоҳ бериб, фиқҳий фойдалар чиқаришга интилган.

“Муватто” асари фиқҳ илмининг ривожида, хусусан, ҳанафий фиқҳида муҳим ўрин тутган. Ўзидан кейин ёзилган асарларга таъсир кўрсатган. Шу билан бирга илмий баҳс олиб бориш, мухолифлар билан одоб доирасида муомала қилиш, мавзуни лўнда баён қилиш жиҳатидан фақиҳларга намуна бўлган.

Келтирилган ҳадисларда ифодаланган умуминсоний ғоялар, ахлоқ-одоб қоидалари шахсни комилликка ундаб, жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин тутган.

## IV БОБ. ИМОМ ТАҲОВИЙНИНГ “ШАРҲИ МАОНИЯЛ ОСОР” АСАРИ

Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салама ал-Аздий ал-Ҳажрий ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳ 229-321 йилда Мисрнинг юқори қисмидаги Таҳийа деб номланган мавзеъда туғилганлар. Аммо «Китоб ал-ансоб» муаллифи ас-Самъоний (1113-1167) фикрича Мисрнинг пастки тарафидаги Таҳо қишлоғида туғилганлар. Ҳижрий 321 йил зулқаъда ойининг 5-кунида (933 йил 27 октябрь)да Мисрда вафот қилганлар. Қарофа қишлоғи (Миср)да дафн қилинади.

Аллома машҳур Азд қабиласининг Ҳажр уруғидан бўлганлиги боис одатда нисбасига улар ҳам қўшилади. Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳнинг туғилган йилларини баъзилар 238/853 йил деб хато кўрсатган бўлса-да, лекин аксар манбаларда уни 229 йил рабиъул-аввал ойи (843 йил ноябрь)да туғилганлари алоҳида қайд қилинган.

У тенгдошлари ичида ёдлаш қобилиятининг кучлилиги ва фаҳмининг тезлиги, Қуръони каримни пухта ёдлаши ила ажралиб турган. Имом ат-Таҳовийга Қуръони каримдан бошланғич илм берган ва ёзишни ўргатган имом Закариё Яҳё ибн Муҳаммад ибн Амрдир. Сўнгра у фиқҳ ва усулда пешқадам бўлган отасининг илм ҳалқасида иштирок этиб, фиқҳдан дарс олади. Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳ ёшликларида бошланғич таълимни тоғалари, яъни оналарининг укаси шофеъий мазҳабининг машҳур фақиҳи Исмоил ибн Яҳё ал-Музаний (791-877) раҳимаҳуллоҳ ҳузурида ўзлаштирадилар.

Аллома ҳақида Абу Сулаймон Дамашқий: "Имом ат-Таҳовий менга: “Мен биринчи бўлиб тоғам Музанийдан ҳадис тингладим ва ёзиб бордим. Имом Шофеъийнинг сўзини олиб унинг мазҳабида юрдим. Бир неча йиллардан сўнг Миср қозиси Аҳмад ибн Абу Имроннинг олдига бордим. Ундан ҳанафий фиқҳини ўргандим ва сўзини олдим”, деди, деган. У зот ёшлигидан ҳанафий фақиҳларининг асарларини – Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (699-767) раҳимаҳуллоҳ ва унинг асҳобларининг китобларини кўп ўқир эдилар. Жиянининг ишидан жаҳли чиққан Имом ал-Музаний раҳимаҳуллоҳ: “Сендан ҳеч нарса чиқмайди!” деб қасам ичиб юборадилар. Аслида, Имом ал-Музаний раҳимаҳуллоҳнинг ўзлари ҳам ҳанафийларнинг асарларини кўп ўқир эканлар.

Алломанинг тоғасининг мазҳаби (шофеъий)дан ҳанафий мазҳабига ўтиши қуйидагича бўлган. Айтишларича, ат-Таҳовий тоғасидан дарс олиб юрган кезларда, бир куни унга тоғаси: “Сендан бир нарса чиқмайди!” – дебди. Шунда жиянининг аччиғи чиқиб, тоғасини тарк этиб Абу Жаъфар ибн Абу Имрон Ҳанафийдан (ваф.331) дарс ола бошлайдилар.

Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шурутий (X аср) раҳимаҳуллоҳ Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳдан: “Нимага мазҳабингизни ўзгартирдингиз?” деб сўраганларида, у: “Тоғам доим Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ ва унинг асҳобларининг китобларига қарайвергани сабабли”, деган эдилар.

Доктор Абдурраҳмон Умайра “Шарҳ ал-ақида ат-Таҳовия”га ёзган таълиқи муқаддимасида қуйидагиларни ёзган: “Бизнинг фикримизча у кишининг Абу Ҳанифа раҳматуллоҳнинг мазҳабига ўтишининг асосий сабаби, ўша вақтдаги одамлар зеҳнида бу мазҳаб ҳақида жуда яхши тасаввур бор эди. Чунки, бу мазҳаб кенг фикрли бўлиши билан бирга ҳужжати ҳам кучли эди. Янги пайдо бўлган масалаларда тез ва қониқарли жавоб бериларди. Шу каби омиллар ат-Таҳовийга таъсир қилган”.[43]

Абу Яъло Ҳанбалий ўзининг “ал-Иршод” китобида шундай деб ёзган: Аҳмад ибн Муҳаммад Шурутий, “Мен ат-Таҳовийга нима учун тоғангга хилоф қилиб, Абу Ҳанифанинг мазҳабини ихтиёр қилдинг? – десам. У: “Мен тоғамни Абу Ҳанифанинг китобларига доимо назар солиб турганини кўриб, унинг мазҳабига ўтдим”, деди – деган экан.[44]

Ҳанафийлик мазҳабига кўнгил қўйганлигига яна бир сабаб Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳнинг онаси унга ҳомиладорликнинг сўнгги ойларида вафот қилганлар. Қорнида бола қимирлаётганини сезган ҳанафий олимлар қорнини кесиб, болани чиқариб олишга фатво берадилар. Имом ал-Музаний раҳимаҳуллоҳ бошлиқ шофеъий олимлари бундай қилмасликни ёқлаб чиқадилар. Ҳанафийлар қозиси, фақиҳлари билан бирга қаттиқ туриб олганликлари сабабли Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳ тирик қолган эди.

Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳ шу зайлда ҳанафийлик мазҳабига ўтади ва ҳанафий фақиҳларидан мужтаҳиди мунтасиб даражасигача етади. Бу Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳдан кейинги

---

[43] Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз. “Сияр аълом ан-нубало”. Байрут: Мавсуат ар-рисола, 1992. 1-ж,131-б.
[44] Мустафо ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳанафий Ҳожи Халифа. “Кашф аз-зунун ъан асмо ал-кутуб ва-л-фунун”. Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981. 2-ж, 231-б.

Абу Юсуф (731-798) раҳимаҳуллоҳ, Муҳаммад аш-Шайбоний (749-805) раҳимаҳуллоҳ каби асҳобларининг табақаси эди. Баъзи тадқиқотчилар уни учинчи табақа фақиҳлари қаторига қўядилар.[45]

Кейинчалик Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳ юртининг энг таниқли фақиҳи, мушкул саволларга қийналмай жавоб берувчи иқтидор соҳиби, мунозараларда ҳанафийликнинг энг кучли ҳимоячиси бўлиб етишди. У зот ўзларининг фиқҳий матн китоби «Мухтасар»ни ёзган вақтида: “Агар тоғам буларни кўрганида, қасамининг бузилгани учун каффорат тўлаган бўларди!” деб фахрланган эди.[46]

**Устозлари:** Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳ фиқҳни асосан Абу Жаъфар Аҳмад ибн Имрон (вафоти 280/893) раҳимаҳуллоҳдан оладилар. Сўнг Шомга сафар қилиб, қози ул-қузот Абу Ҳозим Абдулҳамид ибн Абдулазиз (вафоти 292/905) раҳимаҳуллоҳ олдида ҳам таҳсил оладилар. Бу қозикалон ҳанафий олими Муҳаммад аш-Шайбоний (749-805) раҳимаҳуллоҳнинг шогирдларидан Исо ибн Аббон (вафоти 221/835) раҳимаҳуллоҳнинг шогирди эди. Шунингдек, Ҳорун ибн Саид ал-Ирбилий (IX аср иккинчи ярми) раҳимаҳуллоҳдан ҳам сабоқ олганлар.[47]

Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳ, айниқса, ҳадис илми соҳасида юқори марраларни қўлга киритади. Мисрда жуда кўп муҳаддислардан ҳадислар тинглаб, имло қилади ва ҳифз қилиб олади. Аллома Жалолиддин Суютий (1445-1505) раҳимаҳуллоҳ “Ҳуснул-муҳозара” асарларида Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳни ҳадис ҳофизларидан бири, ҳадис ривоятида ишончли ва пухта зот, фақиҳ, ундан сўнг унга ўхшаши чиқмаган, Мисрдаги ҳанафий олимларнинг пешвоси сингари мақтовлар билан зикр қилганлар. Унинг ҳадис соҳасидаги устозларидан Али ибн Маъбад ибн Нуҳ ал-Бағдодий (вафоти 259/873), Ҳорун ибн Саид ал-Ийлий (787-867), Юнус

---

[45] Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия. 1995. 1-ж,256-б.

[46] Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз. “Сияр аълом ан-нубало”. Байрут: Мавсуат ар-рисола, 1992. 1-ж,131-б.

[47] Муҳаммад ибн Саъд ибн Муниъ Абу Абдуллоҳ ал-Басрий ал-Зуҳрий. “Ат-табақот ал-кубро”. Дору Содр Байрут.1968. 3-ж, 241-б.

ибн Абдул Аъло Абу Мусо ас-Садафий (787-877), Рабиъ ибн Сулаймон ал-Муаззин ал-Жийзий (797-869), Абу Бакра Баккор ибн Қутайба ал-Бакровий (798-884), Муҳаммад ибн ал-Ҳажжож Абдуллоҳ ибн Сулаймон ал-Ҳазрамий (817-910), Баҳр ибн Наср ал-Хавлоний (798-880), Муҳаммад ибн Хузайма (838-924) раҳматуллоҳи алайҳимлар каби ишончли ҳадис ровийларини кўрсатиш мумкин.[48]

Шунингдек, устозлари қаторида Абдулғани ибн Рифоа, Ҳорун ибн Саъид, Юнус ибн Абдулаъла, Баҳр ибн Наср Хавлоний, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, Исо ибн Масруд, Иброҳим ибн Мунқиз, Робеъ ибн Сулаймон, Абу Иброҳим Музаний, Баккор ибн Қутайба, Миқдод ибн Довуд ва бошқалардан ҳам ҳадис тинглаган.[49]

**Шогирдлари:** Имом ат-Таҳовий ўзи яшаган вақтда масалаларни таҳқиқ қилиш, далилларни аниқлашда ва бошқа илмларда машҳур бўлгани сабабли толиби илмлар ундан дарс олишга иштиёқманд бўлган. Алломадан Миср қозиси Аҳмад ибн Иброҳим ибн Ҳаммод (ваф.329), Қози Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мансур Ансорий, Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Юнус Муаррих (ваф.347), Сулаймон ибн Аҳмад ибн Айюб Табороний (ваф.360), Абдуллоҳ ибн Адий ибн Абдуллоҳ Журжоний (ваф.365) ва бошқа бир қанча уламолардан таълим олган.[50]

Шунингдек, аллома Абу Бакр ал-Бурдаъий (вафоти 350/961), «Мўъжам»лар соҳиби муҳаддис Абулқосим Сулаймон ат-Табароний (873-973), «Маоний ал-асор»ни устозидан эшитиб, нақл қилган Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Муқиррий (898-991), «Ақидат ат-Таҳовий»ни биринчи ривоят қилган Маймун ибн Ҳамза (X аср), Юсуф ибн Қосим ал-Миёнжи (901-985), тўққиз нафар Ғандар лақабли ҳадис ровийларидан иккинчиси Муҳаммад ибн Жаъфар Ғандар ал-Варроқ (вафоти 370/980) каби олимларга сабоқ берган. Шунингдек, яна у зотдан Юсуф ибн Қосим,

[48] Мустафо ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳанафий Ҳожи Халифа. "Кашф аз-зунун ъан асмо ал-кутуб ва-л-фунун". Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981. 2-ж, 231-б.
[49] Шамсиддин Заҳабий. "Тазкират ул-ҳуффоз". Дору эҳёу туросул арабий. 1-ж, 245-б.
[50] Абул Аббос Шамсиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Халликон. "Вафиййот ул-аъйон ва анба-у-абнаи-з-замон". 2-ж, 158-б.

Абулқосим Табароний,Муҳаммад ибн Бакр, Аҳмад ибн Абдулворис Зажжож, Абдулазиз ибн Муҳаммад Жавҳарий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган.

Ибн Абдулбарр (978-1071) раҳимаҳуллоҳ айтган: “Абу Жаъфар ат-Таҳовий кўфалик (Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ)нинг мазҳабида бўлиб, барча уламоларнинг мазҳабларига олим эди», деганлар.[51]

**Илмий мероси:**

Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салама ал-Аздий ал-Ҳажрий ат-Таҳовийдан қуйидаги асарлар мерос қолган**:**

1. «**Шарҳу маонил-осор»** («Ҳадис ва хабарлар маъноларини шарҳлаш»). «Китобу маоний ал-асор» ҳам деб аталган ушбу китоб муаллифнинг илк ёзган асари бўлиб, ғоятда машҳурдир. Унда мазҳаблар орасидаги фикрларни ҳадис ва саҳобалар ривоятлари орқали ҳамда муаллифнинг қиёсий фикрлари билан келтирилган ва ҳанафийлик мазҳабига мувофиқ қарашларини илгари сурган. Араб ва ҳинд диёрларида бир неча марта нашр этилган. Одатда, ҳанафийлик мазҳабининг ҳадисшунослигига киришмоқчи бўлган одам ушбу асарни ўқишдан бошлайди. «Осор» бу «асарлар» сўзининг кўплиги бўлиб, ҳадис илмида тор маънода олинса, саҳобаларнинг гаплари, фатволари тушунилади. Кенг маънода эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари, умуман барча ҳадис дейилган нарсалар тушунилаверади. Имом ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳ ушбу сўзни доимо кенг маънода қўллаганлар.

2. **«Аҳком ал-Қуръон»** («Қуръон ҳукмлари»). Асли 20 жузъдан ортиқ бўлган “Маоънил-Осорнинг шарҳи” бўлмиш мазкур асарида муаллиф Қуръони каримнинг ҳукмий оятларини фиқҳий шарҳлаган. Кўплаб уламолар бу китоб ҳадис илмида ёзилган энг яхши китоблардан бири эканини эътироф қилганлар. Имом ат-Таҳовий бу китобда ажойиб услубни қўллаган. Ҳадисларни таҳқиқ қилишда мазҳабларнинг далилларини ҳам келтириб ўтади ва ўз баҳси давомида ихтилофли масалани

[51] Муҳаммад ибн Саъд ибн Мунинъ Абу Абдуллоҳ ал-Басрий ал-Зуҳрий. “Ат-табақот ал-кубро”. Дору Содр Байрут.1968. 3-ж, 241-б.

келтириб, мунокаша қилади ҳамда ўз тадқиқотининг хулосасини келтиради. Сўнгра ўзи тўғри деб билган хулосани айтади.

**3. «ал-Мухтасар»** («Қисқартма»). Мазкур асар фиқҳий матн китоби бўлиб, бир неча олимлар томонидан шарҳланган. Ҳанафийлик мазҳабининг асосий фиқҳий манбаларидан бири ҳисобланади.

**4. «Китоб аш-Шурут»** («Шартномалар китоби»). Муаллиф мазкур асарини катта, кичик ва ўртача қилиб уч хил вариантда тузган. Катта «Шурут» анча яхши ўрганилган бўлса ҳам, бирок учаласи ҳам ҳали тўла нашр этилмаган.

**5. «Китобу маноқиби Абу Ҳанифа»** («Абу Ҳанифанинг маноқиби»). Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (699-767) раҳимаҳуллоҳнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган асар. Асарда ҳанафий олимларнинг илм-фанга, ислом маданиятига кўрсатган хизматлари алоҳида таъкидланган.

**6. «ан-Наводир ал-фиқҳийа»** («Нодир фиқҳий масалалар»). Ҳанафийлик мазҳабига оид фиқҳий ривоятларнинг «Наводир» даражасига оид фиқҳий қарашлар ўз ифодасини топган. Мазҳаб асосчилари томонидан «зоҳири ривоят» номли асарларга киритилмаган масалалар тўпламларига «Наводир» номи берилган.

**7. «Ихтилоф ал-уламо»** («Олимлар ихтилофлари»). Мазкур асар қиёсий мазҳабшуносликка оид илк асарлардан бири бўлиб, ҳанафийлик, шофеъийлик, моликийлик ва ҳанбалийлик фиқҳий қарашларининг фарқлари кўрсатиб берилади.

**8. «Таърихи кабийр»** («Катта таърих»). Мазкур асар ҳадисшуносликка оид бўлиб, ҳадис ровийлари ҳақида сўз юритилади.

**9. «ар-Радду ъала Аби Убайда»** («Абу Убайдага раддия»). Абу Убайда Муаммар ибн ал-Мусанно (728-823) хорижийларнинг олимларидан бўлиб, «ал-Масолиб» («Нуқсон ва бўҳтонлар») номли асарида араб қабилаларининг келиб чиқиши ҳақида сўз юритган. Унинг баъзи фикрларига Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимаҳуллоҳ раддия ёзганлар.

**10. «Ақидат ат-Таҳовия»** («ат-Таҳовийнинг ақидаси»). Ақида матнига оид кичик ҳажмли рисола. Улуғ муҳаддис олим Имом ат-Таҳовий раҳматуллоҳи алайҳ бу асарини ақоид илмига фалсафий қарашлар аралашиб турли чигалликлар пайдо бўлган даврда ёзган. Муаллиф бу асарни ёзишда оммага фалсафий қарашлар аралашмаган Аҳли сунна вал-жамоанинг соф ақидасини баён қилиб беришни мақсад қилган. Муаллиф ушбу матнни "Ақида" деб номлаган. Кейинчалик "ат-Таҳовий" нисбати қўшилган ва "Ақидатут Таҳовий" номи билан машҳур бўлган. Имом ат-Таҳовий ҳам, имом Мотуридий ҳам бир даврда яшаб ўтишган. Ҳатто туғилган саналари ҳам таҳқиқларга кўра бир ё икки йил фарқ бўлмаса, деярли бир йилда (Таҳовий 239, Мотуридий 240 ҳижрий йиллар атрофида) туғилган. Аммо бир-бирларидан жуда узоқда Имом Таҳовий Мисрда, Имом Мотуридий Мовароуннаҳрда ҳанафия мазҳабининг тараққий этишига хизмат қилган.

"Ақийдатут Таҳовия"га уламолар шарҳ ва таълиқлар ёзган. Балки асар "Ақидатут Таҳовий" асари бошқа матнлардан унга энг кўп шарҳ ёзилгани билан ажралиб туради. Жумладан, Али ибн Муҳаммад Азроъий Дамашқийнинг (ваф. 792/1390) шарҳи, Маҳмуд ибн Аҳмад Ҳанафийнинг (ваф.770/1369) шарҳи, Абу Абдуллоҳ Маҳмуд ибн Муҳаммад Фақиҳий Ҳанафийнинг шарҳи, Қози Сирожиддин Умар ибн Исҳоқ Ҳиндий Ҳанафийнинг (ваф.733/1333) шарҳи, Холид ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муслиҳнинг шарҳи, Муҳаммад ибн Алоуддин Али ибн Муҳаммад ибн Абул Из Ҳанафий Дамашқий "Шарҳу ақидатит Таҳовий" номли шарҳи, Шайх Маҳмуд Тарозий Фарғоний Маданий ўзининг "Ан-Назмул Ҳовий ли ақидатут Таҳовий" номли асарида назм шаклида шарҳлаган. Бу китоб бир неча марта чоп этилган.[52]

11.**«Мушкил ал-асор»** («Асарларнинг қийини»). Мазкур асари муаллифнинг «Маоний ал-асор»ининг қайта ишланган, кенгайтирилган варианти ҳисобланади. Ушбу асар "Мухтасари ат-Таҳовия" номи билан машҳур фиқҳ

[52] Мустафо ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳанафий Ҳожи Халифа. "Кашф аз-зунун ъан асмо ал-кутуб ва-л-фунун". Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981. 2-ж, 231-б.

бўйича мухтасар китоб бўлиб, бир қанча шарҳлар ёзилган. “Шарҳи жомиъус-сағир”, “Шарҳи жомиъул-кабир”, “Шурутул-кабир”, “Шурутус-сағир”, “Ал-Васаё ва-л-фароиз”, “Маноқибу Аби Ҳанифа” – Абу Ҳанифа ҳақида ёзилган, “Ан-Наводирул-фиқҳия” ва бошқа асарлардан иборат. Бу китоб ат-Таҳовийнинг ҳадис бўйича ёзилган сўнгги асаридир.[53]

«Шарҳ маъоний ал-осор»га кўплаб уламолар шарҳлар ёзганлар. Чунончи, Абу Муҳаммад Бадриддин Маҳмуд ибн Муҳаммад ал-Айний (ваф. 800 ҳ.) бўлиб китоб номи "Мағонил ахёр фий рижали Маъонил осор", яна бири Қосим ибн Қутлубғо ҳанафий (ваф. 879 ҳ) бўлиб китобнинг номи Ал-ийсор бирижоли Маъонил осор деб номланган.[54]

Ҳадис, фиқҳ, тафсир ва ақида илмлари эгаси Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовий ҳадис илмларини тадқиқ қилиш ва улардан далиллар олишда ҳанафий мазҳабининг етук намоёндаси ҳисобланади. Бу борада алломанинг “Шарҳу маъонил-осор” асари ҳадис, фиқҳ илмини очиб беришда, бир-бирига зоҳирий кўринишда қарама-қарши бўлган ҳадисларни орасини жамлаб баён этишда юқори ўрин тутади.

Ушбу китоб ҳанафий мазҳабининг далилларини очиб берувчи қимматли манбалардандир. Мазҳабга отилаётган “осҳоби раъй”, деган таъна тошларини қуруқ туҳмат эканини исботлаб берувчи китоблардан биридир. Шунингдек, ислом динига нисбатан айрим танқидий қаровчилар ва етарли диний билимларга эга бўлмаган шахслар томонидан Пайғамбарнинг сўзлари, ишлари ўртасида зиддиятлар бор, дейдиганларга раддия сифатида ҳам муҳим ўрин тутади.

“Шарҳу маъонил-осор” асарининг ёзилиш услуби ўзига хос бўлиб, Таҳовий асарни таълиф қилишда бир юз ўн тўққиз устозидан ривоят қилган ҳадислардан фойдаланган. Буларнинг орасида энг кўп ҳадис ривоят қилган устозлари Юнус ибн Абдулаъло бўлиб, саккиз юз етмиш еттита ҳадис ривоят

---

[53]Мустафо ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳанафий Ҳожи Халифа. “Кашф аз-зунун ъан асмо ал-кутуб ва-л-фунун”. Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981. 2-ж, 231-б.

[54] Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Таҳовий «Шарҳ маъоний ал-осор». Дорул кутубул илмия, 1-ж, 3-б.

қилиб келтирган. Лекин Таҳовий бу асарида ривоятини келтирмаган устозлари ҳам борлигини унутмаслигимиз лозим. Зеро унинг устозлари бир юз ўн тўққизтагина бўлмагани маълум.

Муҳаддис Бадриддин Айний (ваф. 855/1451 й.) ўзининг "Нухоб ал-афкор" китобида Таҳовийнинг "Маъонил-осор" асари борасида шундай зикр қилади: "Таҳовийнинг асарлари ўзгача услубда, фойдаларга бой тарзда битилган китоблар сарасига киради. Хусусан, алломанинг "Маъонил-осор" асарини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу асарга эътибор бериб қараган ўқувчи асарнинг ҳадис илмига оид асарлар орасида ҳадислар эътибордан энг қувватлиси, далиллар жиҳатдан кучлиси эканига гувоҳ бўлиш қийин эмас. Бунинг бирдан бир сабаби эса асар ўта синчковлик билан далилларни ўрганиш ва ҳадислар қарама-қаршиликларига барҳам беришда "жамъ", "насх", "таржиҳ " ва бошқа шу каби услублардан моҳирона фойдаланишдир".

Ҳаттоки Ибн Ҳазм ушбу асарни Имом Моликнинг "Муватто" асаридан устун қўйган. Имом Заҳабий "Тазкиратул ҳуффоз" асарида Ибн Ҳазмнинг сўзларини келтиради: "Таъзимга лойиқ китоблар аввал икки саҳиҳ тўплам, Саид ибн Саканнинг "Саҳиҳ"лари, Ибн Жоруднинг "Ал-мунтақо" асари, Қосим ибн Асбағнинг "Ал-мунтақо" асари, Таҳовийнинг асарлари...".

Бир қанча муҳаддислар "Шарҳу маъонил-осор" асарига шарҳлар битганлар. Жумладан:

1. Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Аҳмад Боҳилийнинг (ваф. 314/926 й.) "Шарҳу маъонил-осор" номли шарҳи;

2. Абдулқодир ибн Муҳаммад Қурашийнинг (ваф. 775/1373 й.) "Ал-Ҳовий фий баяни асари Таҳовий" асари. Ушбу асарда муаллиф ҳадисларни олти саҳиҳ ҳадислар тўпламидан тахриж қилганлар;

3. Маҳмуд ибн Аҳмад Бадриддин Айнийнинг (ваф. 855/1451 й.) "Мабанил-ахяр фий Шарҳу маъонил-осор" номли асари;

4. Маҳмуд ибн Аҳмад Бадриддин Айнийнинг (ваф. 855/1451 й.) "Нухаб ал-афкор фий танқиҳи Мабани ал-ахяр" асари;

5. Абулфазл ибн Наср ибн Муҳаммад ад-Дуҳустонийнинг “Шарҳу маъонил-осор” асари;

6. Ҳофиз Абу Муҳаммад Манбажий (ваф. 686 ҳ.) ҳам ушбу китобга шарҳ битганлар.

Ҳар бир манбанинг ўзига хос хусусиятлари бўлгани каби Таҳовийнинг ушбу асари ҳам ўзига хос хусусиятга эга, уларни қуйидагилар билан кўрсатиш мумкин:

1. Ҳадис мушкилларини ечиш ва қарама-қаршиликларига барҳам бериш туркумида ёзилган Шофеъий (ваф. 204/820 й.) ҳамда Ибн Қутайбаларнинг (ваф. 270/883 й.) асарларида учратиш қийин бўлган ҳадисларни саралаб келтирилгани;

2. Асарда келтирилган ровийлар иснодларини энг ишончлиги бир неча йўллар орқали олингани. Зеро бу турдаги асарларда заифривоятлар ҳам келтирилиб, бошқа томондан қувватланиши кузатилади ёки бунинг акси. Баъзида эса ривоятлар заиф иснодларнинг кўпайгани боис далил қилиб келтиришга яроқли бўлишини учратиш мумкин.

3. Ровийлар бир-биридан эшитиш йўли билан ривоят қилганлари, бошқа асарларда эса мудаллас йўли билан қилинган ривоятлар ҳам мавжудлиги;

4. Ҳадисларнинг барчаси иснoди муттасил ёки марфуъ эканлиги;

5. Мубҳам исмларни аниқ номлаш, ўхшашларни аниқлаш, мужмал, қисқа тарзда келтирилган ҳадисларни баёнлаш. Ҳадислар тарихи, сабабларини келтириш, ровийлар силсиласини саҳобийга бир неча марта қайта-қайта боғлаш;

6. Бу турдаги асарларда қисқагина келтирилган ҳадисларни тўлиғини келтириш, умумий қилиб келтирилган ривоятларни қайдлаш;

7. Ривоятларни саҳобийлардан, тобеъинлардан, улардан кейинги имомлардан ва ўз замонасининг кўзга кўринган олимлардан нақл қилиш;

8. Фиқҳга оид масалани бошлаб, унга доир ҳадисларни келтириб, қандай ҳукмлар чиқишини қисман баён қилиш;

9. Ҳар бир боб фиқҳий масала билан номланган ва бу билан ҳадисдаги нозик истинботга ишора қилиш;

10. Асар фиқҳий китоблар тарзида тартиблангани ҳамда ўша масалага доир ҳадислар келтириб, муносиб тарзда боғланиши, қолаверса, масала атрофидаги ҳадисларни ҳам баён қилиниши каби бир неча хусусиятларга эга эканини келтириш мумкин.

“Шарҳу маънил-осор” асарида 7467 та ҳадис борлиги аниқланди. Такрорсиз 4000 дан ошишини кўришимиз мумкин. Буларнинг барчалари мўътамад, бирор бир заифлик йўқ бўлган ҳадислар ҳисобланади.

## АБДУЛЛОҲ СУБАЗМУНИЙНИНГ “МУСНАД”И

IX-X асрларда Мовароуннаҳр ўлкасида ҳадисшуносликнинг шаклланиши, тараққий қилишига улкан хисса қўшган олимлар қаторида муҳаддис ва фақиҳ Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис ибн Халил Имом Ҳофиз Абдуллоҳ Субазмуний Ҳорисий Калободий (258–340 ҳ./872–952 м.) алоҳида ва ўзига хос ўринни эгаллайди.

Абу Ҳафс Насафий (ваф. 1142 й.), Абдулкарим Самъоний (ваф. 1167 й.), Абдулқодир Қураший (ваф. 1373 й.), Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1887 й.), Ибн Қутлубуғо (ваф. 1475 й.), Ҳожи Халифа (ваф. 1609 й.), Абдулҳай ибн Имод Ҳанбалий (ваф. 1679 й.) каби олимларнинг асарларида Имом Абдуллоҳ Субазмуний, унинг илмий мероси ҳақида қисқача маълумотлар берилган, холос.

Нажмиддин Умар Насафий (ваф. 1142 й.) «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» асарида Субазмуний 258 ҳижрий/872 милодий йили рабиул охир ойи чоршанба куни таваллуд топган, деб ёзади.

“Субазмуний” нисбаси туғилган жойи номидан олинган. Бу ном манбаларда турлича, масалан, “Субазйун”, “Сабазмун”, “Сабзамун” тарзида ҳам учрайди. Алломага деярли замондош олим Абдулкарим Самъонийнинг «Ал-Ансоб» асарида “Субазмун” деб аталган.

Бухоронинг Арабон даҳасида хонақоҳ услубидаги бир масжид бор. Ҳозиргача сақланган ушбу масжидни Имом Абдуллоҳ Субазмуний қурдирган ва у «Абдулло Сафедмўйи масжиди» номи билан атаб келинмоқда. Бухоро шаҳрининг 6-мавзеида «Ҳожа Абдулло Сафедмўйи» номли мозор ҳам бор.

Абдуллоҳ Субазмуний тиришқоқлиги боис фақиҳ, муҳаддис, тилшунос олим бўлиб етишади. У ўз даврида кўплаб ҳадислар биладиган катта шайх саналган. Сарой аҳли ундан доимий равишда маслаҳатлар олиб турарди. Унга «Устоз» лақабини берганлар. Илм-фанга ташна фақиҳ Хуросон, Ироқ ва Ҳижоз шаҳарларига саёҳат қилганидан «Ал- Жаввол» (жаҳонгашта, саёҳатчи) номини ҳам олган.

Машҳур муҳаддис Валиййуллоҳ Деҳлавий (1703-1762) «Шамсул аимма Ҳилвоний, Абу Али Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмуний «асҳоб ал-вужуҳ» («эътиборли кишилар») тоифасидан бўлиб, ҳанафий фақиҳлари доимо уларга таяниб иш кўрадилар», деган.

Абдуллоҳ Субазмунийнинг муҳаддис устозлари орасида ҳофизлар, айниқса, ҳанафий мазҳаби ҳадис илмининг ривожланиши ва кенг ёйилишида алоҳида хизмат кўрсатган уламолар кўпчиликни ташкил этади.

Аллома сафарлари давомида нафақат ҳанафий олимлар, балки бошқа мазҳаб вакилларидан ҳам ҳадислар эшитиб, яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилган. Бу фикрга унинг асарларида Имом Молик ибн Анас (ваф. 795 й.), Имом Шофиъий (ваф. 820 й.) ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 855 й.) каби мазҳаббошилар орқали ривоятлар келтиргани яққол далил бўла олади.

«Кашф ал-осор» асаридаги маълумотларга таяниб, Абдуллоҳ Субазмуний уч юз йигирма нафар ровий-устоз (шайх) орқали Имом Абу Ҳанифага бориб боғланишини алоҳида таъкидлаш зарур.

Абдуллоҳ Субазмуний яшаган даврда ҳадисларни отадан-болага, авлоддан-авлодга узатиб, ривоят қилиш анъанага айланган эди. Бунда ҳадис уламолари бошланғич билимни ўз оталари ёки боболаридан олар эдилар.

Субазмунийнинг асаридаги ривоятлар иснодида отаси ва амакисининг исмлари кўп учраганидан биринчи устози отаси – Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис бўлган деган хулоса келиб чиқади. Бу алломанинг ҳадис билимдонлари оиласида ўсиб камол топганига далил бўлади.

Олимнинг отаси Муҳаммад ибн Яъқубнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳақида маълумот йўқ. Лекин у «Кашф ал-осор»да Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Сағир Бухорий (ваф. 876 й.) ва Абу Тоҳир Асбот ибн Ясаъ Бухорийлардан (IX аср) кўп ривоят қилгани ҳақида далиллар учрайди.

Олимнинг яна бир устози – амакиси Жаброил ибн Яъқуб ибн Ҳорис ҳисобланади. Имом Субазмуний "Кашф ал-осор" асарида ундан кўплаб ривоятлар келтиради.

Имом Субазмунийнинг устозларидан яна бири Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Сурайж ибн Ҳужр ибн Фазл ибн Тоҳмон Шайбоний Бухорийдир (ваф. 919 й.). У Абу Абдурраҳмон ибн Абу Лайс Бухорий номи билан шуҳрат топган, ишончли ровий, тақводор инсон фиқҳ олимларидан бири эди.

Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳотам ибн Ҳаммод ибн Абдурраҳмон Сикижкасий Бухорий (ваф. 927 й.) ҳам олимнинг устозларидан бўлгани айтилади.

Табақот йўналишидаги асарларда Абдуллоҳ Субазмуний ҳадис ривоят қилган ёки ҳадис эшитган кўплаб алломаларнинг номлари зикр этилган. Уларнинг аксариятини бухороликлар ташкил қилса-да, «Кашф ал-осор» асарида термизлик ровийларнинг номлари ҳам зикр этилган.

Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (ваф. 972 й.), Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Ҳамдон ибн Муҳаммад ибн Нуҳ Муҳаллаби Хатиб Бухорий (ваф. 1005 й.), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ҳамдон Хатиб Муҳаллаби, муфтий Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мусо Миғий (Манғий)ни Абдуллоҳ Субазмунийнинг шогирдлари бўлган.

Манбаларда Абдуллоҳ Субазмунийнинг бир неча асарлар муаллифи экани қайд этилган. Бироқ ҳозирда унинг икки асаригина маълум. Бири «Муснад Аби Ҳанифа» ёки қисқача – «Муснад», иккинчиси «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа», қисқача – «Кашф ал- осор» деб юритилади. Бироқ «Муснад Аби Ҳанифа»нинг Ўзбекистондаги нусхалари ҳақида маълумот йўқ.

«Муснад» асарини кейинчалик бошқа ҳанафий муҳаддислар қайта ишлашган. Мусо ибн Закариё ибн Иброҳим ибн Муҳаммад Хасфакий (Ҳаскафий) Қозий Садруддин (ваф. 1252 й.) буюк аждодимизнинг асарини мухтасар ҳолатга келтирган. Бу асар қўлёзмаси Азҳар университети кутубхонасида «инв. № 311832» рақами остида (176 варақдан иборат) сақланади ва «Ҳофиз Абу Муҳаммад ал-Ҳорисий муснади» деб аталади.

Ушбу «Муснад»нинг мухтасарида беш юздан ортиқ ҳадис бор. Уни «Синдий муснади» деб ҳам аташади. Бу асарга Али Қорий ёзган шарҳни биринчи марта Ҳиндистонда 1894 йили Ҳаравий нашр эттирган. Синдийнинг ўзи ҳам асарга «Ал-Маваҳиб ал-латифа фил ҳарам ал-Маккий би шарҳ Муснад ал-имом ал-Хасфакий» («Имом Ҳасфакий муснади шарҳи билан Макка ҳарамига латиф совға») номи билан шарҳ ёзган.

Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Масъуд Жамолуддин Қунёвий Дамашқий (ваф. 1369 й.) ҳам Абдуллоҳ Субазмунийнинг асарини мухтасар қилиб, «Ал-Муътамид мухтасар ал-Муснад» («Муснаднинг мухтасарига таянч») деб номлаган. У асарни фиқҳий масалалар тартибига кўра ўттиз уч бобга бўлиб, сўнгра уни «Ал-Мустанид шарҳ ал-Муътамид» («Муътамиднинг шарҳига таянч») номи билан шарҳлаган.

Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Муснад» асари кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Шундай бўлса-да, Имом Субазмуний «Муснад»ини замондош олимларимиз ҳам тадқиқ қилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, Синдий асарида зикр этилган, ровийларни чуқур ўрганиш юртимиздан етишиб чиққан ҳанафий муҳаддислар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

# V БОБ. ЖАМОЛИДДИН ЗАЙЛОИЙ ВА УНИНГ “НАСБУ-Р-РОЯ” АСАРИ

Жамолиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Муҳаммад аз-Зайлоий ал-Ҳанафий ал-Мисрий (?, Зайло (ҳозирги Сомалидаги шаҳар) – 762/1360, Қоҳира, Миср) аҳли сунна вал жамоанинг ҳадис жумладан, унинг маънолари, ровийларининг исмлари, матнлари, ривоят йўллари илми уламоларидан.

Имом Зайлоий Мисрда яшаб кўплаб устозлардан фиқҳ ва ҳадис илмларини чуқур ўрганган, тариқат йўлини тутган уламолардан бўлган. Бу зот ҳадислар тахрижидаги моҳирлиги ва уларнинг фиқҳий далилларини баён қилишда ҳолислиги билан машҳур бўлган. Ҳадисларни Абдуллатиф Ҳарронийнинг бир гуруҳ шогирдларидан ва яна “Муснидул Искандария” лақабини олган Шиҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Футуҳ ат-Тажибий, “Фақиҳул Қоҳира ва Искандария” Шиҳоб Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қайс ал-Ансорий, “Шайхуш Шофеий” Шамс Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Адлан, Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳибатуллоҳ ибн ал-Бурий ал-Искандарий каби муҳаддислардан эшитган.[55]

Тақийиддин Абу Бакр ат-Тамимий ўзининг “Табақоту-с-суннийя” асарида Имом Зайлоий ҳақида шундай дейди: “У илм ўрганиш билан машғул бўлиб, кўплаб фазилат соҳиб муҳаддислардан ҳадис эшитди. “Канзу-д-дақоиқ” асарини шарҳлаган Фаҳриддин Зайлоий, қози Аловуддин Туркманий ва бошқалар қўлида илм ўрганди. То “Ҳидоя” ва “Кашшоф”нинг ҳадисларини тахриж қилгунича ҳадис китоблари мутолаасини ўзига лозим тутди”.[56]

Яъни, Жамолиддин Зайлоий “Ҳидоя” ва “Кашшоф” асарларидаги ҳадисларни тахриж қилишдан олдин бир қанча фақиҳ ва муҳаддислардан

[55] Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлоий. “Насбу-р-роя ли аҳадисил Ҳидоя”. Муҳаммад Аввома таҳқиқи, Муассасату ар-райян, Байрут, Ливан. 1997. - Б. 5.
[56] Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлоий. “Насбу-р-роя ли аҳадисил Ҳидоя”. Муҳаммад Аввома таҳқиқи, Муассасату ар-райян, Байрут, Ливан. 1997. - Б. 6.

таълим олган. Улардан бири Фахриддин Зайлоий бўлиб, бу зот муфассир, муҳаддис, фақиҳ Абул Баракот Насафийнинг (?, Насаф – 1310, Бағдод) “Канзу-д-дақоиқ” номли фиқҳга доир асарига “Табйину-л-ҳақоиқ фи шарҳи Канзу-д-дақоиқ” номли шарҳ ёзган.

Қози Аловуддин Туркманий ҳанафий мазҳаби усулчи, фақиҳ олими бўлиб, бундан ташқари ҳадис ва луғат илмларида ҳам моҳир билимдон бўлган. У зотдан бир қанча асарлар мерос қолган. “Ал-Мунтаҳаб”, “Китабу-л-муъталиф ва-л-мухталиф”, “Китабу-д-дуафа ва-л-мутрокийн”, “Китабу баҳжати-л-арииб” шулар жумласидан.

Кўриниб турибдики, имом Зайлоий ўз даврининг етук фақиҳ ва муҳаддисларидан фиҳқ ва ҳадис илми сир асрорларини чуқур ўрганган. У зотнинг китоб ёзиш жараёнида кўрсатган олимларга хос фазилатларидан бири илм эгалари билан маслаҳат қилиши ва камтарлиги. Жумладан, Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг “Фи дурару-л-каамина” асарида айтади: “Шайхимиз Ироқий менга Зайлоий у билан ҳадис китобларни ўқиш ва китоблардаги ҳадисларни тахриж қилишда ўзаро ҳамкор бўлганларини айтган”. Ибн Ҳажар шунингдек, Ҳофиз Ироқий Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Иҳёу улуми-д-дин” асари ҳадисларини ҳамда Имом Термизий “Сунан”нинг бобларида келтирган ҳадисларни, Имом Зайлоий эса Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” ва Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асарларидаги ҳадисларни тахриж қилганларини ва бу ишда ҳар иккиси бир-бирларига ёрдам берганликларини айтиб ўтган.

Жамолиддин Зайлоийнинг дўсти, Ибн Ҳажар Асқалонийнинг устози Ҳофиз Зайниддин Абул Фазл Абдурраҳим ал-Ироқий аш-Шофеий (725/1325, Эрбил, Ироқ – 806/1403, Қоҳира, Миср) ҳадис илми олимларидан ҳисобланади. Бу зот имом Зайлоийдан ҳам табақа ҳам ёш жиҳатидан кичик бўлсада, Зайлоий у билан тахриж ишида доим маслаҳатлашган ва билмаган ўринларида савол сўраб мурожаат қилган. Бу унинг ҳадис илмида моҳир бўлганини кўрсатади.

Зоҳид Кавсарий айтади: “Зайлоий табақада Ироқийдан устундир. Ҳадислар тахрижида унинг Ироқийни шерик тутиши унинг чиройли ҳулқ эгаси ва камтар инсон бўлганига далолат қилади. У зотнинг тахрижлари унинг ҳадис илмларида жумладан, унинг маънолари, ровийларининг исмлари, матнлари, ривоят йўлларида олимлигига ва билимдонлигига ёрқин далилдир. Аллоҳ анашу илмларда манфаатланишни ва уларнинг асарлар оша ҳадис илми аҳллари қўлида айланиб юришини бу кишига ризқ қилиб берган.... Бу киши яна мазҳабий таассубликдан узоқ эди. Ривоятларни шундай тўпларди, баъзида кўп гапираладиган жойларда ҳам гапирмай ўтиб кетаверарди”.[57]

Зоҳид Кавсарий юқоридаги гапларни кўплаб шофеий муҳаддисларга, айниқса, уларнинг мутааххир байроқдори ҳофиз Ибн Ҳажарга тегиштириб айтаётгандай. Чунки Ҳофиз Ибн Ҳажар Ҳофиз Зайлоийнинг айни тескарисидир. У кўп ўринларда ҳанафийларнинг ҳаққига адолатсизлик қилган, гапириш лозим бўлмаган жойларда гапириб ўтган. Унинг яна бир одатларидан бири шуки, айниқса, “Фатҳу-л-Борий”да ҳанафийларни қўллаб-қувватловчи маълум бир ҳадисни билиб туриб ўз бобида ташлаб кетади. Сўнгра ўша ҳадисни ўз ўрни бўлмаган жойда келтириб қўяди. Буни Ҳанафийлар фойдаланиб қолмасин учун қилган.

Имом Зайлоий мутаассибликдан йироқ, ҳақиқатни яширмайдиган, мухолифларнинг фикрларини ҳам ҳурмат қилувчи инсон эди. Шу ўринда ўз асрининг имоми, шайх Муҳаммад Анвар Кашмирийнинг имом Зайлоий ҳақида айтган гапларига эътибор қаратилса, у айтадики: “Ҳофиз Жамолиддин Зайлоий ҳофиз муҳаддисларнинг энг катталаридан, илм ва ҳадис денгизларидан бўлгани каби нафсларини мужоҳада ва ҳилватга ўргатган, қалбларини ёмонлик ва шаҳватлардан поклаган тасаввуф шайхларидан ҳам эди. Уни ўз мазҳабига ҳеч нарсада мутаассиблик қилмаслигини, аксинча,

[57] Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлоий. “Насбу-р-роя ли аҳадисил Ҳидоя”. Муҳаммад Аввома таҳқиқи, Муассасату ар-райян, Байрут, Ливан. 1997. - Б. 7.

мухолифларни ҳурмат қилиб, уларга ўта адолат билан муносабатда бўлишини кўрасан. Бу ўз нафсини поклашнинг аломатларидандир”.[58]

Муҳаммад Аввома айтади: “Устоз Кавсарий менга буни ифодалаб бердики – “Имом Зайлоий асарлари Таҳовий ёзган “Маония-л-осор”нинг мухтасаридир. У Ал-Азҳардаги “Ровақул атрок” ва Истанбулдаги “Кўпрулу” кутубхонаси сақланмаларидандир”.

Юқорида ўз асрининг энг етук муҳаққиқ уламолари жумладан, Тақийиддин Абу Бакр Тамимий, Ибн Ҳажар Асқалоний, Зоҳид Кавсарий, Анваршоҳ Кашмирий, Муҳаммад Аввомаларнинг имом Зайлоий ҳақида билдирган фикрлари келтирилди. Уларнинг сўзларидан шу нарса ҳулоса қилинадики, имом Зайлоий фикри теран, нафси пок, қалби кўзи очиқ, илмни ҳолис етказувчи олим бўлган.

Олимнинг вафот этган санаси борасида ихтилоф йўқ. Жумладан, Ибн Ҳажар, Ибн Фаҳд, Суютий, Тамимий ва Кафавий каби уламолар у зотнинг дунёни тарк этган куни 762 йил муҳаррам ойида деб айтганлар. Қоҳирада дафн қилинган, лекин, шундай катта олим, авлиё зотнинг таржимаи ҳолини ёзган табақот муаллифларидан бирортаси ҳатто авлиёларнинг мозорлари ва Қоҳирадаги солиҳ кишиларнинг қабрларини назорат қилувчи мутасадди ташкилотлар ҳам у зотнинг қабри қаерда эканини аниқ билишмайди.

Илмий мероси:

**1. الإسْعَافُ بِتَخْرِيجِ أَحَادِيثِ الْكَشَّافِ**

“Ал-Исъаф битахрижи аҳадисил Кашшаф”. Бу асарда Маҳмуд Замахшарийнинг Қуръони каримга ёзган машҳур тафсир асари “Ал-Кашшоф”нинг ҳадислари тахриж қилинган.

**2. نَصْبُ الرّايَةِ لِتَخريجِ أحَاديث الهِداية**

“Насбу-р-роя фи тахрижи аҳодисил Ҳидоя”. Имом Зайлоийнинг бу асари имом Бурҳониддин Марғилоний “Ҳидоя”да келтирган ҳадисларнинг санади ва ровийларини ҳадис китоблардан топиб чиқаришга бағишланган.[59]

---

[58] Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлоий. “Насбу-р-роя ли аҳадисил Ҳидоя”. Муҳаммад Аввома таҳқиқи, Муассасату ар-райян, Байрут, Ливан. 1997. - Б. 8.

Имом Бурҳониддин Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғилоний ҳижрий олтинчи асрнинг уламоларидан бўлиб, ҳанафий фиқҳига доир учта китоб таълиф қилган. Улар:

- "Бидоятул мубтади" ("Бошловчилар учун бошланғич таълим")
- "Кифоятул мунтаҳи" ("Якунловчиларга кифоя қиларлик таълим")
- "Ал-Ҳидоя фии шарҳи бидоятил мубтадий" ("Бошловчилар учун бошланғич таълим асарига шарҳ – Тўғри йўлга бошловчи китоб")[60]

Буларнинг ичидан "Ҳидоя" асари кўплаб олимларнинг қизиқишига сабаб бўлган ва унга бағишлаб бир қанча шарҳлар битилган. Шулардан бири "Насбу-р-роя фи тахрижи аҳадисил Ҳидоя" асаридир.

Маълумки, "Ҳидоя" соҳиби китобда ҳадиснинг фақат матнини келтирган бўлиб, уни ривоят қилган саҳобани ҳам муҳаддислардан қай бирлари ўз китобида келтирганини ҳам шунингдек, ҳадиснинг саҳиҳ ёки заифлиги назаридан ҳолатини ҳам зикр қилмаган. Ҳадисни баъзан тўлиқ баъзан эса маълум бир қисминигина келтиради. Гоҳида уларни очиқ-ойдин келтирса, гоҳида фақат ишора қилиб ўтади. Бу нарсалар Имом Бурҳониддин Марғилонийнинг танқид қилинишига сабаб бўлган эди.

Сўнг Имом Жамолиддин Зайлоий "Ҳидоя" ҳадислари устида изланишлар олиб бориб, қуйидаги ишларни амалга оширди:

- "Ҳидоя" ҳадисларининг барчасини – марфу, марфу бўлмаган, очиқ келган ёки ишора қилинган ҳадисларнинг барчасини ҳадис китоблардан аниқлаб чиқарган;
- "Ҳидоя"даги ҳадисларни жамлаш билан кифояланмасдан, балки уларга доир масалаларни, шунингдек, Бурҳониддин Марғилоний мавқуф ҳолда ривоят қилган ҳадисларнинг марфусини ва заиф ҳолда келтирганларининг ундан кўра кучлироғини қўшимча равишда келтириб ўтган;

---

[59] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. "Фиқҳий йўналиш ва китоблар". – Т.: «Hilol-Nashr», 2019. – Б. 194

[60] Бурҳонуддин Марғиноний. "Ҳидоя шарҳ бидоятил мубтади". – Т.: «Hilol-Nashr», 2020. – Б. 18.

- Ҳанафий мазҳаби далиллари билан чегараланмади. Балки, ҳар бир бобда ҳадисларни зикр қиларкан, уларни ҳанафийлардан бошқалар учун ҳам далил қилиб келтирган. Ҳадис бошқа мазҳаб ҳукмларини далилласада, уни қолдириб кетмасдан барча ҳолатларини баён қилган;
- Ҳадис имомларидан ким ўз китобида ҳадисларни келтирганини ва уларни саҳобалардан кимлар ривоят қилганини аниқлаб берган;
- Бу ҳадисларнинг ҳақиқати ёки мавжуд эмаслигини текшириб чиққан. Ҳадисларнинг саҳиҳ, ҳасан, заифлигини имомларнинг сўзлари билан ёки ўзининг ижтиҳоди билан муҳокама қилган; Ҳадис илмининг дироят, жарҳ ва таъдил, носих ва мансух каби илмларида сўз юритган;
- Зайлоий асарни ёзишда соф илмий, ўз мазҳабига мутаассиблик қилишдан ҳоли, шунингдек, бошқа мазҳабларни камситмайдиган усулни қўллаган.

Зайлоийнинг асарни ёзишда қўллаган усулига берилган берилган таърифларнинг энг ажойибини шофеий мазҳаби йирик уламоларидан бири Ибн Ҳажар Асқалоний айтган. Жумладан, Ат-Тамимий ўзининг “Табақот” асарида Ибн Адимнинг гапини келтиради. У айтадики, “Шайхул ислом, ўз даврининг ҳофиз муҳаддиси Шиҳобиддин Абул Фазл Аҳмад ибн Ҳажар Асқалонийнинг ўз қўли билан ёзган хатида шундай дейилганига гувоҳ бўлдим: “[Ҳофиз Зайлоий] “Ҳидоя” ҳадислари тахрижини ёзди ва унда “Ҳидоя” соҳиби зикр қилган ҳадислар билан бирга “Асл”даги осорларни ҳам қамраб олди. Уларнинг баъзи жойларига ишора қилиб ўтган. Ҳар бир бобда мухолифларнинг далилларини келтиришга ҳаракат қилган. Сўнг уларга қарши топган далилларини келтириб, уларга ҳеч нарсани қўшмади ва бунда жуда ҳам инсофли бўлди. Топган нарсасига бирон бир эътироз билдирмай

келтираверади ва унга тўғрисини эргаштирмайди ҳам. Натижада кўпчиликнинг унга бўлган қизиқиши ортди”.[61]

Буюк олим, муҳаққиқ тадқиқотчи шайх Муҳаммад Зоҳид Кавсарий ўзининг “Ҳошиялар” асарининг “Ибн Фаҳднинг ҳошияси” қисмида айтади: “Зайлоийнинг тахрижидан Ибн Ҳажар ўзи учун кўп фойдаланган”.[62]

Олим, муҳаққиқ шайҳ Абдулҳай Лакнавий “Фаввоиду-л-баҳийя” асарида айтади: “Зайлоийдан кейин келган “Ҳидоя” шориҳларининг барчаси унинг тахрижидан ёрдам олган балки Ҳофиз Ибн Ҳажар ўзининг тахрижларида жумладан Рофиийнинг “Шарҳу-л-важиз” ҳадислари тахрижида ундан жуда кўп фойдаланган”.[63]

Зайлоий ҳадисларни Имом Марғилоний “Ҳидоя”да келтирган тартибда тахриж қилган. Бир ҳадис “Ҳидоя”нинг қайси бобида келган бўлса, айни ўша боб билан “Насбу-р-роя”да келади. Шунга кўра, “Насбу-р-роя”да ҳадислар фиқҳий боблар тартибида жойлаштирилган. Шунингдек, Зайлоий у ҳадисларга “Ҳидоя”да келмаган, ҳанафийлар ёки бошқа мазҳабларнинг ҳукмларини далилловчи ҳадисларни ҳам қўшимча қилган.

Асарнинг афзалликлари:

- Кўплаб фойда ва нодир маълумотларни ўзида қамраган илмий манба;
- Ҳадисларни излаб топишда тадқиқотчига енгиллик берувчи фиқҳий бобларга кўра тартибланган;
- Муайян мавзуга доир бир неча ҳадисларни ушбу китобда жамланган, тахриж қилинган ва тадқиқ қилинган ҳолда топа олади.

“Насбу-р-роя” асари Ҳиндистоннинг “Ал-Мажлису-л-илмий” тадқиқот маркази ходимлари томонидан нашрга тайёрланиб, 1938 йил Қоҳирадаги

---

[61] Абдулмуҳди Абдулқодир Абдулҳодий. “Турууқу тахрижил ҳадис”. Мактабатул ийман, 2012. - Б. 223

[62] Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлоий. “Насбу-р-роя ли аҳадисил Ҳидоя”. Муҳаммад Аввома таҳқиқи, Муассасату ар-райян, Байрут, Ливан. 1997. - Б. 7.

[63] Абдулҳай Лакнавий. “Фавоидул баҳийя”. “Матбаатус са`да”, Миср, 1906. - Б. 229.

"Дору-л-маъмун" нашриётида чоп этилган. Бироқ бу китобда бир қанча хатолар учрайди.

Бугунги куннинг муҳаққиқ олимларидан бири Муҳаммад Аввома бу ҳинд нусхасини чуқур тадқиқ қилиб унда йўлга қўйилган хатоларни тўғрилаган, асарнинг қўлёзма нусхаларини қидириб топиб уларни қиёсий таҳлил қилган. Китоб 1997 йил Байрутдаги "Муассасату-р-райян" нашриётида чоп этилган.

## VI БОБ. БАДРИДДИН АЙНИЙНИНГ "УМДАТУЛ ҚОРИЙ" ВА "АЛ-БИНОЯ", ИБН ҲУМОМНИНГ "ФАТҲУЛ ҚОДИР" ҲАМДА ЗАБИДИЙНИНГ "УҚУДУЛ ЖАВОҲИР" АСАРЛАРИ

Абу Муҳаммад Бадриддин Айний ал-ҳанафий Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ҳижрий IX аср уламоларидан. Ул зот бир вақтнинг ўзида ҳам муҳаддис, ҳам муаррих (тарихчи), ҳам фақиҳ аллома бўлганлар. Боз устига, бутун мамлакатни оёқда тутиб турган давлат тизимларининг тизгинларини ҳам қўлларида ушлаб турганлари, алоҳида таҳсинга сазовор. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас, алломанинг ҳузурида шахсан Султон чўкка тушган ҳолида ўтириб давомли дарс олгани тарихдан маълум ва машҳур. Айниқса, Султон бу ҳоли билан бир умр фахрланиб юрган… Олим ва омил (амалиётчи) Айнийнинг фазилат қирралари булар билан ҳам чекланиб қолмаган.

Тўлиқ исми: Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Юсуф ибн Маҳмуд ал-Айнтабий ал-ҳанафий бўлиб, Бадриддин ал-Айний номи билан машҳурдир. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ҳижрий 762 йил рамазон ойининг 26 куни, Айнтаб шаҳрида туғилди.[64] Ал-Айнтабий деб туғилган жойига нисбат берилган, сўнг бу сўз енгиллаштирилиб "ал-Айний" бўлган. (Айнтаб – Антаб Туркиянинг жануби,

[64] Солиҳ Юсуф Маътуқ. Бадриддин ал-Айний ва асаруҳу фи ъилмил ҳадис. 5

Сурияning шимолида жойлаган шаҳар. Араблар, Салжуқийлар ва Усмонийлар ҳукмронлиги даврида шу ном билан аталган. Кейинчалик 1921 йил 8 февралда бу шаҳарга "Ғози, гази" сўзи қўшилиб, "Ғозиантаб, Газиантеб" деб номланадиган бўлди).[65]

Маҳмуд илмли, зиёли оилада дунёга келди. Отаси ва бобоси қози, боболаридан бири Ҳусайн ибн Юсуф Қуръондан таълим берувчи устоз бўлган. Отаси Аҳмад ибн Мусо ўғлининг илм олиши учун бор имкониятини ишга солди. Маҳмуд болалигидан Қуръони каримни тўлиқ ёд олди, ўқиш-ёзишни ўзлаштирди. Қуръоннинг етти қироатини таълим олди. Отаси ва бошқа шайхлардан ҳанафий фиқҳини ўрганди. Шаҳрининг бир неча уламоларидан мантиқ, араб тили, тафсир илмларини таълим олди. Бу илмларни пухта ўргангач, қозиликда отасининг ўринбосари бўлди.

Бадриддин Айний бу илмлар билан кифояланиб қолмади. Ҳижрий 783 йил, 21 ёшида Сурияning катта шаҳарларидан бири бўлмиш Ҳалабга (Алеппо) билимини ошириш учун йўлга отланди. У ерда Жамолиддин Юсуф ибн Мусо ал-Малатий каби етук олимлардан дарс олди, ундан ҳанафий фиқҳи китобларидан баъзиларини ўрганди. Оталари вафот этгани туфайли ҳижрий 784 йил яна юртига қайтди. Сўнг Баҳсан шаҳрига бориб, Валийюддин Баҳастонийдан, Каҳт шаҳрига сафар қилиб Алоуддин Каҳтавийдан, ундан сўнг Малатийя шаҳрига йўл олиб у ерда Бадриддин Кашшофийдан таълим олди.

Бадриддин Айний ватанига қайтиб, ҳаж фарзини адо этиш учун Маккаи Мукаррамага йўл олади. Макка ва Мадина шаҳарларида турган пайтида ҳам у ернинг олимлари билан учрашади, илм олади. Сўнг яна юртига қайтиб, ўзи ҳам дарс беришни бошлайди. Қўшни ўлкалардан кўплаб талабалар ундан таҳсил олиш учун келишади.

Ҳижрий 788 йили Маҳмуд ибн Аҳмад Фаластиндаги Байтул Мақдисга сафар қилади. У ерда асрининг етук олимларидан шайх Алоуддин ас-Сайромийни учратиб, унга шогирд тушади. Бу ҳақда Айнийнинг ўзи шундай

[65] Ал-Мавсуъатул ъаробийятул муяссаро. 2320.

ҳикоя қилади: “Шайх Алоуддин Қуддусга келганларида мен ҳам зиёрат учун борган эдим. Бу инсон ҳақида эшитиб юрардим, аммо ҳали кўрмаган эдим. У зот билан учрашдим ва илмда, ҳилмда инсонларнинг энг афзалини, энг яхшисини топдим. Шайх ҳазратларининг суҳбати мени Миср диёрларига бориб, у зотнинг хизматини қилишга, илм олишга ундади. Аслида ниятим зиёрат тугагач, шаҳримга қайтиш эди. Аммо бу инсонни кўргач фикримдан қайтдим. Қуддусда ўн кун туриб у зот билан Миср диёри томон йўлга тушдим ”.[66]

Шайх Сайромий Қоҳирага келганда, Миср султони Зоҳир Сайфиддин Барқуқ уни чиройли кутиб олади, унга иззат икром кўрсатади. Султон шайх Сайромийни ўзи янги барпо қилган, катта “Зоҳирия” мадрасасига устоз этиб тайинлайди. Алоуддин Сайромий ақлли, илмли шогирди Айнийни дарс беришда ўзига ёрдамчи қилиб олади.

Айний Қоҳирада қулай фурсатдан фойдаланиб, машҳур шайхлардан ҳадис илмини ўрганишга жидду-жаҳд билан киришади. Сирожиддин Балқиний, Зайнул Ироқий, Тақийюддин ад-Дажавий ва бошқа йирик устозлар қўлида имом Аҳмаднинг “Муснад”и, имом Дориқутний, имом Доримийларнинг “Сунан”лари, имом Бағовийнинг “Масобийҳус сунна”, имом Насаийнинг “Сунанул Кубро” ва бошқа асарларни таълим олади. Шу муддат асносида ҳижрий 794 йилнинг рабиъул аввал ойида Дамашқ шаҳрига бориб, у ердаги “Нурия”[67] мадрасасида Нажм ибн Кашшоф ал-Ҳанафийдан Саҳиҳул Бухорийни таҳсил олади.

Ҳижрий 790 йил шайх Сайромий вафот этади. Устози ўрнига Айний Зоҳирия мадрасасида дарс бера бошлайди. Аммо икки ойдан сўнг мадрасадан кетади. Ватанига қайтиб у ерда ёзаётган асарлари устида ишлайди. Унинг илм таҳсил олиши ва таълим беришидаги шижоати, куч-ғайрати атрофга ёйилади.

[66] Бадриддин Айний. Ақдул жумман фи тарихи аҳлиз заман. 26 жуз. 310-311
[67] Дамашқ шаҳрида ҳадис илмига асосланган, биринчи барпо қилинган мадраса бўлиб Нуриддин Занкий қурдирган. Ҳозирда бу мадраса жомеъ масжиди бўлиб, унда Нуриддин Занкийнинг қабри бор. Ан-Наъйимий. Тарихул мадаарис. 1 жилд. 99-114

Бироз муддатдан сўнг Айний яна Қоҳирага сафар қилади. Шаҳар аҳли ҳам, маъмурияти ҳам уни хурсандчилик билан кутиб олишади.

Бадриддин Айний Қоҳирада бир неча лавозимларга тайинланган… Ҳижрий 801 йилда ал-Макризийнинг ўрнига бош назоратчи этиб тайинланади. Бош назоратчи вазифасини ўташ даврида Айний шариат қонунларининг амалда қўлланилиши, бозорларнинг ҳолати, бозордаги молларнинг тўлиқлигини қаттиқ назоратга олар эди. Бозорлар тартибсиз ҳолга келиб, савдо молларида етишмовчилик кузатилганда, нархлар кўтарилиб кетган пайтларда султонларнинг ўзлари Айнийга бу вазифани ўзи бошқаришини сўраб мурожаат қилишган. Чунки унинг ҳалоллиги, холислиги ва бу ишга лаёқати борлигини билишар эди. Шунинг учун бу вазифага бир неча бор қайта тайинланар эди. Охирги тайинланиши ҳижрий 846 йилда бўлиб, 847 йилда бу вазифадан бутунлай кетади.[68]

Ҳижрий 819 йилда унга вақф нозири вазифаси топширилади (бу ҳозирги пайтда вақф вазирлигининг раиси вазифасига тўғри келади). Бу вазифада ҳижрий 853 йилгача, 34 йил хизмат қилади.

Ҳижрий 829 йилга келиб, Султон Бийбарс даврида ҳанафий қозиларининг каттаси этиб тайинланади. Қозилик вазифаси фақатгина шахсий ҳаётий масалалар билан чекланиб қолмаган. Балки уларга мурожаат қилинадиган ҳар қандай масала, у ҳоҳ жиноий иш бўлсин, ёки (маъмурий) фуқаролик иши бўлсин, юзага келган муаммони қози ҳал этиши керак эди. Шу билан бирга мусулмонларга намозларида имомлик қилиш, танга босиб чиқариладиган зарбхоналарда тангалар бутунлиги ва уларнинг вазнларини назорат қилиш ҳам қозининг вазифаси сирасига кирган.

Бадриддин Айний бу вазифаларнинг машаққати, қийинчилигига қарамасдан, таълим беришдан асло тўхтамади. Ҳижрий 818 йилда очилган “Муаййидийя”[69] мадрасасида ҳадис илмидан, “Маҳмудийя” мадрасасида фиқҳ илмидан таълим беради. Шу билан бирга тарих, нахв фанларидан ҳам

---

[68] Солиҳ Юсуф Маътуқ. Бадриддин ал-Айний ва асаруҳу фи ъилмил ҳадис. 70.

[69] Ҳижрий 819 йилда Подшоҳ Муайяд шайх қурдирган мадраса. Унинг исмига нисбат берилиб шу номни олган. Ҳозирда Мисрнинг машҳур ва катта масжидларидан бири.

дарс ўргатади. Натижада, унинг қўлида бир қанча илмли шогирдлар етишиб чиқди. Ҳанафийларнинг етук фақиҳ олимларидан бири Камол ибн Ҳумом, Шамсиддин Саховий, абу Фазл Асқалоний, Юсуф ибн Тағрий Бердий ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бадриддин Айний Миср султонларидан кўпи билан асрдош бўлган. Баъзилари билан ўрталарини мустаҳкам алоқа боғлаб турган. Айниқса, султон Бийбарснинг Айнийга нисбатан ҳурмати кучли бўлиб, ораларида муносабатлар мустаҳкам эди. Айний турк тилини яхши билиши бу алоқаларнинг ортишига ёрдам берди. Чунки Султон араб тилини яхши билмас эди. Айний кечалари бир неча соат Султонга шариат, фиқҳнинг нозик, тушуниш қийин бўлган ўринларини батафсил тушунтириб берар, диннинг кўплаб амрларини таълим берар, турк тилига таржима қилган тарих борасидаги асарини ўқиб берар эди. Султон Бийбарс устози Айнийнинг ҳузурида илм ўрганаётган ўқувчи бўлиб ўтиришидан асло уялмаган, балки доим бу билан фахрланган. Атрофидаги кишиларга ҳам: “Қози Айний бўлмаганида Исломимиз гўзал бўлмас эди”, деб очиқ-ойдин айтар эди .

Султон Бийбарс ўзига келадиган элчиларни кутиб олиш, қўшни ўлкалардан келадиган мактубларни таржима қилиш каби масъулиятли вазифаларни ҳам устози Айнийга топширади.

Бадриддин Айний фиқҳ, ҳадис, тарих, араб тили каби турли хил мавзуларда бир қанча асарлар таълиф қилган. Бу асарларнинг баъзилари бир неча жилдлардан ташкил топган. Улардан машҳурлари:

- “Умдатул қорий фи шарҳи саҳиҳил Бухорий”. Бу ҳадис илмида “Саҳиҳул Бухорий” асарига ёзилган шарҳларнинг энг каттаси. Бу шарҳни олим 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ёзган, 11 жилддан иборат
- “Ал-банаяя фи шарҳил ҳидая”. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” китобларига ёзган шарҳлари бўлиб, ҳанафий фиқҳида йирик китоблардан бири. Бу асар 13 йил давомида битилган, 10 жилддан иборат
- “Минҳатус сулук фи шарҳи туҳфатил мулук”

- “Рамзул ҳақоиқ фи шарҳи канзид дақоиқ”. Бу ҳам ҳанафий фиқҳида бўлиб, 2 жилддан иборат
- “Ақдул жумман фи тарихи аҳлиз заман”. Бу тарихга оид асар бўлиб, инсоннинг яралишидан то ҳижрий 850, милодий 1447 йилгача бўлган тарихий ҳодисаларни ўз ичига олган
- “Ас сайфу ал муҳаннад фи сийротил маликил муайяд”
- “Фароидул қалоид фи мухтасар шарҳиш шаваҳид”
- “Ар ровзуз заҳир фи сийротил маликиз зоҳир тотар”

Бадриддин Айний ҳижрий 814, Рамазон ойида мадраса ташкил этади.[70] Фиқҳ ва ҳадис илмини ўрганиш истагидаги талабаларини шу ерга жамлайди. Аксар китобларини толиби илмларга вақф қилади. Китобларидан қолганлари Миср дорул кутуб (кутубхонаси)га ўтказилади.[71] Бу мадраса кўп йиллар толиби илмлар учун бошпана бўлди. Азҳар университетининг баъзи уламолари шу ерда таҳсил олишди.[72] Ҳозирда ушбу жой масжидга айланган.

Бадриддин Айний 93 йил умр кўради ва ҳижрий 855 йил Зулҳижжа ойида оламдан кўз юмади. Эртаси куни Азҳар жомеъасида улкан жамоат билан жанозаси ўқилади ва ўз мадрасаларига дафн қилинади.

Одатда ўтган инсонлар ҳаёти жорий ва келажак авлод учун ибрат, сабоқ олиш илинжида ўрганилади. Битта одамнинг елкасида бунчалик оғир ва машаққатли вазифалари бўла туриб, яна илм билан шуғулланиши, бебаҳо асарлар битиб, инсоният маданий ҳаётига бемисл ва бетакрор мерос қолдириши жуда ибратомуз, албатта. Ҳозирги пайтда бу инсонларнинг бажарган ишларини бир нечта киши ҳам адо эта олмаслиги, ажабланарли ҳол.

Тарихни ўқир эканмиз, ислом оламида бу каби улуғвор шахслар саноқли бўлмаганининг гувоҳи бўламиз. Ўрганган сари бугунги тараққий этган дунёнинг ушбу аждодлар олдида нақадар қарздор эканлигини сал бўлса ҳам ҳис қилишимизга имкон пайдо бўлади. Тараққиёт буюкларнинг фақат

[70] Солиҳ Юсуф Маътуқ. Бадриддин ал-Айний ва асаруҳу фи ъилмил ҳадис. 81.
[71] Солиҳ Юсуф Маътуқ. Бадриддин ал-Айний ва асаруҳу фи ъилмил ҳадис. 81.
[72] Саъадат Али Пошо Муборак. Ал-Хутотут тавқифия ал-жадида ли мисрил қоҳиро. 2 жилд. 260

илмини олиб, маънавиятини, одобини, инсонийлигини, ғайрату шижоатини олмаслиги эса афсуслантиради, мижжаларни намлантиради.

## Ибн Ҳумомнинг “Фатҳул Қодир” асари

Имом Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ҳанафий мазҳабида ўта юксак қадрланадиган асар ҳисобланади. “Ҳидоя” асарига жуда кўплаб шарҳлар ёзилган бўлиб, бу шарҳлар орасида “Фатҳул Қодир” асари энг мўътабар шарҳ деб айтсак, муболаға бўлмаса керак. Ушбу шарҳнинг муаллифи бўлмиш Камол ибн Ҳумом ислом оламида ўз замонасининг буюк олимларидан бири ҳисобланади. Бу зот ҳанафий мазҳабининг энг кўзга кўринган фақиҳларидан ҳисобланадилар. У зотни таржиҳ аҳлидан ва ҳатто мужтаҳид ҳам дейилади.

Бу зотнинг тўлиқ исмлари Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Абдулҳамид ибн Масъуд Камол ибн Ҳумом асли Севасий сўнгра Қоҳирий Ҳанафийдир. Камол ибн Ҳумом ҳижрий 790-йили Мисрнинг Искандария шаҳрида қозилар оиласида таваллуд топдилар. Ёшлик чоғларида илм талабида Қоҳирага борадилар ҳамда Қуръони карим ва бир неча матн китобларини ёд оладилар. Сўнгра илм талабини давом эттириб туғилиб ўсган шаҳарларига қайтадилар ва Искандария уламоларидан дарс оладилар. Кейинчалик Камол ибн Ҳумом яна Қоҳирага қайтиб Изз ибн Абдуссалом, Шамний, Бисотий, Жалол Ҳиндий, Валий Ироқий, Изз ибни Жамоа ва Бадриддин Айний каби кўплаб олимларнинг ҳузурида бўлиб, таълим оладилар.

Шунингдек, бу зот илм талабида Ҳалаб, Қуддус каби шаҳрларга сафар қилиб, бу шаҳарларнинг уламоларидан дарс оладилар. Камол ибн Ҳумом бобомиз Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” китобининг энг мўътабар шарҳларидан ҳисобланадиган “Фатҳул Борий” асарининг муаллифи Шайхулислом Ибн Ҳажар Асқалонийдан ҳам дарс оладилар ва у зотдан ижоза оладилар. Ибн Ҳажар ушбу ижозада: “Олим, фазилатли алломага Аллоҳ уни Ўз паноҳида асрасин ва даражасини юксак қилсин” деб ўз

шогирдларини мадҳ этадилар. Камол ибн Ҳумом шу тарзда ўша даврнинг кўплаб олимларидан таълим олиб илм чўққиларини забт этадилар.

Бу буюк зот ўта дақиқ зеҳнли, фикрлаши ва қарашлари кенг, илмий бахсларда масалаларни ўта нозик жойларигача очиб берадиган аллома бўлиб етишдилар. Ҳатто ўз тенгдошларидан олдинлаб кетиб, у зотга “Агар дин ҳужжатлари талаб қилинадиган бўлса, бизнинг шаҳарда Камол ибн Ҳумомдан бошқа уларни келтира оладиган кимса йўқ” деб ишора қилинадиган даражага етдилар.

Яҳё ибн Аттор айтади: “Иффат билан гўзал кўриниш, бойлик билан диёнат, одоб билан бахс-мунозара орасини жамлаш борасида Ибн Ҳумом доимо зарбулмасал қилинган. Ҳатто Саховий Камол ибн Ҳумом ҳақларида қуйидаги сўзларни айтади: “Албатта у зот ер аҳлининг олими ва асрнинг энг яхши муҳаққиқидир”.

Камол ибн Ҳумом усул, тафсир, фиқҳ, фароиз, ҳисоб (математика), тасаввуф, наҳв, сарф, баён, бадиъ, мантиқ, жадал, адаб каби илмларда пешқадам бўлганлар. Бу зот ўта манфаатли тенги йўқ асарлар ёзиб қолдирганлар. Биз юкорида зикр қилиб ўтган “Фатҳул Қодир” асари Ибн Ҳумомнинг шох асарларидан ҳисобланади. Шунингдек, усулул фиқҳ борасида “Ат Таҳрир”, калом илмига оид “Мусояра”, намоз масалаларига оид “Зодул фақир” каби асарлари ҳам бор.

**Устозлари:**

Шайх Шиҳобиддин Ҳайсамий. Камол ибн Ҳумом ушбу устозининг хузурида Қуръонни тўлиқ ёд олади;

Шайҳ Важиҳуддин Абуқосм Факирий. Бу зотдан наҳв илмидан таълим олган;

Шайх Зайниддин Сакандарий. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарини ушбу устоздан таълим олган;

Шайх Изуддин Абдуссалом. Бу зотдан мантиқ бўйича таълим олган;

Шайх Бадриддин Айний. “Умдатул қорий шарҳу Саҳиҳил Бухорий” ва “Биноя фи шарҳи Ҳидоя” каби машҳур асарлар соҳиби бўлган бу зотдан арабларнинг шеърлари ва бошқа кўплаб илмлар бўйича таълим олган.

Камол ибн Ҳумом бу зотлардан бошқа яна кўплаб уламолардан таълим олган ва ўз навбатида ўзлари ҳам кўплаб уламоларга устозлик қилган.
Шогирдлари: Камол ибн Ҳумом раҳматуллоҳи алайҳ кўплаб шогирдлар етиштирган бўлиб, улар орасида тўртала фиқҳий мазҳаб вакилларидан ҳам машҳур шогирдлари бўлган.

Шайх Зайниддин Абул Адл Қосим ибн Қутлубуғо ҳанафий (ҳижрий 879-йилда вафот этган);

Шайх Қутбиддин Абул Хайр Муҳаммад Мисрий, ибн Фокиҳоний ҳанафий (ҳижрий 816-йилда туғилган);

Шайх Бурҳониддин Иброҳим ибн Али Мисрий шофиъий (ҳижрий 898-йилда вафот этган).

**Асарлари:**

– “Фатҳул қадир лиложизил фақир” (Ожиз фақирга Ал-Қодир зотнинг фазлу марҳамати). Ушбу китоб Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарига ёзилган мўътабар шарҳларидан бири бўлиб, Камол ибн Ҳумом раҳматуллоҳи алайҳнинг энг машҳур асари ҳисобланади. Аммо муаллиф бу шарҳни охирига етказишга улгурмаган. Чунки “Ваколат китоби”га етганда вафот этган. Кейинчалик Аллома Қозизода (ҳижрий 988-йилда вафот этган) бу шарҳни ниҳоясига етказиб қўйиган ва “Натаижул афкор фи кашфир румуз вал асрор” (Ишоралар ва ички маъноларни очишдаги хулосавий фикрлар) деб номлаган;

– “Мусаяро фи ақоиди мунжия фи охира” (Охиратда нажот топишга сабаб бўладиган ақидаларга мувофиқ бўлиш). Бу китобга мотуридийлардан Зайниддин Қосим ибн Қутлубуғо ҳанафий “Ҳошияту ала “Мусаяро” (“Мусаяро”га ҳошия) ва ашъарийлардан Камолиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аби Шариф шофиъий “Мусамаро фи шарҳи Мусаяро” (“Мусаяро” шарҳидаги суҳбатлар) шарҳини ёзган;

– “Таҳрирул жомеъ байна истилаҳил ҳанафияти ваш шофиъияти” (Ҳанафийлар ва шофиъийлар орасидаги умумий истилоҳлар таҳрири) . Бу асар усулул фиқҳга оид бўлган;

– “Задул фақир фил фуруъ” (Эҳтиёжманд кишининг фиқҳий масалалардаги озуқаси);

– “Рисала фил эъроби “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи ва субҳаналлоҳил азим” (“Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи ва субҳаналлоҳил азим”нинг эъроби (грамматик таҳлили) ҳақида рисола).

Камол ибн Ҳумом муборак ҳаётлари давомида бир неча мадрасаларда мударрис ва муфтий сифатида фаолият юритдилар ҳамда у зотнинг қўл остиларида замонанинг пешқадам олимлари етишиб чиқди. Буюк имом хижрий 861-йили Рамазон ойининг еттинчиси жума кунида Мисрда вафот этдилар. Жанозага Султон ва кўплаб мусулмонлар хозир бўлдилар ва буюк имомдан ажралганлари сабабидан чуқур қайғуга ботдилар.

## Муртазо аз-Забидий ва унинг “Уқудул жавоҳир” асари

Муртазо аз-Забидий раҳимаҳуллоҳ номи билан шуҳрат қозонган аллома Абулфайз Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдурраззоқ ал-Ҳусайний аз-Забидий (1145-1205 ҳ./1732-1790 м.) раҳимаҳуллоҳ таниқли тилшунос, муаррих ва ҳадисшунос олим ҳисобланади. Ҳиндда туғилган, Яманда ўсган, Мисрда яшаган. Унинг ўз давридаги шуҳрати шу даражага етганки, “Кимки Муртазо аз-Забидийни зиёрат қилиб, дуосини олмасдан ҳажга борса, ҳажи мукаммал бўлмайди”, дейишган. У зот Мисрда вафот қилганлар.

Муртазо аз-Забидий раҳимаҳуллоҳнинг 50 дан ортиқ муҳим асарлари мавжуд. Луғатга оид “Тож ал-арус” асари ўн жилдни ташкил қилади. Имом Ғаззолий раҳимаҳуллоҳнинг “Эҳё ал-улум ад-дин” асарига битган шарҳи “Иттиҳоф ас-садот ал-муттақин” деб аталган бўлиб, у ҳам 10 жилд қилиб нашр қилинган. Ҳанафий мазҳабининг далилларига бағишланган икки жилдли асари “Уқуд ал-жавоҳир ал-мунифа фий адиллати мазҳаби ал-Имом Аби Ҳанифа” деб аталган.

Муртазо аз-Забидий раҳимаҳуллоҳ “Иттиҳоф ас-садот ал-муттақин” асарида аҳли суннат ва жамоат деганда айнан ашъарийлик ва мотуридийлик тушунилишини бу тарифа таъкидлаганлар:

إذا أطلق أهل السنة و الجماعة فالمراد بهم الأشاعرة و الماتريدية

“Қачон аҳли суннат ва жамоат дейилса, улардан мурод ашъарийлар ва мотуридийлардир!”.[73]

Абулҳасан ал-Ашъарий раҳимаҳуллоҳ ва Абу Мансур ал-Мотуридий раҳимаҳуллоҳнинг бидъатчи эмасликларини, уларнинг йўллари салафи солиҳларнинг йўлларига мувофиқ экани зикр қилинган:

و ليعلم أنّ كلّاًمن الإمامين أبى الحسن و أبى منصور رضى الله عنهما و جزاهما عن الإسلام خيرا لم يبدعا من عندهما رأيا و لم يشتقا مذهبا إنما هما مقرران لمذاهب السلف مناضلان عما كانت عليه أصحاب رسول الله صلى الله عليه و سلم و ناظر كلّ منهما ذوى البدع و الضلالات حتى انقطعوا و ولوا منهزمين

“Билинсинки, ҳар икки нафар имом Абулҳасан ал-Ашъарий раҳимаҳуллоҳ ва Абу Мансур ал-Мотуридий раҳимаҳуллоҳ – ислом динидан бу икки зот мукофатлансин – ҳеч бирлари бирор бир фикрни бидъат қилиб айтмаганлар, ўзларича бирор бир янги мазҳаб ҳам тузмаганлар. Бу икки зот ўтган салафи солиҳларининг мазҳабида мустаҳкамдирлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари юрган йўлда юргувчидирлар. Бу икки зотнинг ҳар бири бидъатчилар ва адашганлар билан мунозара қилганлар. Ҳатто бидъат аҳли ва залолатга кетганларнинг йўлларини кесиб ташлаганлар ва орқасига қарамай қочишларига мажбур қилганлар”.[74]

Бошқа бир ўринда Муртазо аз-Забидий раҳимаҳуллоҳ бундай деганлар:

و المراد بأهل السنة هم الفرق الأربعة المحدثون و الصوفية و الأشاعرة و الماتريدية

“Аҳли суннадан мурод тўрт мазҳабга эргашганлар, муҳаддислар, сўфийлар, ашъарийлар ва мотуридийлардир!”.[75]

---

[73] Муртазо аз-Забидий. Иттиҳоф ас-садот ал-муттақин. 2-жилд. – Б. 6
[74] Муртазо аз-Забидий. Иттиҳоф ас-садот ал-муттақин. 2-жилд. – Б. 7
[75] Муртазо аз-Забидий. Иттиҳоф ас-садот ал-муттақин. 2-жилд. – Б. 86

Хуллас, бугунги кунда аҳли суннат ва жамоат деганда анъанавий тўрт мазҳаб – ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик, ҳанбалийликка сидқидилдан амал қилувчилар, эътиқодда эса айнан ашъарийлик ва мотуридийликка ишонувчилар тушунилади. Бундан бошқа йўл бидъат ва залолатдир! Ашъарийлик ва мотуридийликни аҳли суннат ва жамоатдан оғишган деб сафсата сотишнинг ўзи жуда катта адашувдир. Минг йиллик мусулмонлар ҳаққи-ҳурмати, биз асрлар давомида ашъарий ва мотуридий бўлиб келган мусулмонлар юрган йўлдан, бутун ислом оламига устоз бўлган аллома бобокалонларимиз эргашган ашъарийлик ва мотуридийлик эътиқодий таълимотидан четлашмаслигимиз керак.

## VII БОБ. МУЛЛА АЛИ ҚОРИНИНГ "ШАРҲИ МИШКОТ" ҲАМДА ЗАФАР АҲМАД УСМОНИЙНИНГ "ЭЪЛОУС СУНАН" АСАРЛАРИ

Мулла Али Қорининг тўлиқ исми Нуриддин Али Ибн Султон Муҳаммад Ал-Маккий Ал-Ҳанафий бўлиб, "Қори" лақаби билан машҳурдир. "Қори" номининг унга берилишига сабаб, у Қуръони Каримни турли қироатларда ўқиш бўйича пешқадамлардан бўлган. Шунинг учун Қорий номи билан шухрат қозонган. Ҳофиз Саййид Абдулҳай ал-Каттоний (ваф. 1381/1961й.) ўзининг "ат-Таротиб ал-идория ва-л-амалот ва-с-синоот ва-л-матожир ва ал-ҳолот ва-л-илмия аллатий конат ало аҳди таъсис ал-Мадина ал-мунаввара" китобида: "Қори"нинг куняси Абу-л-Ҳасан бўлиб, Нуриддин унинг лақабидир, чунончи, унинг "Шарҳ Муснад Аби Ҳанифа ривоят ал-Ҳисфакий" асари Абу-л-Ҳасан Мулла Али Қори ибн Султон Муҳаммад ал-Маккий номи билан маълумдир", – деб таъкидлайди.

"Абу-л-Ҳасан" деб куняланиши сабабини ўзининг "Мишкотул масобиҳ" китобига ёзган шарҳи "Мирқотул мафотиҳ" китобида қуйидаги ҳадиснинг шарҳи келтиради: "Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳумо сўзлаб

берди: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари у зотга: “Ўғлим жон таслим қиляпти, бизникига келинг”, деб одам юборди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам салом айтиб: “Албатта, олгани ҳам Аллоҳникидир, бергани ҳам Уникидир. Ҳар бир нарса Унинг ҳузурида белгиланган ажали биландир. Сабр қилсин ва савоб умидида бўлсин”, деб одам юбордилар. Қизлари эса қасам ичиб, “Албатта келсинлар”, деб яна одам юборди. У зот турдилар. У зот билан бирга Саъд ибн Убода, Муъоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит ва бир қанча кишилар ҳам туришди. Бола Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кўтариб олиб келинганда унинг жони пўк-пўк қилар эди. У зотнинг кўзларидан ёш куйилди. Шунда Саъд: “Эй Аллоҳнинг Расули, бу нима?” деди. У зот: “Бу Аллоҳнинг бандалари қалбига солган раҳматдир. Аллоҳ раҳмли бандаларигагина раҳм қилади”, дедилар”. Мулла Али Қори ушбу ҳадисни шарҳида қуйидагиларни айтади: “Мен учун ғароиб ва ажойиб ишлардан бири ушбу китобни ёзиш давримда Ҳасан исмли ўғлим вафот этди. У сурати ва сийрати барча гўзал хулқлар ва фазилатларни жамлаган эди. Аллоҳ уни ётган жойини гўзал қилсин, қабрини нурга тўлдирсин. Кейин ушбу ҳадис менга ўғлим вафоти учун мукаммал таъзия ва мусибатимга тасалли бўлди. Аллоҳ оқибатни хайрли қилсин, мусибатга ажрни мукаммал берсин!”.

Алломанинг қачон дунёга келганлиги ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолинмаган. Барча тарихчи олимлар у кишининг таваллуд топган маконларини зикр қилиш билан чекланадилар. Бироқ замондош уламоларимиздан бўлган Шайх Абдулфаттоҳ Абу Ғудда унинг Маккалик устозлари вафотидан келиб чиқиб, 930 ҳижрийда таваллуд топганини аниқлаган.

Мулла Али ибн Султон Қорий қадимги Хуросоннинг кўҳна Ҳирот шаҳрида таваллуд топиб, умрининг бир қисмини ўша ерда ўтказган. Мулла Али Қори дастлабки билимини она юрти Ҳиротда ўз даврининг етук олимларидан олади. Қуръони карим ва тажвид илмини Ҳирот шахри жомеъси шайхларидан бири бўлган Қори Муъиниддин ибн Хофиз ал-

Харавийдан ўрганади. У диний илмлар мажмуаси - ҳадис, тафсир, фиқҳ ва қироат илми бўйича катта шухратга эга эди.

Мулла Али Қори Қуръони каримни барча йўллари, етти қироатда ўқиш бўйича таълим олган устозлари ҳақида ўзининг “ал-Минах ал-фикрия ало матн ал-жазария” асари охирида шундай дейди: “Қуръони каримни етти қироатларни ўрганиш ва тадқиқ қилишдаги устозларим бу сохадаги машҳур қорилар ва буюк шайхлардир, қолаверса, ушбу йўналишдаги билимимни (ижозани) Мадинаи Мунавваранинг имом хатиби Маккадаги ўз асрининг тенги йўқ олими ва қироат илмининг машҳур шайхи, устозим Сирожиддин Амр ал-Яманий аш-Шофийдан олганман”.

Мулла Али Қори ноёб заковат, ўткир зеҳн, нозик фаҳму фаросат ва комил ақл соҳиби бўлган. Илм олиш йўлида унга дуч келган барча машаққатларни сабр ва матонат билан енгиб ўтган. Алломанинг устозлари ишончли силсила орқали келаётган илм соҳиблари бўлишган. Алломага мана шундай етук устозлардан илм олиш ва олган илмларини ҳам бошқаларга ўргатиш насиб этган.

Аллома ўзининг бетакрор, камёб тарзда ёзилган, ҳамда латиф ва мазмунли мулоҳазаларни ўз ичига қамраб олувчи асарларининг кўплиги билан ҳам шуҳрат қозонган. Манбаларда келтирилишича, уларнинг сони икки юздан зиёдни ташкил этади ва улар бир неча жилдлардан иборат китоблар ва кўплаб саҳифалар ҳамда рисолалардан иборат.

Уларнинг ичида энг машҳур асарлари:

1. “Шарҳ ал-мишкот” ёки “Мирқот ал-мафотиҳ”. Бу асар Хатиб Табризийнинг “Мишкот ал-масобиҳ” асарига ёзилган шарҳ бўлиб, у Мулла Али Қорининг шох асаридир. Бу шарҳ ўн бир жилддан иборат. Ушбу асарда аллома “Мишкот ал-масобиҳ” асарида келган ҳадисларни ҳанафий қарашлари бўйича шарҳлайди. Ундаги баъзи баҳсли ўринларда ўзи тутган ҳанафий мазҳаби билан жавоб қайтаради. Асар бир неча бор нашр қилинган.

2. “Минаҳур ровзил азҳар шарҳил фиқҳил акбар”. Ушбу асар ҳанафий мазҳаби асосчиси имом Аъзам Абу Ҳанифанинг “Ал-Фиқҳул акбар” асарига ёзилган шарҳдир “Фатҳу бобил иноя” асари “Мухтасар ал-виқоя” китобига ёзилган шарҳ. Унда Аллома бошқа мазҳабдаги шахсларнинг ҳанафийлик мазҳаби борасидаги қарашларини нотўғри эканлигини маълум қилиб, барча аҳкомларни оят ва ҳадислар билан исботлаб чиққан.
3. “Шарҳ аш-шифо фи ҳуқуқ ал-Мустафо”. Қози Иёзнинг “аш-Шифо” номли асарининг муҳим шарҳларидан бири. Ушбу китоб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари, ҳаётлари, сифатларини баён қилган.

Шунингдек, Мулла Али Қорининг машҳурликда юқоридагилардан кам бўлмаган бир қатор асарлари ҳам бўлиб, улар турли мавзулар бўйича ёзилган:

1. “Одобул-муридин”. Ушбу китоб тасаввуф фанига оид асар ҳисобланади.
2. “ал-Иътиморул жания фи асмоил хоффия”. Ушбу китоб инсонларнинг таржимаи ҳолларига бағишланган асардир.
3. “Иршод ас-Сорий”. Унинг бу асари ислом дини фарзларидан бири бўлмиш хаж амали арконларига бағишланган.
4. “Асмор ал-жаниййа фи асмо ал-ҳанафиййа”. Ушбу асар ҳанафий мазҳабига мансуб уламолар фаолиятларини ёритишга бағишланган.
5. “Нузҳат ал-хотир ал-фотир фи таржима ас-Саййид Абулқодир” асари ислом дунёсидаги энг машҳур ва етук шайхи Абулқодир ал-Ғилонийнинг таржимаи ҳоли ва ҳаёт йулларини баён этишга бағишланган.
6. “Шарҳ ал-арбаин ан-Нававий” асари Имом ал-Нававий жамлаган 40 ҳадис тўпламига ёзилган шарҳдир.
7. “Шарҳ ул-Бурда” асари эса машҳур “Қасидаи Бурда” асарига ёзилган шарҳдир.
8. “Арбаийн ал-ҳадис фи фазоил ал-Куръон, “Арбаийн ал-ҳадис фи таркиб ла илаҳа иллаллоҳ” ва “Арбаийн ал-ҳадис фи қироат ал-басмала фи аввали сурати “Бароат” номли ҳадис илмига оид асарлари.

Мулла Али Қори кўп сохаларда ёзилган ноёб асарларни оддий ҳалқ оммасига тушунарли ва қулай бўлиши учун уларга асар тарзида кўплаб шарҳлар ва мулохазалар ёзган.

**Зафар Аҳмад Усмонийнинг "Эълоус сунан" асари**

Эълоус сунан муаллифи Мавлона Шайх Зафар Аҳмад Усмоний бу китобни тоғалари Умматнинг ҳакими Имом Шайх Ашроф Али Таҳанавий (р.а) кўрсатмаларига биноан ёзганлар. Шайх Аллома Муҳаққиқ Абдул- Фаттоҳ Абу Ғуддоҳ «Инҳоус сакан ила ман ютолиу Эълоус сунан» (Эълоус сунанни мутолаа қиладиган одамга хотиржамликни мукаммал қилиб бериш.)нинг биринчи жилдида Шайҳ Зафар Аҳмад Усмоний ҳақларида келтирган сўз билан кифояланамиз.

Ушбу китобнинг биринчи жилдини Шайҳ Зафар Аҳмад Усмоний "Қоваиду фи улумил ҳадис" (ҳадис илми усулларидан мухим қоидалар) номи билан хаётлик вақтларида нашр қилдирганди. Аллома муҳаққиқ баҳс қилувчи, изланувчи, тадқиқот олиб борувчи, ишончли, муфассир, муҳаддис, фақиҳ, усулчи олим, моҳир, зукко тарихчи, тақводор зоҳид суфий, билимдон Зафар Аҳмад ибн Латийф Усмоний Тахонавий у зот 1310 йили Робиъул аввалнинг 13 куни ота ва бобаларининг диёри Девбанддаги илм даргоҳлари яқинида дунёга келган.

У илмий даргоҳ Ҳиндистон шаҳрининг илмий марказларидан биридир. Оналари бу зот 3 ёшга тўлганда вафот этганлар. Мамолари у зоти шарифни имконлари борича ўзларида нима илмлари бўлса, ундан аямай ўз вазифаларини жуда яхши адо этиб тарбия қилган. Бувилари хожи солиҳа аёл бўлган. Солиҳлик ва тақводорликни бувиларидан ўрганган. Шу сабабдан бўлса керак, ундаги илмга бўлган рағбат, ундаги ўчмас иштиёқ ўзининг замонасидаги илм истагидаги кишиларни мудрашдан уйғотди. Бу киши ҳақида чиройли ибратли маълумотларни илм йўлида йурган кишиларга намуна тарзида келтириб ўтамиз.

Шу сабабдан балким бизларда ҳам илмга бўлган муносабатимиз, балким у зоти зарифдан бизга ҳам кўчса.

У киши 5 ёшга кирганда Дийвандаги катта хофизлар хузурида Қуръони Карим қироатини ўрганишга киришди. “Дорул Улум” мударриси хофиз номдор Ғулом Расул ва бувиларининг укалари мавлоно Назир Аҳмадга ўхшаган кишилардан таълим олди. У киши 7 ёшга тўлганда Урду ва Форс тиллари китобларини ўқишга, ҳисоб ва алгебра китобини ёзишга киришди. Бу илмларни Шайҳ Жалил Мавлона Муҳаммад Ёсиндан ўрганди. Муҳаммад Ёсин ҳозирда Покистонлик уломаларнинг каттаси Аллома Шайх Муҳаммад Шафеъ Дейбандийнинг отасидир. Ва яна исломий илмлар даргоҳи асосчиси Карачидаги улуғ муфтидан дарс олди. Кейин Дейбандан Таҳанабаҳундаги Мавлоно Муҳаммад Ашроф Али Таҳонавий тоғалари мажлисига кетди. У одоб, наҳув, сарф ва арабий китоблар мутоаласини ўрганишга киришди. У ўша жойда забардаст олим мавлона Муҳаммад Абдуллоҳ Канкувҳийдан ҳам илм олишга мушарраф бўлди.

Умматнинг Ҳакими номи билан машҳур бўлган тоғаларидан тажвид илмларидан ва “Талҳийсат ал-ашр” 10 қироат илмлари хулосасидан ва Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”идан баъзи бир жузларини тинглади. Ва Мавлона Саъид Аҳмаддан ҳам “Талҳийсат ал-ашр” китобидан дарс олди. Кейин Ҳакиймул умма номи билан машҳур бўлган тоғалари улуғ китоб “Баёнул Қуръон” китобини урду тилида ёзишга киришди. Ва жияни Зафар Аҳмад Усмонийни Камбурдаги “Жомиъул улум” мадрасасига юбориб уни киргизиб қўйди.

“Жомиъул улум” мадрасасига Камбурдалик вақтида ўзи унга асос солганди. Жиянининг дарслари ва таълимини икки иршод берган шогирдлари қўлига топширди. У 2 шогирди Мавлоно Исҳоқ Бардаваний ва Мавлоно Муҳаммад Рашид Канбуврийлар эди. Зафар Аҳмад Усмоний улардан дарсликка киритилган ҳадислардан: “Саҳиҳи Бухорий”, “Саҳиҳи Муслим”, “Сунани Абу Довуд”, “Сунани Нисоий”, “Сунани Термизий”, “Сунани ибни Можжа”, “Мишкотул Масобийҳ” ва шу билан биргаликда у китобларга куч берадиган уларни қўллаб

қувватлайдиган мусталаҳул ҳадийс ва ҳадис илмларини ўргатадиган китобларни ўрганди ва ундан ташқари у иккисидан қўшимча тарзда фиқҳ, тафсир ва мукаммал адабиёт ва ақлий илмларни ўргатадиган китобларни ҳам ўқиб ниҳоялади.

Шаръий ва ақлий илмлар санадига эга бўлгандан сўнг, ўзининг қобилияти билан ажралган холатда ўзининг жидди жаҳди билан бошқа талабалардан ажралиб тургани учун Саҳаранафурга кўчди ва “Мазоҳирул улум” мадрасасида турди. Ва у ерда Имом Муҳаддис Фақиҳ Мавлона Халил Аҳмаднинг ҳадиси шариф дарсларига қатнашди. У зот “Базлул мажҳувди фи шарҳи Сунани Абу Довуд” китоби муаллифи эди. Мана шу Имом Муҳаддис Фақиҳ Мавлона Халил Аҳмаднинг дарсларини мукаммал олганидан сўнг, устозлари унинг қобилиятини кўриб унга ҳадисга ва бошқа нақлий ва ақлий илмларга ижоза бердилар. 1328 ҳижрий йили ўша жойда олий дарсларни ўз ниҳоясига етказди. Ўша вақтда у кишининг ёши 18да эди. Мана бу улуғ мартабага бу ёшда ноёб ёки забардаст бўлиш билан етилади. Мана шу муддатда у зоти шариф яна мантиқ, геомитрия ва олий математекани ҳам мукаммал тарзда ўрганиб бўлган. Ҳозир зикр қилинган китобларни мадрасани нозими Мавлона Абдул Латийф ва Мавлона Абдул Қодр Банжабийлардан олганини билдиради. Ўта юқори даражада пешқадамлиги, зукколиги, кучлилиги эътиборидан мазкур мадрасага мударрис этиб тайинланган. Ва у ерда 7 йилга яқин Фиқҳ, усул, мантиқ, фалсафа ва бошқа илмлардан дарс бериб, кейин Таҳонабаҳундаги “Имдодул Улум” мадрасасига дарс беришга ўтганлар. Ўша ерда дарсга киритилган 7 та суннат китобларидан: “Саҳиҳи Бухорий”, “Саҳиҳи Муслим”, “Сунани Абу Довуд”, “Сунани Нисоий”, “Сунани Термизий”, “Сунани ибни Можжа”, “Мишкотул Масобийҳ” ва унга Фиқҳ ва Тафсир дарсларини қўшган ҳолда дарс бериш билан шуғулланди. Жуда ҳам ажойиб услуб билан баён қилиб дарс берарди.У кишининг қўлидан жуда забардас кучли олимлар етишиб чиқди. Ўша худудларда илмларни тарқатди ва инсонларга шариат йўлларини нурофшон қилиб берди, булар.

Кейин Мавлона Ҳакиймул Умма Ашроф Али Таҳанавий жиянлари Зафар Аҳмад Усмонийга «Эълоус Сунан» китобини ёзишни ва шу билан бирга ўзининг

фатво ва дарс беришини ҳам унга юклади. Тоғаси уни шунақа даражада комил ва замонасида якка бўлишга имкониятлар яратиб берганди.Жиянлари юклатилган вазифаларни жуда чиройли тарзда бажарди(Фатво беришни маромига етказди, дарс беришни қойил мақом қилди ва "Эълоус Сунан"ни ҳам ёзди).

Эълоус Сунанни ёзишга 20 йил кетди. 18 жуз китобнинг ўзига 2 жуз муқаддимага ҳаммаси бўлиб бу китоб 20 жузни ташкил этди. Унга қўшимча тарзда яна бир китобни қўшди: «Инжоул ватани анил издирои би Имамиз замани» (Замоннинг имомига тухмат қилишдан ер юзини қутқариш). Бу китобда Абу Ҳанифа ва у кишининг шогирдлари ва шогирдларининг ҳам шогирдлари ҳақида кенг ва батафсил маълумотлар берилган. Шогирдларидан фақатгина муҳаддис фақиҳлар билан чекланган ҳолатда китобда маълумотлар келтирилган. Бу китобнинг аввалги жузи 1387 йил Корачида босмадан чиқарилган. Кейин Аллома Ашроф Али Таҳанавий алайҳ жиянлари Зафар Аҳмад Усмонийга «Далоилул Қуръон ала масаилил Нуъмон» (Нуъмоннинг масалаларига Қуръоннинг далолатлари) китобини ёзишга буйруқ бердилар. Бу "Аҳкомул Қуръон" китоб тарзида ёзилган бўлиб, Жассос (р.а)нинг китобларига ўхшайди. Бу китоб 2 та катта мужаллад Нисо сурасига бориб тугаган. Бу китоб олимлар фақиҳлар тилида ёзилган бўлиб, у зот ёзган асар ҳақида хайратланиб ушбу гапларни айтишган "бу китобга қараш узлуксиз неъмат ва бу китобни топиш катта бир фатҳ" деб таъриф беришган.

Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонада турган вақтларида Урду тилида бир қанча китобларини ёзди. Улар қуйидагилар: "Алқовлил матин фи ихфаи би Амин" (Аминни маҳфий қилишда мустаҳкам бир сўз), "Шаққул айни ан рофъил йадайни" (Икки қўлни кўтаришдан кўзни юмиш), "Роҳматул Қуддус фи таржимати баҳжатин нуфус" (Аллоҳнинг раҳмати нафсларнинг баҳжасининг таржимаи ҳолида), "Фатиҳатул калам фи қироати холфал имам" ( Имом орқасида қироъат қилиш тўғрисида гапнинг бошланиши) Ўша китобда ёзган: Имомнинг орқасидан қироъат қилиш ҳамма намозларнинг барчасида хусусан жаҳрий намозларда мумкинмас. Аммо маҳфий ўқиладиган намозларда мумкин, жоиз бу ҳақда Абу Ҳанифа(р.а)дан ҳам ривоят бор. Ашроф Али Тоҳанавий зиёратига

борган чоғимда айтдим бу гап Абу Ҳанифа (р.а)гапидан ташқари Имом Муҳаммаднинг ҳам сўзи деб эшитганман. Шундайми? десам тоғам ҳа буни Имом Муҳаммад ҳам шундай деган агарчи уни Ибни Хумом рад қилган бўлсалар ҳам, барибир уни Имом Муҳаммад айтган, биз Имом Муҳаммаднинг гапини қабул қиламиз деганлар. Яна "Кашфуд дужа ан важҳир риба" (Рибони юзини очиш ойни юзини очиш каби очиш)деб араб тилида китоб ёзган. Бу китоби "Фатовайи имдадиййа" китобини ичида чоп этилган. Бу "Фатовайи имдадиййа" деган китобда савол сўровчиларга жавоб берган. Юқорида зикр қилиб ўтгандек Ашроф Али Тоҳанавийга фиқҳда ва бошқа нарсалардан келган саволларга жиянлари Зафар Аҳмад Усмоний жавоб берган. Бу катта-катта 7 мужаллад китоб бўлган. Уни тоғалари Ашроф Али Тоҳанавий "Имдадул ахками фи масаилил халали вал харами" деб номлаган.

Кейин Бармадаги Муҳаммадия мадрасасига дарс беришга ўтганлар. Ва Ўша ерда таблиғ, ваъз ва тазкирлардан дарс берган. Кейин Тоҳанага қайтди ва "Далоилул Қуръон" ни ёзишга киришди ва шу билан бирга фатво берди ва илм берди.

Кейин Покистон ва Ҳиндистон бўлинишидан олдин, Покистоннинг шарқидаги Доко деган жойдаги университетга дарс беришга ўтди. Ўша жойда аввал ҳадис, фиқҳ ва усулдан мударрис этиб тайинланиб, кейин мударрисларнинг бошлиғи этиб тайинланган. Ўша жойда 8 йил қолиб кетди. Ва ўша жойда "Жамиатул Қуръониййатул арабиййаҳ"деган олийгоҳга асос солган. Покистоннинг шарқидаги Қуръон, ҳадис, фиқҳ ва бошқа илмларини таълим беришдаги энг ажойиб таълим бериш муассаси ҳисобланади.

Сўнгра Покистонни ғарбига кўчган хозирги кунда Ашраф – обод хозирги (Хайдарobод) деган жойга ўша ерда мударрисларнинг бошлиғи бўлган. Фатво сўровчиларга фатво савол сўровчиларнинг саволига холати билан ҳам сўзи билан ҳам фойда берарди. Талабаларга амали билан фойда берарди. Аллоҳ таоло у кишининг умрларини узоқ қилсин у кишининг ҳасанотларига ва илмларига баракот берсин. Офият кийимини у кишига кийғизсин, охиратлари мукаммал бўлсин, Аллоҳ таолодан буюк розиликка эришсин деб Абдулфаттоҳ Абу Ғудда

бу гапни “Қавоиду фи улумил ҳадис” деган китоби тахқиқининг муқаддимасида келтирган сўзлар билан ниҳоялади.

Шайх Зафар Аҳмад Усмоний роҳимаҳуллоҳ “Ҳайян ҳийнама тубян китабуҳу қоваид фи-улумил ҳадис деган китоби чоп қилинганда тирик бўлганлар. Шайх уламо Абдулфаттоҳ абу Ғоддаҳ ҳафизаҳуллоҳнинг таҳқиқи билан бўлган. Шайхул ҳадис Ашраф-ободда танду Аллоҳёр деган жойда “Саҳиҳул бухорий”дан дарс берарди, ёши катта бўса ҳам, касалликлари кўп бўса ҳам, қуввати заифлашиб қолган бўлса ҳам, менга ўша вақтда айтди. Мен қачон касаллигим зиёда бўлишини сезсам “Саҳиҳул Бухорий”дан дарс беришни кўпайтираман деган эканлар. Аллоҳ таоло мени касаллигимга шифо берарди. Заиф касал бўлиши билан биргаликда, зикр нафлларни лозим тутган эдилар, жами саловотларни намозларни масжидларда ўқир эдилар, манашу йўлида катта тана оғирлигини кўтарардилар, у кишини тиллари умрини охирида Аллоҳнинг зикри билан ҳўл бўлди доим Аллоҳнинг зикри тилидан тушмай қолди. Рамазон ойида 1394 йил у кишини рўза тутишдан тўхтатди касалликлари туфайли лекин у киши бунга рози бўлмади ва айтдики: Ҳазрати Аббос розияллоҳу анҳу 90 ёшларида ҳам рўза тутишдан тўхтамаган, у киши рўза тутиб қаттиқ машаққатга йўлиқарди ҳаттоки сувни ичига кўмилиб оларди, лекин рўзани очиб фидя беришга ҳеч ҳам рози бўлмаган. Мен қандай қилиб фидя беришга рози бўламан дер эди. Хатто у киши Аллоҳ вафот эттиргунча умрининг охиригача шу холатда яшади. Сўнг 1394 ҳижрий сана зулқаъда ойида 84 ёшларида вафот этди.

Ҳар бир фиқҳий мазҳаб ўз таълимотини асослаш мақсадида дастлаб Қуръони карим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларига суянган ҳолда иш тутган. Суннийлик йўналишидаги тўрт мазҳабдан бири ҳанафийлик мазҳаби ҳам, аслида Қуръон ва суннатга асосланган ўз фиқҳий таълимотига эга.

“Эълоус-сунан” китоби 1997-2001 йилларда икки марта Байрут шаҳрида чоп этилди. Муаллиф асарида олтита саҳиҳ тўплам соҳиблари Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Абу Довуд, Имом Насоий, Имом Ибн Можжа асарларидан унумли фойдаланган.

“Эълоус-сунан” асари ҳам бошқа фиқҳий китобларнинг тартибидек таҳорат ва намоз каби боблар билан бошланган ва ҳар бир фиқҳий масала оят ва ҳадислар ҳамда асарлар (саҳобаларнинг сўзлари) билан далилланган.

Ҳанафийлик мазҳабига билдирилган эътирозлар, раддия ва ихтилофларни чуқурроқ ўрганиб чиқиш, бугунги кун илм аҳилларининг айни долзарб вазифалари ва ихтилофларга барҳам бериш йўлидаги мақсадларига мувофиқдир. Уламолар ихтилофлар ҳақида фикр билдириб, улар асосан икки тур, эътиқодий ва фиқҳий (аслий ва фаръий) ихтилофлардан иборат эканини таъкидлашган. Эътиқодий масалалар динимиз асосига тегишли бўлиб, бу соҳада ихтилофга йўл қўйиш асло мумкин эмас. Суннийлик йўналишида бу масалада ихтилофлар йўқ. Фиқҳга оид масалалардаги ихтилофларнинг ўзи ҳам иккига бўлинади. Биринчиси масаланинг турига қарши ихтилоф бўлиб, бу турдаги ихтилоф ҳаром ҳукмидадир. Чунки ихтилоф қилинаётган масаланинг ҳар иккиси ҳам китоб ва суннат далилларига асослангандир. Бу турдаги ихтилофларнинг ўзига яраша сабаблари ва ҳикматлари бор.

Мазҳаблар ўртасидаги “ихтилоф”лар деган ибора ўрнига масалаларнинг “турли хиллиги” иборасини қўллаган ўринлироқдир. Имомлари наздида бир масаланинг турли хил бўлиши далилларини турли хил даражада, яъни “саҳиҳ”, “ҳасан” ва “заиф” бўлиши ёки ҳадисларни етиб борган-бормаганлиги сабаб бўлган. Мазкур имомлар хусусида фақат яхши гумонда бўлиш вожибдир. Уларнинг ҳар бирлари мужтаҳид уламолар бўлиб, қилган ижтиҳодларида тўғри йўл топган бўлсалар иккита ажр, хатога йўл қўйган бўлсалар бир ажрга сазовор бўлаверадилар. Масалан, фиқҳий китобларда келтирилган таҳорат, намоз бобларидаги турли далилларга асосланган, тури хил кўринишга эга бўлган масалаларни олсак, бу масалалар турлилиги Расулуллоҳ алайҳиссалом суннатларида кузатилган ва уларнинг ўзига хос ҳикмат ҳамда сабаблари бор.

Маълумки, ислом дини бутун инсониятга юборилган дин бўлиб, ер юзининг турли минтақаларида, турли миллатларнинг урф-одатларида, турмуш тарзларида намоён бўлади. Масалан, Африка минтақаси каби сув танқис ҳудудларда таҳорат, таяммум, ғусл каби сув билан боғлиқ масалаларни чуқурроқ ўрганишга

ҳамда турли шаклларини тадбиқ қилишга эҳтиёж каттадир. Шунингдек, совуқ ва ўта совуқ минтақаларнинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Уламолар бу каби масалаларни атрофличи ўрганиб чиқиб, бир масала бир минтақа учун ўта муҳим бўлса, манбаларга асосланиб имкон қадар енгиллик яратиб, турли ҳил шаклларини ижтиҳод қилишган. Масалан, таҳорат бобидаги бошга масҳ тортиш масаласида қўлларнинг орқа томони билан гарданга масҳ тортишни ҳанафий уламолари мустаҳаб амал дейишган.“Эълоус-сунан” асарида “Гарданга масҳ тортиш боби” да мазкур амалнинг мустаҳаб эканига қуйидагича далил келтирилади:*“***Ким таҳорат қилганда икки қўли билан гарданига масҳ тортса, қиёмат куни унинг бўйни кишандан озод бўлади***” (Абу Ҳасан ибн Форс ривояти)*.

Айнан шу амални бидъат деб ҳисоблайдиган тоифалар ҳам бор, улар бу каби масалалардаги турли хилликнинг сабаб ва ҳикматларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар ва ўз ихтилофлари билан мусулмонлар оммаси, айниқса, Ислом таълимоти билан эндигина танишиб келаётган ёшлар ўртасида турли тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Натижада кўп ўринларда ёшлар билан ота-боболари ўртасида келишмовчилик ва норозиликлар вужудга келди. Бундай ихтилофларнинг шаръий ҳукми ҳаром ҳисобланади, чунки бу ихтилофлар бир диндаги одамлар ўртасида хусумат ва адоватни юзага келтиради. Шунингдек, таҳорат асносида қулоқларнинг ичи ва орқасига масҳ қилиш бидъат деб даво қилганлар ҳам бор, уларга раддия сифатида далил қилиб мазкур ҳадисни келтириш мумкин.

**Шуайб ривоят қилади, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг олдига бир киши келиб, “Эй Расулуллоҳ, таҳорат қандай қилинади деб сўради. Расулуллоҳ бир идишда сув олиб келишни буюрдилар ва икки қўлларини кафтигача уч марта ювдилар, сўнг юзларини уч марта ювдилар, сўнг қўлларини чиғаноғигача уч марта ювдилар, сўнг бошларига масҳ тортдилар, сўнг икки бармоқларини қулоқларини ичига киритиб, бош бармоқлари билан қулоқларини орқасини ва икки кўрсаткич бармоқлари билан қулоқларини ичини масҳ қилдилар, сўнг оёқларини уч марта ювдилар, сўнг: “Таҳорат**

**шунақа бўлади”, Ким бундан зиёда ёки кам қилса, аниқ бир ёмон иш қилибди ва ўзига ўзи зулм қилибди дедилар”** *(Аду Довуд ва Насоий ривоятлари)*

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, таҳоратдаги ҳамма амаллар бир ҳадисни ўзида мукаммал акс этмаган бўлиши мумкин. Юқоридаги ҳадисда ҳам таҳоратдаги кўп амаллар зикр қилинмаган, аммо бу борадаги бошқа ҳадисларни ҳам эътиборга олиш керак. Таҳоратдага тўртта фарз адо этилиши билан таҳорат ибодат қилишга кифоя қилади, аммо ундаги далиллар орқали ворид бўлган суннат ва мустаҳаб амаллар фарз амалларни мукаммал бўлиши учун гаровдир. Уламолар таҳоратдаги амалларни, таҳорат масаласига тегишли барча ҳадисларни тўплаб, уларни атрофлича ўрганиб чиқиб сўнгра якуний хулоса беришган.

Ҳукм чиқаришдан олдин айни масалага тегишли бўлган барча манбаларни атрофлича ўрганиб чиқмаслик ихтилофлар вужудга келишининг асосий омилидир. Шу ўринда бир ривоят ёдга тушади: фил ҳақида эшитган, лекин кўрмаган бир неча сўқир кишиларни филнинг олдига олиб бориб, мана қаршингизда фил турибди, уни ҳар бирингиз ушлаб кўришингиз мумкин, дейилибди. Шунда улардан ҳар бири алоҳида-алоҳида бориб филнинг дуч келган аъзосини ушлаб пайпаслаб кўрибди. Бири оёғини, бири қулоғини ва бири хартумини ушлаб кўрибди. Сўнгра ҳар биридан фил ҳақида сўралибди. Филнинг ҳар хил аъзосидан тутган сўқирларнинг хулосалари ҳам ҳар хил бўлибди. Оёғини ушлаб кўрган сўқир киши фил узун ва йўғон устунга ўхшаган нарса, деса; қулоғини ушлаб кўргани фил япалоқ, катта супрага ўхшайди, дебди; хартумидан тутгани фил узун арқонга ўхшаган маҳлуқ, дебди. Фил ҳақидаги бу маълумотлар тўғри, аммо атрофлича эмас. Иккинчи турдаги ихтилофлар айни бир амалга қарши чиқиш, уни йўққа чиқариш ихтилофидир. Бу каби ихтилофлар юқорида айтилган тўрт манбанинг бирортасида қайд этилмаган амалларга қарши юзага келади ҳамда ўринли бўлса унга қарши курашилади.

“Эълоус-сунан” асарида бу каби масалалар етарлича далиллар билан ёритилган. Бу каби манбаларни янада пухтароқ ўрганиш, илмий таҳлил қилиш ихтилофларга барҳам беришнинг асосий омилларидандир. Ихтилофлар ҳар

қандай жамиятнинг ашаддий душмани, уни таназзулга олиб борувчи ёмон иллат экани маълум. Чунончи, Қуръони каримда ҳам бу иллатдан қаттиқ қайтарилганмиз: **“Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг. Ва Аллоҳни сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъмати ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз ундан сизни қутқарди. Шундай қилиб Аллоҳ сизга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки, ҳидоят топсангиз”** (*Оли Имрон, 103*), Шунингдек, Анфол сурасининг 46-ояти ҳамда Рум 31-32-оятларида ҳам ихтилофларга берилмаслик қатъиян амр этилган.

Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳадисларида ҳам одамлар ўрталаридаги ғаразли тортишувлар, ихтилоф ва фирқабозликлар қаттиқ қораланади. Абу Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *“***Расулуллоҳ алайҳиссалом:”Ихтилоф қилманглар. Қалбларингиз ихтилофли, бир-бирига зид бўлиб кетади***”* (*Имом Муслим ривояти*).

Бу каби ҳадислар жуда кўп ривоят қилинган. Юқорида таъкидланганидек ихтилофлар, ўзаро келишмовчиликлар ҳар қандай жамият учун зарарлидир. Дарҳақиқат, ихтилофлар қалбларни бир-бирига зид қилиб қўяр экан, инсонларнинг жамият равнақига ҳисса қўшиши амримаҳол бўлиб қолади.

## VIII БОБ. ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ ҲАЁТИ ВА УНИНГ “ҲАДИС ВА ҲАЁТ” АСАРИ

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳижрий 1371 йил 21-ражаб – мелодий 1952 йил 15-апрел куни Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Асака туманида, Ниёзботир қишлоғида Муҳаммад Юсуф домла хонадонида таваллуд топган. У кишининг илк устози отаси бўлган. Қуръони Карим, сарф, наҳв каби бошланғич илмларни отасидан ўрганди. Муҳаммад Содиқ ёшлигидан жуда кўп китоб ўқирди. У илмга, китобга қаттиқ муҳаббат қўйган эди. Унинг китобдан ортган вақти бўлмаган. Кечаси ухлаб қолгунча мутолаа қиларди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 1969 йили Булоқбоши қишлоғидаги ўрта мактабни тугатгач, 1970 йили Бухородаги Мир Араб Мадрасасига ўқишга кирди. У пайтда мадрасадаги ўқиш 7 йиллик бўлган. Шайх Муҳаммад Содиқни ўша кунгача ҳосил қилган билими асосида бир йўла 5-босқичга олишди. Натижада у мадрасани 3 йилда тамомлади. Уни дарсда, илмда илғорлигидан мадарасадаги талабалар «пешқадам» деб аташарди.

Шайх Муҳаммад Содиқ 1973 йили мадрасадан Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти (Олий Маъҳад)га ўқишга кирди. Қабул имтиҳонидан юқори баҳоларда ўтган Муҳаммад Содиқ институтга ҳам бир йўла 3-босқичга қабул қилинди ва уни ҳам 2 йилда аъло баҳоларга битирди.

1975 йили «Совет шарқи мусулмонлари» журналида фаолият бошлади.

1976 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идорасининг йўлланмаси билан Ливиянинг Триполи шаҳридаги «Исломий даъват факультети» номли дорулфунунга ўқишга кирди.

1980 йили Ливия олийгоҳини энг юқори балл билан имтиёзли тамомлаб, талабалар орасида биринчиликни қўлга киритди ва доруфунун тарафидан моддий маблағ билан мукофотланди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг талабалик паллалари мазкур йилларда ўтган бўлса-да, у илм талабини умрининг сўнгги онларигача тарк қилмади. У киши ишлари, машғулотлари ниҳоятда кўп бўлишига қарамай, илмий баҳслари, таълифларидан ташқари мустақил мутолаани ҳам умрининг охиригача тўхтатмади. Шунинг учун ҳам умри мобайнида қилган юзлаб сафарларида фақат китоб олиб келарди ва ўзи учун янги бўлган ҳар қандай китобни ўқиб тамомларди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 1980 йилда ўқишни тамомлаб, Ливиядан Ўзбекистонга қайтиб келгач, қуйидаги вазифа ва лавозимларда фаолият юритди:

- 1981 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ўқитувчиси;

- 1982 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ректор муовини;
- 1984 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ректори вазифаларида ишлади. У институтда 1981 – 1989 йиллар мобайнида тафсир, ҳадис, улуми Қуръон, ақида фанларидан дарс берди. У ушбу Ислом институти барномасига талайгина ижобий янгиликлар киритди, бир қанча исломий фанлар ва қўлланмаларни илк жорий қилди. Масалан, «Қуръон илмлари», «улумул-ҳадис», ақида фанларини ҳамда ҳадис ва тафсир фанларидан Роваиъул-баян, Манҳалул-ҳадис каби бир қанча қўлланмаларни Олий Маъаҳадга у олиб кирган эди.
- 1989 йили 6 февралда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси муфтийси бўлди;
- 1989 йил декабр ойида СССР Олий Кенгашининг халқ депутати этиб сайланди;
- 1993 йил июн ойида муфтийлик лавозимидан истеъфога чиқди.

У ўзининг муфтийлик даврида мусулмонлар учун улкан хизматларни бажарди. У Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси ҳамда СССР Олий Кенгашининг халқ депутати сифатида СССР ҳукуматидан мусулмонларнинг кўплаб ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиқди ва мақсадга эришди. Мусулмонлар учун минглаб масжид-мадрасалар очилишида улкан ташаббус кўрсатди. СССР ҳудудидаги мусулмонлар учун асрий орзуси бўлган муборак Ҳаж сафарининг очилишига сабаб бўлди. Катта сондаги мусулмонларнинг ҳаж ибодатини эмин-эркин адо этиб келишларига рухсат олди. У кишнинг муфтийлик даврида биринчи марта 1990 йилда Юртдан борган ҳожилар Саудия Арабистони ҳукумати тарафидан «Подшоҳнинг меҳмонлари» сифатида қабул қилиндилар, алоҳида эътибор, меҳмоннавозликка мушарраф бўлдилар ва бу ҳолат 1993 йилгача давом этди. 1993 – 2001 йиллар орасида Юрт ташқарисида бўлди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўз юртида 2001 – 2015 йиллар орасида кенг миқёсда илмий фаолият олиб борди. Кўплаб китоблар, овозли

ҳамда тасвирли ёзувларда илмий суҳбатлар, мавъизалар, туркум дарслар, маърака-йиғинлардаги маърузалари, халқаро интернет саҳифасидаги 25000 дан ортиқ турли мавзулардаги савол-жавоблари билан халқнинг диний саводи ошишига, кишиларнинг соф Исломни англашига улкан ҳисса қўшди. Унинг илмий асарлари сабабли халқ орасидаги кўплаб ихтилоф ва тортишувлар барҳам топди, ҳанафий мазҳаби мустаҳкамланди, хатарли фитналарнинг олди олинди, қанчадан-қанча адашган инсонлар тўғри йўлни тута бошлади, мусулмончиликдан бехабар одамлар ўз мусулмончилигига қайтди, эл орасида тинч-тотувлик, дўстлик руҳи таралди.

Унинг раҳбарлигида халқаро интернет тармоғида ўзбек тилидаги соф исломий саҳифага илк бор асос солинди. Ушбу islom.uz сайти ўзбек тилидаги энг фаол ва аъзоси энг кўп саҳифа ҳисобланади. Islom.uz портали асосида турли йўналишлардаги йигирмадан ортиқ мустақил саҳифа яратилиб, уларнинг ҳар бири ўз мавзусида энг бой ва энг фаол сайтларга айланди. У тўққизта ҳадис тўплами таржимасидан иборат «Олтин Силсила» ҳамда катта «Ислом қомуси» лойиҳалари асосчисидир.

### “Ҳадис ва ҳаёт” асарида мавзуларнинг ёритилиши

“Ҳадис ва ҳаёт”асари Шайх Мансур Али Носифнинг “Ат-тож ул-жомеъ лил-усул фий аҳадийсир-Расул” китобини асос қилиб олган ҳолда унга ёзилган Муҳаммад (алайҳис-салом) ҳадисларининг замонавий шарҳидир.

“Ҳадис ва ҳаёт” асарини ёзиш жараёнида муаллиф кўпчилик тушунганган содда тилда бўлишига алоҳида эътибор берган, қолаверса, бу китоблар юртимизда асрлар оша мусулмонларнинг ягона ва доимий фиқҳий мазҳаби бўлмиш ҳанафий мазҳабида бўлишига эътибор қилган.

Шунингдек, баъзи фирқа ва тоифаларга раддиялар берилиб, уларнинг даъволари нотўғрилиги баён қилинган. Агар мазҳабимизда олинмаган ҳадислар келса, у ҳадисга қайси мазҳаб амал қилиши ва ҳанафий мазҳабида нима учун бу ҳадис Мисол учун, Убода ибн Сомит (р.а.)дан ривоят қилинган:

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким Китобнинг “Фотиҳа”сини қироат қилмаса, унинг намози бўлмас”, дедилар”.** Бешовлари ривоят қилган.

**Шарҳ:** “Китобнинг Фотиҳаси” Фотиҳа сурасидир. Шофеъий, моликий ва ҳанбалий мазҳаблари бу ҳадиси шарифни далил қилиб, ҳар ракатда “Фотиҳа” сурасини ўқиш рукндир, усиз намоз – намоз бўлмайди, деганлар. Уларнинг тушунчаларида ушбу ҳадис ким “Фотиҳа” сурасини ўқимаса, унинг намози саҳиҳ бўлмайди, деган маънони англатган. Аммо ҳанафий мазҳабдагилар ижтиҳодларича, ҳадиснинг маъноси қуйидагича: ким “Фотиҳа” сурасини ўқимаса, унинг намози тўлиқ бўлмайди. Шунинг учун, уларда “Фотиҳа” сурасини ўқиш вожиб ҳисобланган. Ким унутиб қўйса, саждаи саҳв қилса намози тузалган. Демак, икки томон ҳам намозда Фотиҳа сурасини ўқиш лозимлигини таъкидлайди. Ҳеч ким бу сурани карима ўқилмасин, демайди. Фақат “Фотиҳа” сурасининг қироат қилиш ҳукмини турлича айтганлар, холос. Биринчи томон фарз деса, иккинчи томон вожиб, дейди. Ихтилофлар ноўрин эканлиги баён қилинган[76].

Баъзи ҳолатларда шарҳ қилинаётган матнда ҳанафий мазҳаби далили зикр қилинмаган бўлса, ўша далил бошқа китоблардан топиб, ўз ўрнида зикр қилинган. Бунга қуйидаги ҳадис шарҳи мисол бўлади:

Абдуллоҳ ибн ас-Санобиҳий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Абу Муҳаммад витр намози вожиб, деб даъво қилди. Бас, Убода ибн Сомит: “Абу Муҳаммад хато қилибди. Гувоҳлик бераманки, албатта, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Банда беш вақт намозни фарз вақтида, рукуъ-хушуъни жойига келтириб ўқиса, Аллоҳнинг зиммасида уни мағфират қилиш аҳди бўлур. Ким қилмаса, унга Аллоҳнинг зиммасида аҳд бўлмайди. Хоҳласа мағфират қилади. Хоҳласа азоблайди”, деганларини эшитганман”, деди”.** Абу Довуд ва Насаий ривоят қилишган. **Шарҳ:** Аввало, ҳадиснинг ровийи Абдуллоҳ ибн асСанобиҳий розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик: Абдуллоҳ ибн ас-

[76] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт. Ж. 5. Т.: “Hilol -nashr”, 2018. –Б. 186.

Санобиҳий улуғ тобеъинлардан эдилар. Абу Умар айтадилар: “Бу киши Абу Абдуллоҳ Санобиҳий бўлиб, асл исмлари Абдурраҳмон ибн Усайладир. Бу зот Расулуллоҳ билан кўришмаганлар. Пайғамбаримизни зиёратларига йўлда кетаётганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этган эдилар”. Абдуллоҳ ибн ас-Санобиҳий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир неча ҳадислар ривоят қилдилар. Бу киши ривоят қилган ҳадислардан баъзиларини уч “Саҳиҳ” соҳиблари ўз китобларига киритишган. Ривоятда: **“Абу Муҳаммад витр намозини вожиб, деб даъво қилди”** деган жумладаги Абу Муҳаммад ансорий саҳобалардан биридирлар. Ушбу ривоятни далил қилиб, ҳанафий мазҳабидан бошқа мазҳаб уламолари Витр намозини вожиб эмас, дейдилар. Мана шу масалани тўғрироқ тушунишимиз учун ҳанафий мазҳабдан бошқа мазҳабларда амаллар фақат фарз ва суннатга бўлинишини, ҳанафий мазҳабида эса, фарз, вожиб ва суннатга ажратилишини эслаб қўймоғимиз керак. Бошқа мазҳабларда фарз билан вожиб бир нарса бўлиб, икки истилоҳ бир-бирининг ўрнида ишлатилаверади. Ҳанафий мазҳабида эса фарз билан вожиб алоҳида нарсалар ҳисобланади. Вожиб суннатдан кучли нарса бўлиб, фарз бўлишига далилининг қуввати етмай қолган ҳукмдир. ҳадисдаги сўзларга эътибор берадиган бўлсак, витрни вожиб ёҳуд вожиб эмаслиги ҳақида сўз юрита туриб, унинг вожиб эмаслигига Аллоҳ фақат беш вақт намозни фарз қилгани далил сифатида келтирилмоқда. Демак, вожиб ва фарз калималари “Фарз” маъносида ишлатилмоқда. Бу ерда ҳанафийлар Витрни вожиб, деганлари маъносида сўз йўқ. ҳанафий уламолар витр намозини вожиб, деганларида ўз хаёлларидан чиқариб эмас, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига суяниб айтганлар. Саккизта саҳобий, шу жумладан, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Албатта, Аллоҳ сизларга бир намозни зиёда қилди. У витрдир” деганлар. Яъни, беш вақт фарз намозлар устига бир намозни зиёда қилди, деганларидир. Имом Абу Довуд, Насаий, Ибн Можа, Аҳмад ибн ҳанбал, Ибн ҳиббон ва Имом ал-ҳокимлар Абу Айюб алАнсорий

розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Витр ҳар бир мусулмонга ҳаққу вожибдир”, деганлар. Кўриниб турибдики, витр намози суннат намози савиясидан юқори. Агар шундоқ бўлмаса, ушбу ҳадислар айтилмас эди.

Шу билан бирга бу ҳадисларнинг кучи фарз намозларига далил бўлган оят ва ҳадислар далиллик кучи даражасида эмас. Шунинг учун ҳанафий уламолар витр намозини вожиб, деб фарз намозидан кейинги, суннат намозидан олдинги ўрнига қўйганлар. адисни ўқибоқ ҳанафийларнинг хатосини топдик. Витр намози вожиб, деб нотўғри айтишган экан, дея жар солишга ошиқмайлик. Бунинг устига Абу Муҳаммад розияллоҳу анҳу ҳам саҳобий, у киши витрни вожиб, деб айтишлари ҳам бежиз эмас.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу эса, Абу Муҳаммад розияллоҳу анҳунинг йўқларида витрни олтинчи фарз намоз, деб айтилган, деб ўйлаб раддия қилмоқдалар. ҳолбуки, ҳеч ким олти вақт фарз намоз мавжуд, демаган. ҳанафий мазҳаби уламолари ҳам витрни олтинчи фарз намоз, деганлари йўқ. Улар Хуфтондан кейин ўқиладиган витр намозини вожиб намоз, деб таърифлаганлар, холос. Уларнинг энг кучли далилларидан бири бу намозни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч тарк қилмаганларидир. Бу эса ушбу намоз оддий суннат намози эмаслигини яққол кўрсатади. Буни бошқа мазҳаблар ҳам таъкидлайдилар. Энг муҳими, витр вожиб деганлар ҳам, суннат деганлар ҳам, бу намозни тарк қилмай ўқиш зарурлигини таъкидлаб айтадилар.[77]

**Асарнинг ёзилиш тартиби.** Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни араб тилидан бошқа тилларга таржима ёки шарҳ қилишда арабча матн, албатта, бирга бўлиши кераклиги ҳақидаги фатволарга амал қилиб, баъзи арабчани билганган ўқувчиларга ёрдам бўлиши ва матннинг аслини сақлаб қолиш ниятида аввал ҳар бир ҳадиснинг матни рақамланган ҳолда келтирилган. Кейин ҳадислар сўзма-сўз таржима қилинган.

[77] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт 5-жуз Т.: “Hilol -nashr”, 2018.-Б. 18 19

Шарҳга ўтганда уламоларимиз одатига эргашиб, ҳар бир ҳадиснинг ровийси бўлган саҳобийнинг қисқача таржимаи ҳоли бериб борилган.

Шарҳга эҳтиёжи бор истилоҳлар ва сўзлар керагича шарҳланган. Сўнгра ҳадиснинг умумий шарҳига ўтилган. ҳадисдан чиқадиган ҳукмлар баён қилинган. ҳадисдан олинганган фойдалар ҳам рақамланган ҳолда санаб кўрсатилган. Айниқса, ҳар бир ҳадис маъносини бугунги кунимизга яқинлаштиришга алоҳида эътибор берилган.

Баъзи бир илмий кашфиётлар ҳадисда келган маънони тасдиқлаган бўлса, улар ҳам зикр этилган.

Китобнинг жузлари асосан мавзуга қараб белгиланган. Мисол учун, "Поклик китоби" силсиланинг 4-жузъи бўлиб, унда таҳорат, таяммум, ғусл ва сувлар ҳукми, қудуқларни тозалаш каби поклик мавзусига оид кўплаб шаръий ҳукмлар келтирилган.

Ҳаммаси бўлиб, "Ҳадис ва Ҳаёт" китоби ўттиз тўққиз жуз ва уларда 5116 та ҳадис келтирилган. Улардан мусулмон кишининг ҳаётида дуч келганган асосий масалаларнинг барчасига жавоб топиш, ҳеч бўлмаганда, йўлловчи маълумот олиш мумкин. Бу эса ўз навбатида кўпчиликни ўйлантириб турган саволларга жавоб топиш ва бошқа ерларда бўлиб ўтган, келажакда жамиятимизда содир бўлиш эҳтимоли бор масалаларни ҳам муолажа қилишда ёрдам берган. Ҳар бир мавзуни ёритишда кўпжилдлик манбалар билан бир қаторда мазкур мавзуни ёритиш учун алоҳида битилган кўплаб асл манбалардан ҳам фойдаланилган.

"Ҳадис ва Ҳаёт" нинг "Муқаддима"[78] деб аталмиш биринчи жузъи алоҳида қадрли бўлиб, унда дастлаб суннат, ҳадис каби тушунчаларга изоҳ бериб, суннатнинг муҳаддислар истилоҳидаги таърифи қелтирилган. Кейин суннат тарихи ва тадвин, яъни ҳадисни жамлаб қоғозга туширишгача бўлган тарихи келтирилган. Шунингдек, ҳадисни текширишда эътибор берилганган шартлар ва "Ҳадис илмлари" турлари келтирилган. Ҳамда бу илмлар бўйича

[78] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт 1-жуз Т.: "Hilol -nashr", 2018.-Б. 192

тузилган ҳадис китобларининг турлари ва уларнинг мартабалари ҳақида сўз юритилинган.

“Ҳадис ва Ҳаёт” силсиласининг иккинчи китоби “Ислом ва Иймон” китоби[79] деб номланган.

“Ҳадис ва Ҳаёт” силсиласининг учинчи жузъи “Ният, ихлос ва илм китоби”[80] аслида тасаввуф илмига оид мавзулардан ҳисобланган “Ният, ихлос ва илм китоби” “Ният, ихлос ва уларнинг фазилатлари ҳақида”, “Киши ниятига яраша савоб олган“, “Риёдан ҳазар қилиш ҳақида“, “Илм китоби”, “Илм ва уламолар фазли ҳақида”, “Илмни етказиш вожиблиги ва уни тарқатишнинг фазли ҳақида”, “Илмни сақлаш учун ёзиб бориш ҳақида“, “Илм одоблари ҳақида“, “Илм Аллоҳ таоло розилиги учунгина бўлиши“каби боблардан иборат.

“Ҳадис ва Ҳаёт”нинг тўртинчи жузъи – “Поклик китоби”[81] бўлиб, унда сувларнинг ҳукми, нажосатни кетказиш, қон, сийдик, мазий ва бошқа нарсалардан сақланиш, таҳорат одоблари, ғусл каби масалалар баён қилинган.

Силсиланинг бешинчи жузъи “Намоз китоби” бўлиб, у намозга оид кўп масалалар юзасидан ҳамма учун керакли ва зарур ҳукм ва маълумотларни ўз ичига олган. Исломнинг улуғ устуни – намоз ибодати ҳақида етарли ва мукаммал маълумот олиш, шунингдек, унда намознинг фарзлиги ва фазли ҳақида, намознинг ҳикматлари уни муҳофаза қилиш билангина танишиб қолмай унинг қатор энг зарур мавзуларини ҳам ўрганиш мумкин. Улар орасида қуйидагилар бор: намознинг вақтлари ҳақида, намознинг узрлари, сафардаги нафл намоз, намозда калом ва амални тарк қилиш, масжидда иккита муаззин бўлиши, азон эшитувчига мустаҳаб амаллар, мисвок, салла, сутра, намознинг кайфияти, намоздан кейинги дуо ва зикр, саҳв саждасининг

---

[79] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт. 2 жуз Ислом ва Иймон Т.: “Hilol -nashr”, 2018.
[80]Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт.3 жуз “Ният, ихлос ва илм Т.: “Hilol -nashr”, 2018.
[81] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт 4- жуз. Т.: “Hilol -nashr”, 2018.

сабаблари, тиловат саждаси ҳукми, шукр саждаси ва шу каби маълумотлар баён қилинган.

“Ҳадис ва Ҳаёт” силсиласининг олтинчи жузъи[82] – “Намоз китоби”нинг иккинчи қисми намозга тегишли кўпгина ҳукм ва маълумотларни ўз ичига олгандир. Бу китобнинг бош мавзулари қуйидагича: Масжидлар ва уларга бориш фазли, уч улуғ масжид ҳамда Қубо масжиди ҳақида,аёлларнинг масжидларга бориши, масжидлар одоби, пайғамбаримиз масжидларининг ўша даврлардаги сифати, масжидларни баланд қилиш ва зийнатлаш макруҳлиги, намоз ўқиш макруҳ бўлган жойлар ҳақида ҳам аниқ маълумотларга эга бўлиш мумкин. Бундан ташқари китобда қуйидаги мавзуларга алоҳида тўхталинган. Унда жамоатнинг фазли, жамоат намозининг ҳукми; жамоат намозидан қолишга узрлар, аҳли фазллар имомликка ҳақдорлиги; қул, озод қилинган қул, кўзи ожиз киши, аёл ва ёш болаларнинг имомлиги; иқтидо қилувчи имомнинг қайси томонида туриши, имомга иқтидо қилиш; биринчи сафнинг ва ундан кейингисининг фазли, имомга луқма бериш одоби, имомнинг намоздан бурилиши ва одамларга юзланиши ҳамда имом ўрнига бошқа одамни қўйса жоизлиги хусусидаги ҳадислар ва ҳужжатлар билан танишиш мумкин. Шу билан бирга, китобда жуманинг фазли ва фарзлиги, жума намози фарз бўлган кишилар, узр ила жума соқит бўлиши жумага эрта бориш ва ғусл қилиш, хушбўй нарсалар суртиш ва оройиш бериш, жумага юриб боришнинг фазли, жума хутбаси, хатиб ва ҳозир бўлувчиларнинг одоблари, дуо ижобат бўлганган вақт, жума куни ва кечаси Пайғамбаримизга салавотни кўпайтириш ҳақидаги саҳиҳ ҳадислар шарҳланган. Хавф ва сафар намозини ўқиш, қаср намози ва унинг масофаси, намозни жам қилиб ўқиш, шом қаср қилинмаслиги мавзуида яна бир қанча масалалар ўрганилган.

[82] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт.6- жуз Т.: “Hilol -nashr”, 2018.

“Ҳадис ва Ҳаёт” силсиласининг еттинчи жузъи – “Намоз китоби”нинг учинчи қисмида[83] ҳам аввалги икки қисмдаги каби намозга оид кўпгина ҳукм ва маълумотлар баён қилинган.

“Ҳадис ва ҳаёт” китобининг навбатдаги саккизинчи жузъи [84] закотнинг фарзлиги ва фазилати, закот фарз бўлган ва бўлмайдиган нарсалар ҳақида, кимларга закот бериш фарзлиги ва закотнинг тўғри бўлиш шартлари ҳақида ҳам батафсил маълумот олиш мумкин.

“Ҳадис ва ҳаёт” силсиласининг тўққизинчи жузъи – “Рўза китоби”[85] рўзанинг асли ва вақти баёни, фажри содиқнинг аломати, рўза тутишни бошлаш ва тўхтатиш ҳилол кўриш ила бўлган. Ҳилолни кўриш эса, бир одил киши гувоҳлиги билан ҳам бўлган, ҳар ўлка ўзи ҳилол кўриши асосида ҳам бўлган.

“Ҳаж ва умра китоби”[86] орқали ҳаж ва умра ибодатлари ҳақида кўпгина маълумотлар олиш мумкин.

“Ҳадис ва ҳаёт” силсиласининг ўн биринчи жузъи “молиявий муомалалар китобидир”[87] Унда ҳалол касб талаби ҳақида ростгўйлик ва карамли бўлиш ҳақида сотилганган нарса шартлари ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

“Ҳадис ва ҳаёт” китобининг навбатдаги ўн иккинчи жузъи[88] молиявий муомалаларга оид мавзуларни ўз ичига олган ва мерос, васият ва қул озод қилиш масалаларига бағишланган. “Ҳадис ва ҳаёт”нинг ўн учинчи жузъи[89] китоб никоҳ, унинг аҳамияти ва бу борада ҳар бир мусулмон билиши ва қилиши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз кетган. Шунингдек, талоқ ва унга боғлиқ нарсалар ҳақида сиз ва биз учун керакли ҳукмлар баён этилган.

---

[83] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт 7- жуз. Т.: “Hilol -nashr”, 2018.
[84] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт 8-жуз. Т.: “Hilol -nashr”, 2018.
[85] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт 9-жуз. Т.: “Hilol -nashr”, 2018.
[86]Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт. 10-жуз. Т.: “Hilol -nashr”, 2018.
[87] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт. 11-жуз. Т.: “Hilol -nashr”, 2018.
[88] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт 12-жуз. Т.: “Hilol -nashr”, 2018.
[89] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт. 13-жуз Т.: “Hilol -nashr”, 2018.

“Ҳадис ва ҳаётнинг” ўн тўртинчи ва ўн бешинчи жузъи “қасам ва назрлар китоби ва ов”[90] деб номланган бўлиб, унда аввал сўзни қасам ҳақидаги умумий маълумотларни тақдим қилиш ила бошланган. сўнгра мўмин банда ичган қасам фақатгина Аллоҳ таолонинг исмларидан бири билан бўлишини ва ким Аллоҳдан ўзга ила қасам ичса, гуноҳкор бўлишини ҳужжат ва далиллар ила яхшилаб ўрганилган. Кейин қасамларнинг турларини ўрганишга киришилган.

“Ҳадис ва ҳаёт”нинг ўн олтинчи ва ўн еттинчи жузъи “Таом, шароб ва либос”китоби [91] деб номланган. Ўн саккизинчи жузъи “Тиб ва дам китоби”[92]дир. Бу китобда тиб ҳақида келган ҳадислар суннатнинг қайси турига кириши ва уларга қандоқ муносабатда бўлиш кераклиги ва бошқа зарур масалаларни ўрганиш мумкин. Динимизда тозаликка риоя қилиш, соғлиққа зарар етказувчи ва атрофни ифлос қилувчи нарсалардан қайтариш, бадан-тарбия, соғлиққа зарарли нарсаларни ҳаром қилиниши, исроф ва қизғанчиқликни ҳаром қилиниши, жисмни толиқтиришдан қайтариш, соғлиқни сақлаш, масканда енгиллик ва рухсатлар берилгани каби мавзулар билан танишиш мумкин.

Асарнинг шу ергача бўлган қисми фиқҳий масалаларни қамраб олган бўлса, қолган жузлар пайғамбарлар тарихи, саҳобалар, аҳли байт, руҳий тарбия масаласига оид ҳадислар шарҳига бағишлангандир.

Хулоса қилиб айтганда, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Ҳадис ва Ҳаёт” силсиласи беназир ҳисобланади. Унда ибодат масалалари, ислом тарихи, руҳий ва маънавий етукликка чорловчи мавзулар баён қилинган. Ибодат масалаларига оид ҳадисларнинг ҳукми айтилганида, аввало, ҳанафий мазҳаби уламоларининг ҳадисдан чиқарган ҳукмлари келтирилган. Шу сабабдан асарни “ҳанафийлар ҳадисни билмайди” дейдиганлар учун қарши ҳужжат бўлган дейиш мумкин.

[90] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт14-15-жуз. Т.: “Hilol -nashr”, 2018.
[91] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт. 16-17-жуз Т.: “Hilol -nashr”, 2018.
[92] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. - Ҳадис ва Ҳаёт.18-жуз. Т.: “Hilol -nashr”, 2018.

# ХОТИМА

Абу Ҳанифа фақиҳлиги билан бирга ҳадис билимдонларидан бири эканлиги юқорида ҳам айтиб ўтилди. Унинг фақиҳ бўлганига ҳеч қандай эътироз йўқ. Лекин баъзи муҳаддислар унинг ишончли ровий бўлганлиги хусусида шубҳага борганлар. Шунингдек, тарихда «асҳоб ал-ҳадис» («ҳадис аҳллари») деб номланган гуруҳга мансуб кишилар ҳанафийларни ҳадисга етарлича эътибор бермаганликда ва кучсиз ҳадислардан фойдаланганликда айблаб танқид қилганлар.

Ҳанафий уламолар Абу Ҳанифанинг ҳадис илмида ҳам илми юқори даражада бўлганини кўрсатадилар. Абу Ҳанифанинг ҳадис илмидаги салоҳиятини юқори баҳолаган муҳаддис Исроил ибн Юнус : «Нўъмон қандай яхши киши, ҳар қандай ҳадисни ёд олса, яхши тушуниб оларди, кучли тадқиқ қиларди ҳамда фиқҳий томонларини билмасдан қўймасди», – дейди. Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Марвазий Имомга «аҳлу-р-раъй» («раъй аҳллари») дейилиши хусусида шундай дейди: «Абу Ҳанифанинг раъйи деб айтманглар, балки ҳадиснинг тафсири, деб айтинглар».

Ҳар бир маноқибда Абу Ҳанифанинг муҳаддислар билан мулоқоти келтирилади. Асарда асосий ровий Абу Ҳанифа бўлгани ҳолда у ҳам бошқа муҳаддислардан ҳадис эшитгани ҳақида ривоятларнинг учраши мазҳаббошининг машҳур муҳаддислар билан ҳамсуҳбат бўлганини кўрсатади. Масалан, Суфён ибн Уяйна: «Мени Умар ибн Динор ҳадисларини айтиш учун биринчи бўлиб илм мажлисига ўтказтирган киши Абу Ҳанифадир. Мен уларга саккиз юз ҳадис айтдим», – деган.

Абу Ҳанифанинг ҳадисларга кам мурожаат қилгани қуйидагича изоҳланади: Абу Ҳанифа даврида нафақат ҳадисларни, балки бошқа илмларни ҳам қайд этиб, ёзиб бориш ҳали яхши ривожланмаган. Чунки саҳобийлар даврида ҳадисларни ёзиш ёки ёзмаслик, унга амал қилиш ёки қилмаслик борасида ҳадисларга эътибор қандай бўлган бўлса, Абу Ҳанифа даврида ҳам эътибор унчалик ўзгармаган. Шу боис «Абу Ҳанифа ҳижрий

иккинчи асрнинг бошларида яшаб фаолият олиб боргани учун ўз даврида ҳадисларнинг иснодини текширишда унчалик қийинчиликка учрамаган». Мазкур сабаблар туфайли бўлса керак, Абу Ҳанифа илм олишда ўша даврнинг одатларига амал қилган ҳолда ҳадисларни ёзмаган.

Абу Ҳанифа билан ҳамсуҳбат бўлган Суфён ас-Саврий, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак каби олимлар ҳадисларни биринчилардан бўлиб ёзганлар. Ҳадис илми ҳали тўлиқ шаклланмаган бу даврда ҳадислар, асосан, оғзаки равишда муомалада бўлган. Ҳанафий уламолар ана шундай пайтда ҳам ҳадисларни атрофлича ўрганиб, уларнинг ишончлилари ёрдамида фатволар чиқарганлар.

Қолаверса, ҳанафий муҳаддислар турли ҳадис китобларини ёзганлар. Улар доимо ўз мазҳабларида ишлатадиган ва ҳужжат қилиб оладиган ҳадисларининг саҳиҳ - ишончли эканини ва бу ҳадисларнинг иснодлари Муҳаммад (с.а.в.)га узлуксиз етиб боришини кўрсатиб берганлар. Айниқса, Зафар Аҳмад ал-Усмоний ат-Таҳонавий (ваф. 1974 й.) томонидан «Эълоус сунан» («Суннатни баланд қилиш») китоби ёзилган ва унда ҳанафий мазҳабида ишлатиладиган деярли барча ҳадислар жамланган ҳамда уларга шарҳ битилган ва у икки қисмдан иборат - бири ҳадисларни шарҳлаш, иккинчиси ҳадис ва фиқҳ илмларини ёритишга бағишланган. Бу китоб ҳам ҳанафийларнинг ҳадислардаги «эҳтиётсизлиги»ни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган. Асарнинг «муқаддима»си уч қисмга бўлинган.

Биринчисида улум ал-ҳадисда учрайдиган турли ихтилофлар ва уларда муҳаддисларнинг ўрни кўрсатиб ўтилган.

Иккинчисида фиқҳ илмларида учрайдиган турли ихтилофлар, бошқа мазҳабларнинг бир фикрга турлича ёндашгани ва бунда ҳанафийларнинг ўрни кўрсатиб берилган.

Учинчисида ҳанафий олимларидан чиққан муҳаддисларнинг таржимаи ҳоллари ва ёзган асарлари келтирилган.

Умуман, «Эълоус сунан» муқаддимасида ҳанафийлар ҳадис ҳамда фиқҳда ишлатадиган услублари умумий маънода худди бошқа мазҳаблардагидек ўрин эгаллаши кўрсатиб берилган.

Таҳлиллар ҳанафийлик мазҳаби нафақат таълимот жиҳатидан бағрикенгликни тарғиб этади, балки Абу Ҳанифа босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли, ундаги кенг дунёқараш билан оламга боқишга чорлайди. Бу эса ўз навбатида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, диний бағрикенгликни тарғиб этиш давлат миқёсидаги масала бўлган айни пайтда воқеликка ҳанафийликка хос илмийлик ва мантиқийлик асосида муносабатда бўлишда алоҳида аҳамият касб этади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бурҳонуддин Марғиноний. "Ҳидоя шарҳ бидоятил мубтади". – Т.: «Hilol-Nashr», 2020. – 704 б.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. "Фиқҳий йўналиш ва китоблар". – Т.: «Hilol-Nashr», 2019. – 312 б.
3. Абдулмуҳди Абдулқодир Абдулҳодий. "Туруууқу тахрижил ҳадис". Мактабатул ийман, 2012.
4. Абдулҳай Лакнавий. "Фавоидул баҳийя". "Матбаатус са`да", Миср, 1906.
5. Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлоий. "Насбу-р-роя ли аҳадисил Ҳидоя". Муҳаммад Аввома таҳқиқи, Муассасату ар-райян, Байрут, Ливан. 1997.
6. Ибн Ҳажар. Таъжилул манфаа. –Байрут: Дорул башоирил исломия. Биринчи нашр, 1996.
7. Д. Али Надвий. Ал-Имом Муҳаммад ибнул Ҳасаниш Шайбоний. - Дамашқ: Дорул қалам. 1994.
8. Лакнавий. Ат-Таълиқул мумажжад. Ж. 1, Б. 130; Али Надвий. Ал-Имом Муҳаммад.
9. "Муватто" (Имом Муҳаммад ривояти). Абдулваҳҳоб Абдуллатиф таҳқиқи билан.
10. Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз. "Сияр аълом ан-нубало". Байрут: Мавсуат ар-рисола, 1992.
11. Мустафо ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳанафий Ҳожи Халифа. "Кашф аз-зунун ъан асмо ал-кутуб ва-л-фунун". Макка: Мактаба ал файсалийя, 1981.
12. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия. 1995.
13. Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз. "Сияр аълом ан-нубало". Байрут: Мавсуат ар-рисола, 1992.

14. Муҳаммад ибн Саъд ибн Муниъ Абу Абдуллоҳ ал-Басрий ал-Зуҳрий. “Ат-табақот ал-кубро”. Дору Содр  Байрут.1968.
15. Мустафо ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳанафий Ҳожи Халифа. “Кашф аз-зунун ъан асмо ал-кутуб ва-л-фунун”. Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981.
16. Шамсиддин Заҳабий. “Тазкират ул-ҳуффоз”. Дору эҳёу туросул арабий.
17. Абул Аббос Шамсиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Халликон. “Вафиййот ул-аъйон ва анба-у-абнаи-з-замон”.
18. Муҳаммад ибн Саъд ибн Муниъ Абу Абдуллоҳ ал-Басрий ал-Зуҳрий. “Ат-табақот ал-кубро”. Дору Содр  Байрут.1968.
19. Мустафо ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳанафий Ҳожи Халифа. “Кашф аз-зунун ъан асмо ал-кутуб ва-л-фунун”. Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981.
20. Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Таҳовий «Шарҳ маъоний ал-осор». Дорул кутубул илмия.
21. Жамолиддин Абул маҳасин Юсуф ибн Тағрий Бардий, Ан-нужумуз заҳиро фи мулуки миср вал қоҳиро.
22. Солиҳ Юсуф Маътуқ. Бадриддин ал-Айний ва асаруҳу фи ъилмил ҳадис.
23. Ал-Мавсуъатул ъаробийятул муяссаро.
24. Бадриддин Айний. Ақдул жумман фи тарихи аҳлиз заман.
25. Ас Саховий. Аз-зуъул ламиъ.
26. Солиҳ Юсуф Маътуқ. Бадриддин ал-Айний ва асаруҳу фи ъилмил ҳадис .

## Тадқиқотлар

### 3.1. Ўзбек тилида

1.Абдуллаев А.Г. «Ал-Кашшоф»нинг тафсир илмида тутган ўрни // Шарқ машъали (ТошДШИ). – Тошкент, 2005. – № 2. – Б. 15-18.

2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам): 4 жилдли. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
4. Абу Ҳанифа ан-Нуъмон. Ал-Фиқҳ ал-акбар / С.М.Олтинхон Тўра тарж. – Т.: Адолат, 2003. – 65 б.
5. Алимова М. Машҳур ҳадис тўпламлари таснифи (IX аср) // Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси: Тезислар тўплами. Тошкент, 2007 йил 16 май. – Тошкент, 2007. – Б. 26-29.
6. Алимова М. Имом ад-Доримий – Мовароуннаҳр ҳадис мактабининг етук намояндаси // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2007. – № 3. – Б. 34-39.
7. Алимова М. Самарқандда ҳадис илмининг ривожи // Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишганган Республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд, 2007 йил 9-10 август. – Тошкент, 2007. – Б. 93-97.
8. Алимова М. «Сунан ад-Доримий»нинг таркибий таҳлили // Тарихий манбашунослик муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент, 2008 йил 25 апрель. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – Б. 62-66.
9. Алоуддин Мансур. Имоми Аъзам буюк имомимиз. Бишкек, 1998. – 115 б.
10. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.
11. Буюк имом Абу Ҳанифа // Мусанниф Йўлдош Эшбек. – Т.: Истиқлол; Мовароуннаҳр уламолари: Ҳанафийлар // Шарқшунослик. – Т., 1999. – № 9. – Б. 40–44.
12. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 256 б.

13.Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни. Юридик фанлари доктори дисс. ... – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – 293 б.
14.Иброҳимжон Усмонов. “Наводир ал-асул” ҳикматлари. –Т.: “Фан” нашриёти, 2009. – 175 б.
15.Имом Аъзам Абу Ҳанифа. Муснад / мутаржим Абдуллоҳ Мурод Холмурод. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – 386 б;
16.Имоми Аъзам асарлари / Таржимон ва нашрга тайёрловчи. Абдурашид қори Баҳромов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – 235 б.
17.Ислом тарихи / А. Ҳасанов, Н.Комилов, У.Уватов, А.Азимов, Қ.Зоҳидов – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – 288 б.
18.Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
19.Исҳоқов С. Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари – муҳим ҳуқуқий манба (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот): Юрид. фан. номз. дис. ... – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 167 б.
20.Калободий. Китобу-т-таарруф би-мазҳаб аҳли-т-тасаввуф / М.Мавлонқулова таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом, 2002. – 142 б.
21.Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Са‘да Абду-л-Карима ибн Мухаммада ас-Сам‘ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Т.: Фан, 1993. – 184 с.
22.Комилов М. Мовароуннаҳр фиқҳ илми ривожида Алоуддин ас-Самарқандийнинг ўрни ва «Туҳфат ал-фуқаҳо» асарининг аҳамияти: Тарих фанлари номзоди… дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2000. – 26 б.
23.Маҳмуд Таҳҳон. Тайсир Мусталаҳ ал-Ҳадис. –Т.: Мовароуннаҳр, 1991. – 239 б.
24.Муратов Д. Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг «Кашф ал-осор» асари ҳадис илмига оид манба. Тарих фанлари номзоди дисс. ... – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – 224 б.

25.Муратов Д. «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа» – ҳадис илмига оид муҳим манба / Имом ал-Бухорий сабоқлари. – № 1. – 2008. – Б. 14-16.
26.Муратов Д. «Кашф ал-осор» асарида Абу Ҳанифа сиймоси // Тошкент ислом университети Илмий-таҳлилий ахбороти. – № 3. – 2007. – Б. 54-59.
27.Муратов Д. Фақиҳ Абдуллоҳ ас-Субазмуний ҳанафий муҳаддисими? // Имом ал-Бухорий сабоқлари, – 2005. – № 4. – Б. 232-233.
28.Муратов Д. Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа» асарида зикр қилинган алломалар // Академик У.Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий-амалий конференцияси тезислари. Тошкент, 2005 йил 12 май. – Тошкент, 2005. – Б. 134-136.
29.Муратов Д. Бухоролик ҳанафий ровийлар // Тарихий манбашунослик муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент, 2008 йил 25 апрель. – Т.: ЎзМУ, 2008. – Б. 58-62.
30.Муратов Д. Абу Ҳанифанинг юртимиздан чиққан шогирдлари (Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг «Кашф ал-осор» асари асосида) // Тошкент ислом университети профессор-ўқитувчилар илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. Тошкент, 2008 йил 13 апрель. – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – Б. 47-49.
31.Мўминов А.Қ. Ҳанафий уламоларнинг марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар). Тарих фанлари доктори ... дис. автореф. – Т. Тошкент ислом университети, 2003. – 46 б.
32.Мўминов А.Қ. Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби тарихига оид бир манба // “Шарқшунослик”. – 1992. – № 3. – Б. 52-57.
33.Мўминов А.Қ. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа // Мулоқот. – Т., 1994. – № 7-8. – Б. 37-40.
34.Мўминов А.Қ. Мовароуннаҳр уламолари: Ҳанафийлар // Шарқшунослик. – 1999. – № 9. – Б. 40-44.
35.Мўминов А.Қ. Мовароуннаҳр ҳанафий фиқҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2001. – № 1. – Б. 88-91.

36.Нажмуддинов З. Васлий ас-Самарқандийнинг «ал-Калом ал-афҳам» асари «Маноқиб Аби Ҳанифа» жанрининг Ўрта Осиёдаги сўнгги намунаси // Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Тошкент: 2005. – Б. 163.
37.Нажмуддинов З. Абу Зайд ад-Дабусий ─ хилоф илмининг асосчиси // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2004. – № 1. – Б. 68-70.
38.Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фанлари номзоди дис. ... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 26 б.
39.Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фанлари номзоди дис. ... – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 170 б.
40.Уватов У. Донолардан сабоқлар. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 92 б.
41.Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни. Тарих фанлари доктори … дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – 299 б.
42.Усмонов И.С. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба. Тарих фанлари номзоди ... дис. автореф.– Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – 26 б.
43.Хоразм Маъмун академияси / Масъул муҳаррир Б.А.Абдуҳалимов. – Т.: ФАН, 2005. – 425 б.
44.Қодиров З.О. Имом Аъзам. Ҳаёт йўли ва фиқҳ усуллари/ – Т.: Мовароуннаҳр, 1999. – 112 б.
45.Қориев О. Ал-Марғиноний – машҳур фиқҳшунос. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – 48 б.
46.Қориев О. Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин Марғиноний. Т.: ФАН, 2009. – 255 б.

47.Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 517 б.
48.Ҳусниддинов З. Ислом – йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Ўқув қўлланмаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000. – 107 б.

### 3.2. Рус тилида

49.Бартольд. В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия: Сочинения. Т. I. – М.: Издательство восточной литературы. 1963. – 760 с.
50.Бартольд В.В. Работы по исторической географии. Сочинения. Т.III. – М.: Восточная литература, 1965. – 711 б.
51.Бартольд. В.В. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии: Сочинения. – Т. II. – Часть 2. – М.: Наука. 1964. – 657 с.
52.Бартольд В.В. Халиф и султан. // Бартольд В.В. – Сочинения. Т. VI. – Москва, 1966. – Б. 15-78.
53.Бартольд В.В. Теократическая идея и светская власть в мусульманском государстве // Сочинения. Т. п-м. ГРВЛ, 1960. – Б. 305.
54.Бациева С.М.Историко-социологический трактат Ибн Халдуна. “Муқаддима”. – М., 1965.
55.Большаков О.Г. История халифата. В 3-х томах. – М.: Наука, 1989-2000.
56.Босворт К.Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. Пер. с англ. П.А.Грязневича. – М.: Наука, 1971. – 324 с.
57.Буниятов З.М. Государство хорезмшахов-ануштегинидов. 1097-1231. – М.: Наука, 1986. – 248 с.
58.Гибб. Х.А.Р. Арабская литература (классический период). – М.: Издательство восточной литературы, 1960. – 187 б.
59.Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 б.

60.Муминов А.К. Роль и место ханафитских улама в жизни городов центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв.). Дис. ... доктора исторических наук. – Т.; Ташкентский исламский университет, 2003. – 330 с.
61.Муминов А.К. Традиционные и современные религиозно-теологические школы в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. – 1999. – № 4 (5). – Б. 77-83.
62.Муминов А.К. Центральная Азия // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. – М.: Издательская фирма “Восточная литература” РАН, 1998. – Вып. 1. – Б. 102-105.
63.Муминов А.К. Шамс ал-а’имма // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. – М., 2001. – Вып. 3. – Б. 120-121.
64.Муминов А.К. Учение ал-Матуриди и его место в культуре Мавераннахра в X-XII вв. // Учение ал-Матуриди и его место в культуре Мавераннахра в X-XII вв. Сборник докладов. – Т., 1999. – Б. 16-23.
65.Рустам Батыр. Абу-Ханифа: жизнь и наследие. Часть 1. – Под общ. Редакцией Д.В.Мухитдинова. – Нижний Новгрд – Ярославль: Медина, 2007. – 288 с.
66.Русско-узбекский словарь. – Т. I-II. – Т.: Главная редакция УзСЭ, 1983.
67.Тиллабаев Р. Среднеазиатские агиографические сочинения XV-XVI вв. как исторический источник (Жития шейхов накшбандиев). Автореф…докт.ист.наук. – Ташкент: ИВАН РУз, 1994. – 54 с.
68.Тошов Н. «Та’рих-и джахангуша» ‘Ала ад-дина Джувайни – ценный источник по истории Центральной Азии XII-XIII вв. Автореф. дис … кандидата исторических наук. – Ташкент: ИВАН РУз, 2004. – 23 б.

### 3.3. Ғарб тилларида

69.Abdullayev A.G. Peculiarities of Zamakhsharyъs views in commentaries to Koran // Based on International Scientific Conference Mahmud Zamakhshari

and oriental literary-scientific renaissance. – 23-25 May 2007. – Ashkhabad-Tashgauz. – pp. 365-366.
70. Brockelmann K. Geschichte der arabischen Litteratur. Supplementbände I-III. – Leiden, 1937-1942.
71. Duckinson E. Ahmad b. Al-Salt and his biography of Abu Hanifa. Journal of the American Oriental Society, Vol. 116, № 3 (Jul. – Sep., 1996), - P. 408-417.
72. Flügel G. Die Classen der Îanefitischen Rechtsgelehrten // Abhandlungen der philologisch-historischen Classe der königlichen sächsischen Gesellschaft der Wissenschaften, VIII. Band, Leipzig. 1861. – Б. 267-358.
73. Guillaume Alfred. The Traditions of Islam. An Introduction to the study of the Had1th Literature. –Oxford: At the Clarendon Press, 1924. –184 p.
74. Goldziher I. Muslim studies (Muhammedanische Studien). Tr. By C.R.Braber and S.M.Stern, –London: George Allen and Unwin, 1971, vol. 2, 378 p.
75. İbrahim Kafesoğlu. Harezmşahlar devleti tarihi (485-618//1092-1221). 3. Baskı. – Ankara: Türk tarih kurumu basımevi, 1992. – 317 б.
76. Juynboll G.H. Muslim tradition: Studies in chronology, provenance and authorship of early hadith. – Cambridge, London, New York, New Rochelle, Melbourne, Sidney: Cambridge University Press, 1983. – 273 p.
77. Juynboll G.H. Studies on the Origins and Uses of Islamic Hadith. –Vermont: Variorum, 1996. –194 p.
78. Le rôle et la place des juristes hanafites dans la vie urbaine de Boukhara et de Samarcande entre le XIe et le début du XIIIe siècle // Cahiers dъAsie centrale. – 2001. – № 9: Études Karakhanides. – Б. 131-140.
79. Traditional and Modern Religious-Theological Schools in Central Asia // Political Islam and Conflicts in Russia and Central Asia / Edited by L. Jonson and M. Esenov. – Stockholm: The Swedish Institute of International Affairs, 1999. – Б. 101-111.
80. Harald Motzki. Hadith. Origins and Developments. — (The Formation of the Classical Islamic World). –Burlington: Ashgate, 2004. –360 p.

81. Mehmet Gőrmez. Sünnet ve Hadisin Anlaşilmasi ve Yorumlanmasinda Metodoloji Sorunu. Ankara. Türkiya Diyanet Vakfi, 2000. 340 v.
82. Mohammad Taqi Amini. Textual Critical Study of Hadith. – Delhi: Idarah-i adabiyat-i Delli, 1999. – 170 p.
83. Mohammad Hashim Kamali. Hadith methodology (Usul al-Hadith). Authenticity, Compilation, Classification and Criticism of Hadith. – Kuala Lumpr: Ilmiah publishers, 2002. – 332 p.
84. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. Band I. Leiden: Brill, 1967. – 935 p.
85. Weinberger J. The Authorship of Two Twelfth Century Transoxanian Biographical Dictionaries // Arabica. – 1986. – № 33. – Б. 369-382.

## МУНДАРИЖА

**МУҚАДДИМА**..........................................................................................5
**I-БОБ.** ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ ДАЛИЛЛАРИНИНГ УСТУНЛИГИ ҲАМДА ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДА ҲАДИСНИНГ ЕТИБ КЕЛИШИГА КЎРА ТАҚСИМОТИ..........................................................................................6
**II-БОБ.** ИМОМ АБУ ҲАНИФАНИНГ ҲАДИС ИЛМИДАГИ МАВҚЕИ ВА УНИНГ “МУСНАД”И..........................................................................................13
**III-БОБ.** ИМОМ МУҲАММАДНИНГ “ОСОР” ВА “МУВАТТО” АСАРЛАРИ..........................................................................................24
**IV-БОБ.** ИМОМ ТАҲОВИЙНИНГ “ШАРҲИ МАОНИЯЛ ОСОР” АСАРИ. ВА АБДУЛЛОҲ СУБАЗМУНИЙНИНГ “МУСНАД”И..................................42
**V-БОБ.** ЖАМОЛИДДИН ЗАЙЛОИЙ ВА УНИНГ “НАСБУ-Р-РОЯ” АСАРИ..........................................................................................57
**VI-БОБ.** БАДРИДДИН АЙНИЙНИНГ “УМДАТУЛ ҚОРИЙ” ВА “АЛ-БИНОЯ”, ИБН ҲУМОМНИНГ “ФАТҲУЛ ҚОДИР” ҲАМДА ЗАБИДИЙНИНГ “УҚУДУЛ ЖАВОҲИР” АСАРЛАРИ................................64
**VII-БОБ.** МУЛЛА АЛИ ҚОРИНИНГ “ШАРҲИ МИШКОТ” ҲАМДА ЗАФАР АҲМАД УСМОНИЙНИНГ “ЭЪЛОУС СУНАН” АСАРЛАРИ.......75
**VIII-БОБ.** ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ ҲАЁТИ ВА УНИНГ “ҲАДИС ВА ҲАЁТ” АСАРИ..............................................................88
**ХОТИМА**……………………………………………………………..…..100
**ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**.......102